

Анвар БҮРОНОВ

ОЛТОЙЛАР

Тошкент
“Мұхаррир нашриёти”
2017



**УЎК 908(571.15)
КБК 26.89(2Рос.Алт)
Б 99**

Бўронов, Анвар.

Олтойлар [Матн]: / А.Бўронов. – Тошент: Muхarrir nashriyoti. 2017. – 184 б.

ISBN 978-9943-5026-2-8

Ушбу китоб номланишига кўра этногеографик асарга ўхшаса-да, аслида фалсафий характерга эга. Унда олтой халқининг тили, тарихи, маданияти, дини ва урф-одатлари имкон қадар кенгроқ ёритилди. Шунингдек, асардан этнология, филология, туркология, олтойшунослик, диншунослик, аксиология, тарих ва бошқа соҳаларда тадқиқот олиб бораётган олимлар учун муҳим маълумотлар жой олган. Айниқса, туркий халқларнинг буғунги синкреметистик маданияти, исломгача бўлган маданиятлар элементларини таққослаша ва таҳлил қилиши учун муҳокамали мавзулар очиб берилди.

Ўқувчида олтой халқлари маданияти тўғрисида кенг тасаввур ўйғотиши учун уларнинг бой қадриялари ҳисобланмиси мифологияси, афоризмлари ва бадиий ижод намуналарига кенг ўрин берилди. Жумладан, “Алпомиши” достонининг илк вариантларидан бири санаалган “Алп-Манаши” достони, “Етти оғайни” афсонаси, олтой эртакларидан намуналар ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонлар ҳукмига тақдим қилинди.

**УЎК 908(571.15)
КБК 26.89(2Рос.Алт)**

Тақризчилар:

Саодат Муҳаммедова,

ТошДЎТАУ “Тилишуносликда ахборот ва замонавий педагогик технологиялар” кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор

Сайфулла Турсунов,

Термиз давлат университети “Жаҳон тарихи ва манбашунослик” кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-5026-2-8

© А.Бўронов
© “Muхarrir nashriyoti”,
Тошкент, 2017 й.

“ОЛТОЙ”ЛАР ВА УНИНГ МУАЛЛИФИ ҲАҚИДА

Сурхондарё ажабтовур жой.

Камина Сурхон воҳасидаги барча касбдошлару кўнгилдошларни биламан деб ўйлайман. Аммо ҳар сафар борганимда – илгари танимаганим, эшитмаганим – билимдон, истеъдодли одамларга дуч келавераман. Бу кутилмаган учрашувлар менга алоҳида завқу ҳаяжон бағишлади. Анчагача бу учрашувлар тотини юрагимда туйиб, дўсту биродарларга мароқ билан ҳикоя қилиб юраман. “Шу сурхондарёликлар жуда қизиқ-да, деб ўйлайман, на шуҳрат деб жон кўйдиришни, на номим қолсин деб уринишни билишади. Далли-девона кўнгилларининг кўйида ўзларича яшаб юришаверади. Ҳеч нарса билан ишлари йўқ, ўзларидан ўзлари рози бўлсалар, бўлди”...

Хаёлимга юзбошилар (бизда илгари бахшиларни шундай аташар – юз кишилик даврани боши, деганлари бўлса керак-да!) келади. Сурхондарёда не-не бахшилар ўтмаган. Арслондай ўкириб, ёмғирдай тўкилиб, кўзларни ёшлаб, одамларни кўнгил дунёсига бошлаб умргузаронлик қилганлар – айтганларини қофозга туширишни хаёлларига ҳам келтирмаганлар! Юракларидан ситилиб чиққан мунграниш – дард эшитганларга юқса бўлгани!

Бир ярим йилча аввал Миллий театрнинг бир гурух санъаткорлари билан Шўрчига борганимда ҳам, худди шундай бўлди. Артистлар Маданият уйини тўлдириб ўтирган томошабинларни маҳтал этмасдан, бирпаста томошаларини бошлаб юборишли. Ташқарига чиқдим. Маданият уйининг шундоқ биқинидаги мўъжазгина китоб дўконига кўзим тушди. Деновга кетишга шошилиб турган бўлсан ҳам, бу олис туманда ҳам китоб дўкони борлигига бироз ажабланиб, ўша томонга юрдим. Дўконда

китоб кўп экан. Дид билан танланган. Катта китобхонлар ўқиса, арзийдиган китоблар! Сотувчи мени таниди.

– Ака, – деди у, – Анвар акани кўриб кетмайсизми? Кўролмай қолса, хафа бўлади.

Мен Анвар қаердалиги сўрадим.

– Ана!

У дўкон эшигидан чиқа солиб, кўчанинг нарига бети-даги йигитни “Анвар ака”лаганча, чақира бошлади.

Анвар бирпасда етиб келди. Ораста кийинган. Босиқ-қина.

Суҳбатлаша бошладик. Гап, албатта, китоб ҳақида кетди. Анвар бу китобхонани ўзи очганидан гапирди. Мен китоб дўкони каттароқ бўлса, яхши бўлар эди, дедим. Анвар икки қаватли китоб дўкони қуриш орзуси борлигидан гапирди. Бу орада Маданият уйидан шошилиб чиқсан ҳамроҳим “кетдик” дегандай, имо-ишора қила бошлади.

Анвар қўлимга компьютерда терилган, озода муқоваланиб, китоб шаклига келтирилган салмоқли қўлёzmани тутқазди.

– Бир қараб чиқарсиз...

Қўлёzmанинг сарлавҳасига кўзим тушди: “Олтойлар”.

Олтойлар! Юрагим ҳапқириб кетди. Бошқа ўзбекларни билмайман-у, аммо мен мана шу халқ билан аллақандай алоқам борлигини мудом ҳис қилиб яшаганман. Момолару боболарим айтадиган – ҳозирги ўзбек адабий тилига негадир сиғмай қолган – ажаб бир сўзлар ўша халқ тилида борлигини қаерлардадир учратганман. Қувонганман. Момоларим қизларга “ҳа, мортув” деб танбех бергич эди. Бу сўзнинг маъносини болаликда сўрамаганман. Кейин эса олтой тилида “мортув” “алвости” дегани эканлигини билганимда, бошим осмонга етган! Ҳатто баҳтга ўхшаш totли бир ҳолни бошдан кечирганман. Олтойлар ўзимизнинг халқ! Туркларнинг “олтин қозиги” олтойда қоқилган деган гаплар ҳам бор-ку!

Шошиб варақладим. Олтой халқи ҳақида батафсил – кенг қамровли илмий мақолалар, халқ оғзаки ижодидан таржималар – мақоллар, эртаклар, эпослар...

– Бу... сизга нима керак? – дедим ниҳоят ва... жуда аниқ, залворли, ақлимни шоширадиган жавоб олдим.

– Томиримни билай дедим, ака...

Ҳаяжондан миям зирқираб кетди. Атрофга қарадим. Шўрчининг кўримсизгина кўчаси. Мошиналар ғизиллаб бориб-кеяпти. Бозор-ўчарларни ортмоқлаган одамлар. Ҳамма тезкор. Теваракка қарашга вақти йўқ... Уларни Олтой билан нима иши бор! Э, Худо! Бу Анвар эса... Анварни бирдан яхши кўриб кетдим! Шундай – илдизини билишни хоҳладиган, олтойликларни туш кўриб яшайдиган биргина укам бўлишини орзу қилдим.

Аммо... кетиш керак.

Хайрлашдик.

Деновга бориб, қўлёзмани ўқишига тушдим. Бу олтойликнинг тили бунча менга яқин. Мақолларининг ҳам тенг ярми ҳозир ҳам ўзбек тилида кўлланади. Завқланиб ўқий бошладим. Воҳ, мана бу мақолни, қаранг! “Бир гул баҳор бўлмас!” Худойим! Нега бунча чиройли! Қайси орзуси осмонча, аммо кўнгли ярим олтойлик бу мақолни ўйлаб топди экан? Умримда шундай бир мақолни ўйлаб топганимда, армоним бўлмас эди, деган хаёлларга бордим.

Биз Анвар Бўрон билан қайта кўришганмиз йўқ. Фақат орқаворотдан уни Толстойнинг ҳикояларини таржима қилгани хабарини эшилдим.

– Яхши экан! – деди катта олим Нурислом ака Тўхлиев.
– Кўзимга ёш келди-я!

Мен ичимда ғуурурландим. Бу Анвар кимни ўқиб, кими таржима қилишни ҳам билади! Шўрчида ёлғизгина ўтириб, Толстой билан ошначилик қилган-да!.. Негадир юракларим ачишиб, кўнгилдошлигимизни хис қилдим!

Мана, энди “Олтойлар” китоби нашр қилинадиган бўлди. Анварнинг олти йиллик изланишларининг мева-сидан бошқалар ҳам баҳраманд бўлади. Анвар бу китоб билан ҳамфирлар топади. Қанчадан-қанча кўнгилларда гуллар очилади.

Зотан, “бир гул баҳор бўлмас!”.

Энди баъзи бир хомхаёллар.

Амир Темур айтганларидаи, биз туркнинг бош бўғинимиз. Юртимиизда тарихимизни ўрганиш, қадимги қўлёзмаларни ўрганиш ишларига катта эътибор берилмоқда. Шарқшунослик институтлари бор. Аммо бу йўналиш асосан араб ва форс тилларидағи қўлёзмалар асосида бормоқда. Энди “бош бўғин” сифатида, туркӣ ҳалқларнинг катта-кичик қавмлари олдида ҳам масъуллигимиз борлиги тобора ойдинлашиб бормоқда. Ўзбек юксак интеллектуал салоҳиятли ҳалқ. Биз туркӣ ҳалқларнинг адабиёти, тарихи, ҳалқ оғзаки ижоди, этнографияси ва бошқа қатламларини ўрганишни ўз зиммамизга олиб, шу йўналишда йирик илмий муассасалар, маҳсус жамғармалар тузилса, ҳалқимизнинг обрўйига обрўй қўшилган бўлар эди.

**Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон ҳалқ шоири**

Мехрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман!

МУҚАДДИМА

*Куши қаноти билан,
инсон ақли билан тирик.
Олтой халқ мақоли*

Инсон борки, ўзлигини англашга, борлиқни, бу дунёнинг сир-асрорларини ўрганишга ҳаракат қиласди. Дунёнинг сир-асрорларини ўрганиш мураккаб илмий жараён бўлгани каби инсоннинг ўзлигини ёхуд миллий ўзликни англаш ҳодисаси ҳам аниқ билим ва тасаввурлар замирида таркиб топиб, шаклланиб боради.

Ҳар бир шахс тийнатида кўплаб инсоний фазилатлар билан бирга миллий ўзликни англаш хусусияти ҳам мужассамдир. Бу ғоят кўп қиррали ижтимоий ҳодиса бўлгани учун унга комплекс ёндашиш талаб этилади. Миллий ўзликни англаш миллат вакиллари қалбига, руҳига яқин умумий бойликлар, қадриятлар, тасаввурлар, анъаналар, руҳий-маънавий ҳолатлар асосида кишиларни халқ, миллат сифатида бирлаштиради, уларга хос умумий белгилар бахш этади¹. Шунингдек, миллатнинг ўзлигини англашида унинг ўз тарихи, тили, адабиёти ва этник хусусиятлари билан бирга тарихан муштарак ривож топиб келаётган қардош халқларнинг маънавий бойликлари ва қадриятларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу хусусда, яна шуни айтиш мумкинки, бизнинг тилимиз, адабиётимиз ва этник тарихимиз бевосита барча Марказий Осиё халқлари, жумладан, бошқа туркий халқлар тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Буюк боболаримиз Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур каби аждодларимиз-

¹ Кўчкоров В.Х. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократлаштириш жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси (сиёсий-фалсафий таҳлил). Фалсафа фанлари д-ри... дисс. автореф. – Т., 2009.

нинг илмий асарларини ўқир экансиз, қачонлардир барча туркий халқлар бир тилда сўзлашганига амин бўласиз. Зеро, улар томонидан яратилган ўлмас асарлар бутун туркий халқлар қардошлиги ва тинчлигини таъминлашда дастуруламалдир.

Кейинги йилларда тадқиқотчилар тарихий манбаларни ўрганиш билан бирга халқларнинг этник маданиятини, майший ҳаётини ўрганиш ва тил таркибини таҳлил қилиш услуги билан ҳам натижаларга эришмоқдалар. Чунки биз манбаларни қанчалик ўрганмайлик, таҳлил қилмайлик, шу халқ вакилидек бўлиб, уларнинг этник дунёсини қалдан ҳис этмасак, воқеъликдан четда туриб хулоса чиқарсак, албатта, хатога йўл кўямиз.

Бугунги кунда ўзбек халқи учун барча туркий халқларнинг тили она тилидай яқин. Инчунун, бундан ўн аср илгари ижод қилган Яссавий тили биз учун бегона туюлмайди. “Ўғузнома”, “Ҳибат ул-ҳақойик” каби қадимги туркий тилларда битилган асарлар, Яссавий, Навоий ва Бобурнинг ғазаллари ва шеърларини луғатларсиз бемалол ўқиймиз. Буюк алломаларимиз қолдириган илмий мерослар ҳамон барча халқларнинг умумий мероси ҳисобланади. Шундай экан, туркий маданиятларнинг барчасида бизнинг тарихимиз, ўзлигимиз яширинганд, десак муболага бўлмайди.

Олтой халқлари ҳам туркий халқлар дунёсининг бир бўлаги, ажралмас таркибидир. Бугун улар камчилик бўлиб, дунёнинг кам сонли миллатлари сифатида қабул қилинса-да, миллий қадриятлари, маданияти, санъати, жозибадор тили ва адабиёти олтойликларнинг қадимий бой тарихга эга халқ эканлигидан далолат беради. Олтой ўлкасидаги тарихий ёдгорликлар, олтойнинг ўзига хос маданияти, этник хусусиятлари, тили эса ўзлигини англашга интилган барча халқлар учун муҳим ва ишончли манба бўлиб хизмат қиласи.


Олтой ўлкаси доимо дунё олимларини оҳанрабодек ўзига жалб қилиб келган. Айниқса, 1929 йилда академик С.И.Руденко томонидан топилган Пазириқ ёдгор-

лиги ва унда олиб борилган тадқиқотлар дунё олимларининг Олтой ўлкасига бўлган муносабатини бутунлай ўзгартириб юборди. У ердан топилган топилмаларнинг энг қадимгиси бўлмиш Пазириқ ёдгорлиги милоддан аввалги VI—III асрларга оид бўлиб Скифлар маданиятига хос эканлиги аниқланган. Пазириқ сирларининг очилиши Олтой маданияти кўпгина халқлар маданиятига бешик вазифасини ўтаганлигини исботлади. Бу ерда топилган ва Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитажида сақланаётган энг қадимги Гилам (V аср) эса сўзимизнинг далилларидан биридир.

Пазириқ сирлари очилгунча фақат туркий, тунгус-манжур, мўғул, тибет ва хитой халқлари Олтойни ўзларининг илк ватани — миллат бешиги деб атаб келган бўлсалар, бугун роман-герман, фин-угор, славян, япон ва корейс халқларининг барчаси бу ерга миллий тарихини излаб келмоқдалар.

Пазириқ ёдгорлиги ўрганилиши туфайли туркий, япон-корейс, тунгус-манжур, мўғул тилларини ўз ичга олевчи олтой тиллари оиласи айнан Олтойда шакланганлиги тўлиқ исботини топди.

Бугун Европа қитъасида кенг тарқалган фин ва венгер тил гуруҳларини ўз ичига олган фин—угор тиллари гурухи ҳам шу пайтгача алоҳида ўрол тиллари оиласига мансуб деб юритиларди. Аммо бу соҳадаги кейинги тадқиқотлар фин-угор тилларини туркий тилларнинг таркибий қисми деб топмоқдалар. Худди шундай славянлар ва роман-герман халқлари ҳам ўзларини хинд-европа тиллари оиласига мансуб деб



Пазириқ гилами (V аср)

юритишарди, аммо ҳозир уларнинг ҳам келиб чиқиши айнан Марказий Осиёнинг шимолий ҳудудлари билан боғланмоқдаки, бу ҳолат Олтой ва бошқа шимолий ўлкаларга қизиқиши орттиromoқда.

Олтойшунослик соҳасида таникли тарихшунос олим Лев Гумилёв «Олтой – маданиятларни ўзида сақловчи энг қулай жой, бу ерда нафақат олтойларнинг ўз маданияти, бошқа жойларда шаклланган ўзга маданиятлар ҳам қадрини йўқотмайди»², деган эди. Ҳақиқатан, Олтойда маданий ва ғоявий қарама-қаршиликлар, катта ғоявий низолар кузатилмайди. Олтой ҳалқи эса ўзга маданиятларни тўғри қабул қиласди, аммо ўз миллий-лигини йўқотмайди. Шу сабабли бўлса керак, уларнинг маданиятида қадимги даврлардан ҳозиргача хукм сурган барча маданиятлар элементларини учратиш мумкин. Бу эса бошқа ҳалқларга ўз маданиятларининг қадимий илдизларини топишида ва таққослаб кўришида жуда кўл келади. Олтойда ҳалқларнинг этник хусусиятлари, тили ва қадриятларини ўрганиш, этнолингвистик параллелларни аниқлаш ва муҳим тадқиқотлар қилиш имконияти юқори бўлиб, жумладан, ўзбек ҳалқининг қадриятлари ва олтойлар ҳаёти таққосан солиширилганда ҳам муҳим ўхашликларни учратиш мумкин. Мисол учун: тўй, миллий ўйинлар, майший ҳаёт ва диний маросимларда жуда кўп ўхашликлар мавжуд. Биргини тўй билан боғлиқ маросимларнинг ўзида ўнлаб этнолингвистик параллелларни аниқлаш мумкин. Совчилик, қалин тўлаш, келин тушириш, кудандачилик каби қадриятлар иккала ҳалқда ҳам бир хилда шаклланган. Қолаверса, ҳар иккала тилда ҳам “тўй”, “қалин”, “келин”, “куёв”, “қуда” каби сўзлар шаклан билан хил бўлиб талаффуздагина озроқ фарқланади.

Ўзбеклардаги каби олтойларда ҳам асосий миллий ўйинлар кўпкари, кураш, арқон тортиш, тош кўтариш хисобланади. Кўпкари олтой тилида «Кок бору», «ку-

² Л. Н. Гумилев. Древние тюрки. М.: АСТ, 2002. Стр. 89.

раш» – «куреш», тош кўтариш – «кодурге таш» тарзида талаффуз қилинади. Худди шунингдек, майший ҳаётда ҳам исмлар, жой номлари, касб номлари, озиқ-овқат маҳсулотлари номлари деярли бир хил талаффуз қилинади. Баъзи сўзлар ўзбек адабий тили лексиконида топилмаса, шевалардан, албатта, топилади. Жумладан, ўзбек тилида эркак ва аёл қудаларнинг ҳар иккисига «куда» деб мурожаат қилинади. Олтойларда эса эркак қудага «қуда», аёл қудага «қудағай» деб мурожаат қилинади. Қизиги шундаки, Сурхондарё ва Қашқадарё ўзбеклари ҳам худди олтойлардаги каби эркак қудага «куда», аёл қудага «қудағай» деб мурожаат қилишади. Бундан кўринадики, туркий халқларнинг этник хусусиятлари ва тилини таҳлил қилиш натижасида жуда кўп умумийликларни учратиш мумкин экан.

Олтойларнинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири – бу ўз миллий урф-одатлари, тили ва туғилган ерига содиқликдир. Улар миллийликни йўқотган юртдошлирини ёқтиришмайди. Миллий қадриятларни сақлаган ва она тилини йўқотмаган кишиларнинг эса мавқелари баланд бўлади. Уларнинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири – ўз аждодларининг қабрларини, тарихий ёдгорликларни кўз қорачиғидай асраши, фарзандларини қабрлар ва қадимий қадамжоларни ҳурмат қилишга ўргатишидадир. Ҳозирги пайтда кўпчилик олтойлар рус тилида сўзлашсалар ҳам, уйларида олтой тилида сўзлашишга ҳаракат қиласидилар. Улар олтой тилига ихтинослашган мактаблар кам бўлишига қарамай, фарзандларининг она тилида сўзлашишлари ва миллий тарихини ўрганиши учун чора топишади.

“Олтой” мавзуси доимо олимлар учун очилмаган хазинадек бўлиб келган. Олтойнинг бой табиати, археологик ёдгорликлари ва мураккаб этник таркиби доимо барча соҳа олимларини ўзига тортиб турган. Машҳур файласуф, рассом ва саёҳатчи Н.К.Перих 1925 – 1928 йилларда Марказий Осиё орқали Ҳимолай тоғларига ташкил этган экспедициясида Олтойга мафтун бўлиб

қолганлигини айтади. У Олтой тоғлари ва водийларини ўзгача меҳр билан тасвирга туширади. Сувратларида Олтой халқининг тарихи, дини ва орзуларини акс эттиришга ҳаракат қиласи. Н.К.Рерих «Олтой — Ҳимолай», “Марказий Осиё бўйлаб” номли туркум асарларида Олтой ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. У олтой тарихи, дини, этник маданияти, афористик поэзияси ҳақида ҳайрат билан ёзади. Айтишларича, олим бу ерда ўзини олтин топғандек ҳис қилган экан. Шу сабабли бир неча йиллар тадқиқотлар ўтказиш мақсадида шу ерга келиб яшайди ва айнан шу ерда ўзининг “Агни-Йога” ёхуд “Барҳаёт этика” деб номланган энг асосий таълимотларидан бирини яратади.

Олтой мавзусининг ёритилиши 1991 йилдан кейин янги босқичга кўтарилиди. Россия Федерацияси таркибида Олтой Республикасининг ташкил этилиши, олтойларнинг миллий юксалиш даврини бошлаб берди. Тоғли Олтой давлат университети базасида олтой тили, тарихи, маданияти ва миллий қадриятларини тиклаш учун кенг имкониятлар яратилди. Янги даврда олиб борилган тадқиқотларда масалаларнинг миллий моҳиятига эътибор кучайтирилди. Шу сабабли университетда шаклланган илмий мухитда олтойлик маҳаллий зиёлиларнинг таъсири кучайиб борди. Уларнинг меҳнати самарасида эса миллий рух билан сугорилган янги йўналиш юзага келди.

Ушбу китобни ёзишда янги давр зиёли-олимларидан Василий Соенов, Тамара Садалова, Нина Киндикова ва Надежда Тадина асарларидан кенг фойдаланилди. Бунда олтой тилида ижод қилувчи шоира, олима, таржимон Тамара Садалованинг хизматлари катта бўлди. Олима ҳар битта мавзунинг яратилишида ўзининг қимматли маслаҳатларини аямади. Манбаларни тошида Тоғли Олтой университети олтойшунослик ва туркология кафедраси мудири Василий Соенов ҳам беминнат кўмак бериб келди. Олтойларнинг байрамлари, маросимларини ёритишда Нина Киндикова ва Надеж-

да Тадинанинг асарларидан олинган манбалар келтирилди. Шунингдек, Олтой ўлкаси, Якутия, Тува олимлари, тадқиқотчи талабаларининг илмий ишларидан ҳам таққослаш мақсадида олиниб, мавзулар бўйича бериб борилди. Шимол халқларининг дафн маросимларини ёритишида якутиялик ёш олима Вера Григорьеванинг “Анъанавий маслаклар диний эътиқод сифатида” номли асаридан фойдаланилди.

Интернет имкониятларидан самарали фойдаланилган ҳолда Эл-Алтай телевиденияси, «Олтойдынг Чолмоны» газетаси ва бошқа ахборот воситалари хабарлари, илмий-оммабоп кўрсатувлари, интернет сайтларида берилган видео ва фотоматериаллар манба сифатида олинди. Бу жараёнда асосан олтой халқининг тўй маросими ва байрамлари, миллий ўйинлари ва бошқа қадриятлари акс эттирилган лавҳалар мазмуни китобга туширилди.

Китобхонларга халқлар орасидаги этнолингвистик параллелларни ҳис қилишлари учун олтойларнинг достон, афсона, эртак ва халқ мақоллари ўзбек тилига таржима қилинди. Олтой Республикаси Маданият вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ташкил этилиб, ўтказиб келинаётган этнологик тадбирлар, қурултойлар, жумладан, “Эл-Ойын», «Бахшилар қурултойи» каби тадбирлар ва илмий конференциялар материаллари ҳам таҳлил қилиниб, маълумот сифатида қабул қилинди.

ОЛТОЙ ХАЛҚИ

Дунёда ҳар бир халқ ўзига хос миллий хусусиятларга эгадир. Олмоснинг қаърига назар солсангиз, турфа хил жилоларни илғаганингиз каби, бирор-бир халқ маданиятини ўргансангиз ҳам, шу халқнинг турфа хил хусусиятлари, қадриятлари борлигини англаб етасиз. Худди шундай олтойлар ҳам бетакрор миллий қадриятларга эга энг қадимий халқлардан биридир.

Хўш, олтойлар аслида кимлар?..

Олтой тилида сўзлашадиган бир неча халқларми ёки алохида халқми? Нега барча туркий халқларни ҳам олтой халқлари дейишади? Ҳозирда ўзларини «олтойлар» деб атаётган халқлар туркий тилда гаплашсалар, бошقا туркий халқлардан нимаси билдан фарқ қиласиди?

Китобни қўлга олган ҳар бир китобхонда шу каби саволларнинг туғилиши табиий ва айнан шу саволларга жавоб бериш орқали китоб моҳиятини очиб бериш ҳам ўринлидир.

Авваламбор, олтойлар аслида ким эканлигини билиш учун айнан ўзларини «олтойлар» деб атайдиган халқнинг турмуш тарзи, маданияти, тарихи, тили, халқ оғзаки ижодиёти, миллий қадриятлари ва диний эътиқодларини ўрганишимиз керак бўлади.

Ҳозиргача умумий номда аталадиган, аслида эса туркий халқларга мансуб телеут, тўлангит, қумандин, тўбалар каби бир неча элатлардан таркиб топган олтой халқи Олтой тоғ тизмалари бўйлаб асосан Россия Федерациясининг Олтой Республикаси, Олтой ўлкаси, Кемерово, Новосибирск вилоятлари ва Қозогистон Республикасида муқим яшашади.

Олтойлар асосан иккита катта этник гурухга бўлинади, жанубий ва шимолий олтойлар.

1. Жанубий олтойлар ўзларини алтай кижи(киши)си деб аташади ёки оддийгина, «кимсан?» деган саволга,

«алтаймын» деб жавоб беришади. Бу халқ вакиллари 1948 йилгача ўзларини «ойротлар» деб атаганлар. Бу ном аслида миллат номи бўлмай Жунғор хонлиги даврида ойротлар таркибида бўлган барча халқларга умумий тарзда қўлланилган.

Жанубий олтойлар асосан Катунь (Хотин) дарёсининг ўзани бўйлаб жойлашишган. Бу халқقا мансуб телеутлар Кемерово вилоятида, 2002 йилдан алоҳида миллат сифатида эътироф этилган тўлангитлар эса кўпроқ Телес (Олтинкўл) кўлининг атрофида тарқалган. Этнографлар жанубий олтой тилини туркий тилларнинг қирғиз-қипчоқ гуруҳига мансуб деб топишган.

1917 йилга қадар бу халқ «олтой татарлари» деб аталган. Фақат уларнинг ўзлари буни хоҳлашмаган ва биз «олтой»лармиз деб, «татар» номининг ўзларига нисбатан қўлланилишига қарши бўлишган.

2. Шимолий олтойлар эса асосан шимолий олтой лаҳжасида сўзлашишади. Улардан куманданлар Бий дарёсининг ўрта қисмида, челканлар Лебедь дарёсининг ўзанида, тўбалар эса Бий дарёсининг чап ва Телес (Олтинкўл) кўлининг шимоли-ғарбий қисмида кўпроқ жойлашишган. Этнографлар уларнинг тилини баъзан туркий тилларнинг шимолий олтой гуруҳига, баъзан хокос гуруҳига мансублигини қайд этишган.



Олтой “кижи”си.



Олтой аёли.

1917 йилга қадар шимолий олтойлар ҳам руслар томонидан «қорамагиз татарлар» деб аталиб келинган. Бироқ шимолликлар ҳам ўзларини олтой миллатига мансуб, деб билишган. Иккала олтой гурухлари бир-бирига маданий-маиший ва лингвистик хусусиятларига кўра жуда яқин бўлиб, юз тузилишига кўра бир-бирларидан деярли фарқланмайди.



Россия федерациясида ҳозирги кунда жами 68 мингга яқин, Қозогистонданда 1000 га яқин ва Ўзбекистонданда 200 та олтой истиқомат қиласди. Шунингдек, бугунги кунда олтойшунослар томонидан Хитой ва Монголияда истиқомат қиласдиган айрим элатлар ва этник гурухларнинг ҳам олтойлар билан бир хил тарих, тил ва маданиятга эга эканликлари аниқланган.

ТУРМУШ ТАРЗИ ВА МАИШИЙ ҲАЁТ

Олтойликлар турмуш тарзи азал-азалдан чорвачилик билан боғлиқ бўлган. Шу сабабли улар қадимдан Олтой тоғларининг бағрида чорваларнинг ўтлаши, қишлиши ва кўпайиши учун тўрт фаслда ҳам қулай бўлган шароитларни яратиш учун интилиб, ўзига хос турмуш тарзи ни шаклантиришган. Бу ҳаётга улар шунчалар кўнигиб кетганки, чорвасиз ва яйловларсиз яшашни тасаввур ҳам кила олмайдилар. Уларнинг майший ҳаёти ҳам бошқа кўчманчи халқлар ҳаёти сингари жўн тарзда шакланган.


Олтойлар турмушида уларнинг уйлари муҳим ўрин тутади. Улар яшайдиган, кўпчилик халқлар «юрт» деб атайдиган уйлар, яъни капалар, икки усулда дарахтлар шохлари ва пўстлоғидан ёки кигиз ва матолар билан қопланиб, маҳсус усталар томонидан тайёрланади. Бундай уйлар тез ва осон йиғиб олиниши ҳамда янги жойга кўчиб ўтганда қайтадан ўрнатиш учун жуда қулай бўлганлиги сабабли, чорвадорлар ҳаётида жуда қўл келади.

Жанубий олтойликлар асосан ёғоч панжарали кигиз юртларда яшашган. Улар илиқ кунларда «аланчиқ» деб аталадиганган ўтов ва тўрт бурчакли ёпиқ чайлалардан ҳам уй сифатида фойдаланишган. Шимолликлар эса ўтовлар ва чайлаларни асосан ёғочдан қуришиб, атрофини дарахт пўстлоқлари билан ўрашган.




Қайин дарахти пўстлоғи ва кигиздан ясалган уй

Олтойликлар қандай уй қуришмасин, уйларнинг марказий қисмидан ўчоқ учун жой ажратишган. Чунки, ёғоч уйларда ўчоқларни девор қисмига яқин қилиб қуриш ёнғин хавфини келтириб чиқарган. Шу сабабли уйларнинг шифт қисми маркази ҳам баланд қилиб қурилган ва тутун чиқиши учун туйнук (чангнгарақ) ўрнатилган.



Кигиз уйнинг ички кўриниши.



Кигиз уйнинг ташқи кўриниши.

Қадимда Олтой аҳолиси бундай уйларни уюшмаган, бетартибравищдаясаб(тикиб)яшаган. Улар ўтовтикища ёмғир сувлари чиқмайдиган, аммо дарё сувларига яқин, йиরтқич ҳайвонлардан хавфсизроқ жойларни танлаб жойлашишган. Яна уларнинг жойлашуви чорваларининг тури ва сонига, оиласининг иқтисодий имкониятларига ҳам боғлиқ бўлган.

Капалар совуқ кунларда ҳам, иссиқ кунларда ҳам яшаш учун жуда қулай бўлган. Одамлар қиши ойларида ўчоққа ўт қалаб, оловнинг тафтида исинишган, сўнгра оловнинг чўғига “сандал” солиб бутун оила билан тунни ўтказишган. Ёзда эса ўтовнинг тагидан ёпинчиқлар кўтариб қўйилган ва шамол эсиб ичкарини совитиб турган.

Ўтовлар каттароқ оиласарнинг яшаси учун ҳам қулай бўлиб, унда бутун оила бирга яшашган. Эшикдан кирилганда ўнг томонда эркаклар, чапда аёллар учун бўлмалар ажратилган. Мехмон келганда эса аёллар ва эркаклар ораси мато билан тўсиб қўйилган. Хаво очик кунлари ўтов олдида жой қилиниб, шу ерда ўтирилган.

Олтойда юртларни қадим даврларданоқ аниқ шарқقا қаратиб тикиш таомили мавжуд бўлиб, бундай уйлардан вақтни аниқлаш мақсадида ҳам фойдаланилган. Ичкаридаги қуббасимон дастаклар аниқ тартибда жойлаштирилган ва улар вақт оралиқларини белгилаб берган. Олтойлар лафзида “куёш отнинг ёли қадар кўтарилиганда, қуёшнинг биринчи нурлари гумбазсимон тутун чикувчи мўрча — чангнга рақдан кириб ичкарини ёритса”, юрт тўғри тикилган, деб ҳисобланган. Одамларайнан шу вақтда чорвани яйловга ҳайдашган. Кейин қуёш нури юртнинг аёллар яшайдиган шимолий қисмiga ўрлай бошлаган. Тўрт соатларда нурлар ўтовнинг аёллар томонини тарк этган ва бу вақт яйловдан чорва қайтадиган вақт ҳисобланган. Шундан сўнг куёш нурлари юртнинг ҳамма қисмидан ўтиб пастга тушган ва йўқолган. Бу пайт эса бутун овул чорвани соғиш ва жойлаштириш билан машғул бўлган.

Олтойликларнинг турмушида уларнинг кийимлари ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки бошқа шимол халқларидан уларни кийимлари билан ажратиш осонроқ.



Анъанавий олтой кийимлари.

Жанубий олтойлик эркак ва аёлларнинг анъанавий кийимлари деярли фарқланмайди. Чунки ҳар иккала жинс вакиллари учун ҳам кенг енгли, очик ёқали, узун кўйлак (чамча) ва тери, жун ёки бошқа матодан тикилган кенг иштон кийиш хосдир. Улар устки кийим сифатида қўй терисидан жуни ичкарига қилиб тикилган узун

шуба—тўн (олт. “тон”) ва белгача шуба (олт. “қисқа тон”) кийишган. Тўнлар белидан ўралган мато — белбоғ (олт. “белибайи”) деб аталган. Иштонлар ҳам бичилиши ва тикилишига кўра бир хил бўлиб, фақат аёллар кийими ўткир рангли матоларга гулли безаклар бериб тикилган.

Улар бу миллий кийимида қишин-ёзин юраверишган. Аёллар кийимлар устидан енгизиз чегедек(желак)ни бош кийим ва уст кийим сифатида ташлаб юришган. Улар оёқларига товоңсиз тери этик кийишган ва бу олтой тилида «сопоқ» ёки «чориқ» деб аталган. Бошларига цилиндр шаклидаги гулли матодан ички тарафига қўзичоқ терисидан қўйиб тикилган телпак – «бўрк» (олт. “берюк”) кийишган.

Шимолий олтойликларнинг кийимлари жанубликларнинг кийимидан матоси ва сифатига кўра бирмунча фарқланган, чунки шимолликлар тикиш ва бичида устароқ бўлишган. Улар қичитқи ва бошқа ўтлардан ип тайёрлаш сирларини ҳам жанубликларга нисбатан яхши билишган. Шунингдек, улар жун ва жанубдан келтирилган пахта толаларидан ҳам кўрпа ва кийимлар тайёрлашган. Олтойлар пахта ва жун саващда махсус савағич (олт: “собов”)дан кенг фойдаланган. Гилам ва жун кигизлар тайёрлашда уста бўлишган. Сандиқлар ва озиқ-овқат учун мўлжалланган сандик-ёғдонлар усталар томонидан меҳр билан тайёрланган.



Тўн қавииш.



Пахта саваши.

Олтойликларнинг истеъмол қиладиган овқатлари ҳам ўзига хос қадрияларидан бири бўлиб, улар асосан гўштли ва қатиқли таом(аш)ларни хуш кўриб тайёрлашади. Олтойликлар шунчалар кўп сут ва қатиқли таомларни тайёрлашлари мумкинки, уларни санаб адогига етмайсиз. Аммо улардан энг кўп тарқалгани курут, пишлоқ (пыштақ), айрон ва арпа талқони(талқан) кўшиб тайёрланган “аш” ҳисобланади. Улар от сутидан эса кўпинча қимиз тайёрлаш учун фойдаланишади.

Олтойлар гўштни асосан қайнатиб истеъмол қилишади ва бу шўрвани кёжо (гўжа) деб аташади. Қайнатилган гўштлардан яна қази, жонгом, қарта каби овқатлар ҳам тайёрлашади. Олтойликлар нони кичикроқ бўлиб тандирда ёки ўчоқда тайёрланади. Ўчоқда тайёрланган нонларни патир деб атайдилар.

Уларнинг яна бир севиб тайёрлайдиган таоми эса бўғирсоқ (олт. “баурзақ” ёки “бовурсоқ”) бўлиб бўғирсоқлар ўзига хос тарзда тайёрланади. Бўғирсоқлар ичига одатда ҳеч қандай масаллиқ солинмайди. Бироқ олтойларда дастлаб бўғирсоқлар хамир орасига истеъмол қилинадиган ҳайвонларнинг ўпка, жигарлари солиб пиширилганлиги сабабли уни “бовурсоқ”(олтой тилида “жигар” – “бовур” дейилади) деб аташган.

ХХ асрга келиб олтойларда ҳам кўчманчиликка асосланган турмуш тарзидан безиш, янгича ўтроқ ҳаётга кўнишиш бошланди. Унгача кўпчилик бойлар ва қабила аристократияси (зайсанлар) етказган зулм ва мулксиз хизматкор(айбачи)лар орасида синфий ажралишлар ҳам кузатилган эди, аммо 1917 йилдан сўнг уларнинг ҳаётида жуда катта ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, кўчманчиларнинг мулкларини ижтимоий



мулкка айлантириш, совет ҳукуматига бўйсундириш ишлари олиб борилди. Буни хоҳламаган олтойлар, асосан, тўлангит бойлари чорваларини олиб Хитой Олтойига қочмоқчи бўлишган ва шу сабабли улар большевиклар томонидан «қатли ом» қилингани яъни норози ахолининг бари отиб ташлангани ҳақида маълумотлар сақланган.

Олтойда мулкчилик ва хўжаликда бойларнинг эксплуатацияси кўчманчиларга хос услубда амалга оширилган. Чорва эгалари чўпонларга молларини соғомон сақлаш шарти билан ижарага берган, чўпон чорванинг сутини, бой эса кўпайиш(тўл)ини олган. Айрим камбағаллар бойларнинг битта сигирини олиб, сутини соғиб ичиш эвазига молларини боқиб беришган. Улар, бундан ташқари, бойларга хашак тўплаш, полиз ва бошқа дала ишларида ҳам бепул ишлаб беришга мажбур бўлишган.

Бу жараёнларнинг ҳаммаси олтойликларнинг архаик уруғчилик асосида тузилган турмуш тарзига хос бўлиб, оддий ижтимоий ҳолат сифатида баҳоланган. Олтойларнинг тарихан шаклланган қабилавий ва ҳудудий гуруҳлари уруғларга бўлиниб суяқ (сиёқ) деб аталган. Уруғлар тан олинишида экзогам никоҳ³ ва ота уруғигина тан олинган. Қизларни келин қилишда уларнинг зоти (суёқ), бойлиги ва сепи, ҳусни ва талабгорларнинг кўплигига қараб нарх(қалин) белгилаб, кейин турмушга узатилган. Агар куёв ўлса, келин шу оила мулки ҳисобланган ва бошқа бирорвга никоҳлаб берилган. Аксар ҳолларда келиннинг отаси катта пул эвазига қайтариб сотиб олган. Оиласалар кўп холатда полигам(кўп никоҳли) бўлиб, моногам (бир никоҳли) оиласалар кам бўлган.

Олтойларнинг турмуш тарзида овчилик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Овчиларда ўрмон, тоғ ва чўл ҳудудларида ов қилиш учун алоҳида услублар шаклланган. Қариялар ёшларга овчилик ва қурол тутиш сирла-

³ Экзогамия – (юнон. εξω, ехо – ташқари, холи + γάμος – никоҳ) бир жамоа, уруғ ёки қариндошлар ўртасидан никоҳнинг таъқиқланиши.

ридан сабоқ берган. Ёш йигитлар ўзларидан катталар томонидан овга ўргатилган. Олтойларда мергандар алоҳида ҳурматга эга бўлишган. Уларнинг ўз миллий мергандлик мактаблари шакллантирилган. Мергандлик сирлари болаларга илк ёшданоқ сингдириб борилган.



Бола мерган.



Овчи ва бургутлар.

Ов қилиш воситалари ҳам худуднинг шароитидан келиб чиқиб аниқланган. Чўлларда отда ов қилиниб, ов бургутлардан кенг фойдаланилса, ўрмон ва тоғларда пиёда юриб, овчи итлар ёрдами билан ов қилиш қўл келган. Олтойлар қуруқликда кўпроқ тўнғиз, кийик, ёввойи эчки ва қушларни овлашган. Дарёдан эса балиқ ва қисқичбақалар овлаб кун кечиришган.

Олтойларда дехқончилик билан ҳам шуғулланилган. Асосан ёз ойларида полиз экинлари ва сабзавотлар етиштирилган. Қишдан олдин лалми ерларга буғдой, арпа экилган ва ёз охирига келиб йиғиб олинган. Улар чўл, тоғ олди ерлари мевалари ва ўрмон маҳсулотларини тўғри истеъмол қилиш сирларини яхши билишган.

Шунингдек, олтойларда ҳунармандчилик ҳам эҳтиёждан келиб чиқиб шаклланиб борган. Жумладан, олтойлар ёғоч ва кигиз уйлар учун керакли

матоҳларни ўзлари ясашган. Аёллар ўрмакда гилам тўқишиган. Ёғочдан идиш товоқлар ясашган. Улар темирчилик ва кандакорлик соҳасида ҳам қадимдан ўз мактабларига эга бўлишган. Темирдан ва бошқа металлардан жанг учун қуроллар, ҳимоя воситалири, шунингдек, рўзғор ва маиший ҳаётда керакли анжомлар ясашган. Айниқса, ҳар бир уруғнинг рамзи бўлган – тамғалар ясаш кенг ёйилган. Олтойлар мусиқа асбобларини ҳам ўзлари ясашган. Шомонлар қўбиз, дўмбира, топшур, чангқовуз ва даф(чилдирма) ларни руҳлар овозига мос қилиб меҳр билан ясашган. Ҳунармандлар от анжомларини ясашда ҳам уста бўлишган. Ҳар бир олтой йигити ўз отини қадрлаган ва анжомлари учун пулни аямаган.

Айниқса, эгар (ээр) ва узанги (узени)га алоҳида эътибор беришган. Эгар йигитнинг жамиятдаги ўрни ва

мавқеини белгилаган. Узанги эса чавандозлар дўстлиги рамзи ҳисобланган.


Шу сабабли бу соҳа ривожланишига жиддий эътибор қаратилган. Бугунги кунда олтой эгарлари нафақат олтой, балки бошқа юртлардаги чавандозларнинг ҳам орзусидир.



Олтой эгари.

Қизиқарли маълумот

Олтой тилида от анжомлари номлари ўзбек тилида-ги номланишига жуда ўхшаш. Қуйида расмда тасвирланган от анжомларининг номлари ўзбекча номлари билан солиштирилган,



т/р	Олтойча	Ўзбекча
1	Уйген	Юган
2	Тискин	Тизгин
3	Нокто	Нўхта
4	Чылбыр	Чилбир
5	Сулук	Сувлук
6	Салдырга	Солдирга
7	Кондургэ	Қўндирма
8	Қуушқан	Қуюшқон
9	Ээр	Эгар
10	Узени	Узанги
11	Копон	Пиштон
12	Тоқым	Тўқим
13	Ээр қаажи	Эгар коши
14	Тамажы	Тамаши
15	Ээрдин жабындызи	Эгарнинг ёпинчиги
16	Тарылғалар	Тарилғаси
17	Ээрдин талбағи	Эгар талбоғи
18	Қанжи	Қўнжи

ОЛТОЙ ТИЛ ОИЛАСИ ҲАҚИДА

Бизнинг давримизда “олтой тиллари” деган тушунча ҳар хил тушунилади. Чунки аксарият тилшуносларда олтой тилида атига олтмиш минг киши сўзлашса, нега айнан бу тил оиласига олтой тили номи берилган, деган савол туғилиши табиий ҳол. Ахир турк ёки япон тиллари оиласи деса бўлмайдими, деган саволлар кўп учрайди. Бундай энг кўп эътиrozлар асосан туркий халқларда пайдо бўлган, чунки олтой тилининг ўзи ҳам, аввало, туркий тил ҳисобланади. Шундай экан, биз, аввало, олтой тилини олтой тиллари оиласидан фарқлашимиз ва уларнинг аниқ ўрнини билиб олишимиз керак бўлади.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг туркий тиллар тўғрисидаги рукнида қуйидагича маълумотлар берилган:

«Баъзи олимлар туркий тилларни мўғул тиллари ҳамда тунгусманжур тиллари билан бирга қўшиб, олтой тиллари оиласига бирлаштирадилар. Е.Д.Поливанов, Г.Й.Рамstedt каби тилшуносларнинг фикрича, ушбу тиллар оиласи корейс ва япон тилларини қўшиш ҳисобига кенгайиши мумкин. Олтой назариясига кўра, туркий тилларнинг тарихи қадимги олтой давридан бошланади. Олтой боботили (асос тил) дастлаб иккига — тунгусманжур ва туркмўғул тилларига, сўнгра туркмўғул тили ҳам иккига — турк ва мўғул тилларига ажralган. Лекин туркий тилларнинг олтой тилларига генетик алоқадорлиги ҳақидаги масала ҳамон фараз даражасида қолмоқда» 8-том 644-бет.

Олтой тили, юқорида таъкидланганидек, ҳозирги кунда олтой тоғлари бағрида яшайдиган этник бирликлар телеут, тўлангит, қумандин, челкан, тўба каби халқларнинг умумий тили ҳисобланади. Бу халқлар англанишига кўра олдиндан шаклланган ва ўз номларига эга бўлишган. Тарихий шаклланиш жараёнларида уларнинг ўзаро мулоқот тиллари сифатида мўътадил

тил – олтой тили юзага келган ва албатта, бу умумий тил уларнинг умумий уйи – Олтой ўлкаси шарафига «олтой тили» деб аталган.

Олтой тиллари оиласига ҳам бу ном, шубҳасиз, Олтой тоғ тизмалари номидан келиб чиқиб берилган ва, албатта, бекорга бу тиллар ягона номга бирлаштирилмаган. Аввало, бу тиллар жуда ўхшаш ва улар орасида умумийлик жуда кўп. Шунингдек, бу халқлар этник жиҳатдан бир-бирларига жуда яқин. Хулоса қилиб айтганда, барча олтой тилларида сўзлашувчи халқларнинг илк ватани – Олтой ҳисобланади ва уларнинг барчаси бир топоним ва этноойконимда бирлашадилар.

Хўш, қайси тиллар олтой тиллари оиласига киради?

Е.Д.Поливанов, Г.Й.Рамстедт каби тилшунослар олтой тиллари оиласи таркибиға қуйидаги тилларни киритишган:

1. Барча туркий тиллар.
2. Мўғул тиллари.
3. Тунгус-манжур тиллари.
4. Японо-рююс тил гурухи.
5. Ёпиқ корейс тили.

Бу тилларнинг барчаси олтой ўлкасида шаклланган ва кейинчалик дунё бўйлаб тарқалиб ўзгариб бораверган. Тилшунослар таъкидлашича, олтой тилларининг парчаланиш даври эрамиздан аввалги V асрда бошланган ва бу тиллар аста-секин турқ, мўғул, тунгус, корейс ва япон тилларига ажрала борган.

Олтой тилларидаги ўзгаришларнинг асосий қисми фонетик ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, унда асосий урғу унли ҳарфларнинг уйғунлашуви оқибатида товушларнинг ўзгариб бориши билан характерланади. Худди шундай фонетик ўзгаришлар ундош ҳарфларнинг бузилиши ҳисобига ҳам ўзгариб бориши бугун ўз исботини топган.

Мисол учун, ўзбек тилидаги “киз” сўзи бошқа туркий тилларда қандай талаффуз қилинишини кўриб чиқсан, бунга амин бўламиз:

Ўзбек	Қорақалпок	Қозок	Туркман	Турк	Олтой
қиз	қыз	қыз	ғыз	қыз	қыс

Кейинги йилларда олтой тилларини ўрол тиллари билан боғлаш ҳаракатлари ҳам учрамоқда. Чунки 19-асрларда тилшунослик соҳасида олиб борилган тахминларда европа олимлари фин-угор, самодий, турк, монгол ва тунгус-манжур тилларини битта тил оиласига киритишган. Бунга эса тарихчи ва сайёҳ машҳур Ҳерман Вамберининг тадқиқотлари ҳамда унинг венгер тилини фин-угор тиллари оиласига мансублигини исботлаши сабаб бўлган.

Ҳерман Вамбери ўзининг дунё бўйлаб саёҳатлари давомида туркий тилларни чуқур ўрганади ва венгер тили билан орадаги лексик параллел сўзларни аниқлашга муваффақ бўлади. Бугунги кунда Вамберининг тадқиқотлари инобатга олиниб, олтой ва ўрол тиллари оиласарини бирлаштириш устида ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда. Агар юқорида кўрсатилган тил оиласари бирлаштириладиган бўлса, шубҳасиз, Олтой ўлкасига бўлган эътибор янада кучаяди.

Яқин кунларда Америка Кўшма Штатлари Пенсильвания университетининг Теодор Шурр бошлигидаги олимлар гуруҳи ҳам Америка аборигенларининг айнан Сибир ва Тоғли Олтойдан келиб чиққанлигини исботлашди. Америка хиндуларининг ДНК анализлари 20-25 минг йиллар олдин уларнинг аввал Якутия ҳудудида яшаганлигини, глобал музлаш даврида эса Тоғли Олтойга кўчиб ўтганлигини кўрсатди. Сўнгра улар у ердан Шарқий Сибирга ва Беринг бўғози орқали Америка ерларига ўтиб кетишган. Бу фикрни бугун кўпчилик олимлар тасдиқлашмоқда. Жумладан, машҳур рус сайёҳи, геология-минералогия фанлари доктори Владимир Полеванов ҳам Америка хиндуларининг Олтой тоғларидан кетганлигини тасдиқлаб: «Олтой экватор ва шимолий кутбдан teng узоқликда жойлашган. Бу

ерларда Сибирнинг энг баланд тоғлари жойлашган бўлиб, одамларининг кўпайиши ва маданиятларнинг шаклланиши учун қулай жой бўлган, шу ердан америка хиндулари Беринг бўғози орқали Америкага ўтишган», деган фикр билдириди.

Олтойшунос олимлар бу фикрларнинг исботи сифатида америка хиндуларининг Сиу-хока тил гуруҳига мансуб машхур Сиу қабиласи тилини лингвистик таҳлил қилиб, туркӣ тиллар билан шаклан ва мазмунан ўхшаш сўзларни аниқлашди.

Бу ўхшашликларни илк бора 1860–1870 йилларда таникли хирург ва филолог-шарқшунос Фредерих Льюис Отто Рериг аниқлаган. Отто Рериг АҚШда фуқаролик уруши даврида шимолликлар армиясида хирург вазифасида ишлайди. У ўз хизмат вазифасига кўра Дакота штатида яшовчи Сиу қабиласи вакиллари билан жуда кўп мулоқотда бўлади. Мулоқотлар давомида бир нечта хинд европа ва шарқ тилларини мукаммал билган олим сифатида Сиу лаҳжаси ва туркӣ тиллар орасидаги ўхшашликларни аниқлашга муваффақ бўлади. 1971 йилда олим “Сиу лаҳжаси Ўрол-Олтой тиллари гуруҳига яқинлиги” ҳақида ўз мулоҳазаларини эълон қиласди. Олимнинг назарида Сиу тили татар тилига ўхшаш туюлган ва шу сабаб икки тилдан ўн олтита сўзни исбот учун келтиради.

Отто Реригдан кейин бу соҳада тадқиқот олиб борган олимлардан энг таниқлиси татар олими А.Г.Каримуллин ҳисобланади. Аброр Каримуллин 1995 йилда нашр қилинган “Қадимги туркӣ қавмлар ва Америка хиндулари” номли китобида мая, инк, ацтек, сиу-хока, аймар каби бир нечта хинду қабилаларининг олтойдан келиб чиққанлигини исботлашга ҳаракат қиласди.

Тадқиқотларга кўра, Сиу тилида «тан» сўзи олтой тилида танг, ўзбек тилида “тонг” шаклида учрайди ва мазмунан бир хил қабул қилинади. Шундай сўзларнинг уч тилдаги шакли ва талафузини солиштириш учун қўйидаги луғатга эътибор берсак, Рериг назариясини аниқроқ тушуниш мумкин:

Сиу тилида	Олтой тилида	Ўзбек тилида
танним	таныдым	танидим
ате	ата	ота
ина	эна	она
сап-сары	сап -сары	сап-сариқ
қап-кара	қап-кара	қоп-қора
от	от	ўт, олов
исси	исы	иссиқ
ол	үул	ўғил

Шунингдек, кечуа қабиласи тилида ҳам шундай параллел сўзлар аниқланган.

Сиу тилида	Олтой тилида	Ўзбек тилида
kok	кок	осмон, кўк
wage	aga	ога
tata, tayta	ada, ata, dada	ота,
misi	misik	мушук
as	az	оз
ari	arig, ariq	орик,
qo	qo, qomak	кувмок

Олтой тил оиласига мансуб тилларда сўзлашувчи халқлар географик кўламига кўра, дунёning тўрт қитъасини қамраб олган. Бугунги кунда бу тил оиласи юзлаб тилларни ва шу тилда сўзлашувчи халқларни ўзида бирлаштиради. Бу бирлик қадимдан этномаданий бирлиқ сифатида шаклланган бўлиб, бугунги кунда ҳам халқлар орасида бир-бирларига бўлган эҳтиром ва ўзаро ҳамжихатликнинг таъминланишида муҳим аҳамият касб этади.

Қизиқарли маълумот⁴

Гойко Митич ижросида дунёга машхур бўлган «Оцеола» фильми қаҳрамони Оцеола исмининг ҳам этимологик таҳлили жуда эътиборга молик. Аслида “Оцеола” сўзи бошқача Отиссеола шаклида бўлиб “от”- “исси”- “олу” сўzlари бирикмасидир. Таржимада эса “иссиқ” - “ўт” “ўғли” ёки “Қуёш ўғли” маъносини беради.

⁴ А.Каримуллин тадқиқотларига асосан тайёрланган интернет маълумоти. Сайт: <http://www.turklib.ru>

ҮРХУН-ЭНАСОЙ ЁЗУВЛАРИ ВА ОЛТОЙ ТИЛИ

Үрхун-Энасой ёзувлари туркий халқлар тарихи ҳақида сўзловчи энг муҳим ёдгорликлардан хисобланади. Ушбу тошбитикларнинг тарихи, қаерда жойлашгани, нега айнан “Үрхун-Энасой тошбитиклари” деб номланиши, улардаги ёзувларнинг мазмуни барча учун бирдай қизиқ бўлса керак.

Тошбитиклар туркий тилда битилган энг кўхна ёзувларбўлиб, барчатуркий халқлар учун бирдай қадрлидир. Бу ёзувларда қадимги турк хоқонликларининг санъати, адабиёти, урф-одатлари билан боғлиқ шонли тарих яширинган.

Тошбитиклар дастлаб XIX аср охирида Россия худудида жойлашган Энасой дарёси қирғоги ва Мўғулистаннинг Үрхун водийсида топилганлиги учун шундай номланган. Аслида эса, бундай тошбитиклар Европа ва Осиё қитъаларининг туркий қавмлар яшаган барча худудларидан минглаб нусхада топилган. Жумладан, Ўрол-Сибир-Сахалин кенгликлари, Олтой, Тяншань, Помир тоғлари, Шарқий Туркистон ва Марказий Осиёнинг барча худудларида, Кавказ, Туркия, Эрон, Шарқий Европа ерларида ҳам туркий тошбитикларни учратиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам Фарғона, Сурхондарё ва бошқа жойлардан йигирмадан ортиқ туркий тошбитиклар мавжудлиги аниқланган.

Үрхун дарёси Мўғулистандаги энг узун дарё бўлиб, узунлиги 1124 километрни ташкил этади. Бу дарё соҳилларида қадимдан энг йирик аҳоли яшаш манзиллари мавжуд бўлган. Мўғулистаннинг иқтисодий салоҳияти энг юқори бўлган аймоқ(вилоят)лари, жумладан, Үрхун (Булғон) ва Қорақўрум шаҳарлари ҳам шу дарё соҳиллари бўйлаб жойлашган. Энг аҳамиятлиси эса айнан шу жойларда қадимдан туркий халқлар ман-

зиллари жойлашган. Ҳозирги кунда водийда топилган хунлар даврига тегишли қабрлар, туркий ёзуви битиктошлар, қадимги қирғиз хоқонлиги ва мўгуллар империясига оид археологик ёдгорликлар комплекси ЮНЕСКО тасарруфига олиниб, “Ўрхун водийси маданий ландшафти” ташкил этилган.

Энасой дарёси Тува Республикасининг маркази Қизил шаҳар ёнидан, катта Энасой ва кичик Энасой дарёларининг кӯшилишидан ҳосил бўлади. Қизил шаҳар атрофидан бошланадиган бу буюк дарё ғарбий ва шарқий Осиёни иккига ажратган ҳолда, бутун Сибир бўйлаб оқиб ўтиши билан бирга, барча иқлимий ҳудудларини ҳам кесиб ўтади. Саён тоғларидан бошланган Энасойнинг юқори қисмида тяялар яшаса, шимолий муз океанига қуйиладиган қўйи қисмларида оқайиқлар яшашади. Азал-азалдан бу буюк дарё ўнлаб туркий қавмларга ўз қирғоқларидан жой берган. Шу сабабли унинг номи **Энасой**дир.

Ўрхун-Энасой ёзувлари топономик номланишига кўра, шу ном билан номланган бўлса-да, олтойшунос олим С.Е.Маловнинг фикрича, бу ёзувлар “Ўғуз тили” деб номланар экан. Шунингдек, олим тошбитиклардаги сўзларнинг қирғиз тилига яқин тилда ёзилгани ва унда айнан қирғиз хоқонлари ҳақида сўз юритилганлигини таъкидлайди. С.Е.Малов таснифига кўра барча туркий ёзувлар етти гурухга бўлинади:

1. Бойкўлбўйи ёдгорликлари.
2. Энасой ёдгорликлари.
3. Мўғулистон ёдгорликлари.
4. Олтой ёдгорликлари.
5. Шарқий Туркистон ёдгорликлари.
6. Марказий Осиё ёдгорликлари.
7. Шарқий Европа ёдгорликлари.

Бу қадимию тошбитикларнинг “Ўғуз ёзуви”, “Турк ёзуви” ёки “Ўрхун-Энасой ёзуви” деб аталиши унчалик аҳамиятли эмас. Аҳамиятлиси – бу ёзувларнинг қадимиюлиги, мазмун ва моҳиятидир. Тошбитиклардаги

ёзувларнинг шаклланиши милоддан аввалги даврлардан бошланиб, III—IV асрларда аниқ меъёрлар асосида тартибга келтирилган ва расмий ҳамда таълимий тартибга кўйилган. Турк хоқонлиги (552—603) даврида айнан шу тил тил давлатнинг расмий ва адабий тили ҳисобланган. Йиллар ўтиши билан эса туркий қавмларнинг ғарбий кенгликларга оммавий кўчиши давомида бу тил шаклан ва мазмунан ўзгариб борган. Ўзга халқлар билан маданий ва лексик алоқалар кенгайгани сари бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ҳисобига тилнинг ифодавий стилистик хусусиятлари ҳам йўқола борган. Турли даврларда хитой, мўғул, форс ва араб тилларининг қоришуви оқибатида ягона тил бирлиги ўрнига бир нечта илмий асосга эга замонавий тиллар шаклланган.

Тилшунос олимларининг фаразларига кўра, туркий ёзувлар алифбоси ўша даврдаги қавм, яъни уруғларнинг тамғалари йифиндисидан тузилган экан. Маълумки, дашт халқлари ҳаётида уруғларнинг белгиси ҳисобланган тамғалар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳар бир уруғ ўз тамғасига эга бўлиб, бу белгилар ўтовлар устига осиб қўйилган. Туялар ва бошқа чорва моллари қулоқларига, отларнинг тўшига, меҳнат ва ов қуролларига тамға босилган. Шу орқали яйловлардаги чорванинг ёки отилган ўқнинг кимга тегишли эканлиги аниқланган. Ривоятларга кўра, биринчи бўлиб Ўғузхон ўз фарзандларини уруғларга ажратиб, уларнинг ҳар бирiga тамға тарқатган экан. Туркий алифбонинг келиб чиқиши борасида ўнлаб тилшунос олимлар ўз фаразларини илгари суришган. Кўпчилик олимлар, жумладан, О. Г. Тихзен, Г. Роммель, Н. Попов ва Н. М. Ядринцевлар бу ёзувларни бошқа тиллардан ўзлаштирилган, дея эътироф этишган. Фақатгина олимлардан А. Шифнер туркий ёзувларнинг мустақил шаклланганлигини, туркий алифбонинг эса туркий тамғалардан ташкил топганлиги исботлади. Шифнер фикрини кейинчалик шарқшунос олимлардан Н. А. Аристов, Н. Маллицкий ва А. Соколовлар ҳам тасдиқлашди.

Қадимги туркий қавмларнинг барчаси ўз тамғаларига эга бўлиб, бу тамғалар шакли ва бошқа хусусиятларига кўра мазмунга эга бўлган. Тамғаларнинг ўз тарихи, маъноси ва у ҳақидаги афсоналар шу уруғ аъзолари ўртасида машҳур бўлган.

Мисол учун, қозоқ қавмидан болтали уруғининг тамғаси болтага қиёс Р ёки Ҷ шаклида, кесовли уруғининг тамғаси эса кесов(касов)га қиёс | шаклида бўлиб, бу тамғадан фойдаланиш хуқуки фақат шу уруғ вакилларига берилган. Кўнғирот уруғининг тамғаси остона ёки эшик шаклида П бўлиб, бу белги сабаб қўнғиротлар уйларининг бўсағаси муқаддас саналган. Боғанали уруғи тамғаси эса учи айри хода Y ёки ΨΨ камон-ёй шаклида бўлиб, бу белги уларнинг турмуш тарзи ов билан боғлиқлигини билдириб турган.

Бугунги кунда олтойшунос олимларнинг аксариятида олтой тили Ўрхун-Энасой ёзуви билан бир хил бўлиши мумкин, деган фикрлар ҳам мавжуд. Ушбу мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида Ўрхун-Энасой ёзувларидағи айрим умумтуркий сўзларга мурожаат қилсан, бу тилнинг олтой тилига нақадар яқинлигини билиш қийин бўлмайди:

Ата – ота

Ана – она

Ши ачъ – ука, аканинг болалари

Апа – опа

А’я – сингил

Қайин – келин

Бу сўзлар Ўрхун-Энасой битикларида қандай ёзилган бўлса, олтой тилида ҳам шундай ёзилади. Бундан кўринадики, Ўрхун-Энасой ёзувлари олтой тилига нафақат жуда яқин бўлган, балки шу тилнинг ўзи бўлиши ҳам мумкин. Чунки юқоридаги лугатда биттагина «Ши ачъ» сўзи – ука, аканинг болалари шаклида ўзгарган. Қолаверса, «ака» – қозоқ тилида «ота», «ота» эса «бобо» маъносида ишлатилишини ёхуд ўзбек тилида биргина ота сўзи бир неча хил «ота», «дада», «ада»

шаклида қўлланилишини инобатга олсақ, атамаларни нафақат шаклан, балки мазмунан ҳам ўзгариши мумкинлигига амин бўламиз.

Олтой тили Ўрхун-Энасой ёзувлари билан бир қаторда «Ўғузнома», «Қутадғу билиг», «Ҳибат-ул ҳақойик» ва «Девону лугатит турк» асарларини ўрганишга ҳам энг қулай тил бўлиши мумкин. Бундан хуроса қилиб бемалол айтиш мумкинки, олтой тили ва этнологияси барча туркийлар учун янги очилаётган эшик бўлиши мумкин экан. Шу ўринда олтойлар ҳамон қадимги турк ёзувларидан фойдаланувчи саноқли ҳалқлардан бири эканлиги таъкидлаш жоиз. Тошибитиклар ҳам айнан Олтой ва Тувада шу пайтгача сақланиб қолганлиги эса алоҳида эътиборга лойиқдир.

ОЛТОЙ ТИЛИ

*Ак јарыктын алдына келеле,
Айлу-кўндў јеримди кўрёлёт,
«Адайим» деген алтай тилим,
«Энейим» деген эрке тилим...*

Л.В.Кокышев



Олтой тили туркий тилларнинг қипчоқ-қирғиз гурухига мансуб бўлиб, кўпроқ қирғиз тилига яқинроқ. Иккала тил биргаликда қипчоқ-қирғиз тилларнинг шарқий лаҳжаси деб тан олинган. Шунингдек, олтой тили қўшни ёқут, хокос, тува ва уйғур тилларига ҳам яқин бўлиб, бу тиллар орасида Ойрот даврида шаклланган умумийликлар кузатилади.

Олтойлар узоқ йиллар Мўғул ва Жунғор хонликлари қўл остида бўлишганлиги сабабли улар бошқа туркийлардан ажralиб қолганлар ва оқибатда ислом динини қабул қилишмаган. Бу тилга араб ва форс тилидаги сўзлар интеграцияси деярли кузатилмайди. Ҳаттоқи уларнинг саломлашиш ва танишиш сўзларида ҳам соф туркий лафз сақланган. Улар бир-бирлари билан “йахши (яхшимисиз)?” ёки “эзен (эсонмисиз)?” деб саломлашишади.

Тарихий ёдгорликларни ўрганиш ва хulosалар шуни кўрсатадики, бу тил Ўрхун-Энасой ёзувларида туркий тилга энг яқин тиллардан ҳисобланади. Айниқса, Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадѓу билиг” асаридаги сўзлар олтой тили таркибида жуда кўп учрайди.

Олтойлар бир неча асрлар ўз тилларини мүғул, қалмиқ тиллари қаторида “ойрот тили” деб атаб келишган. Аслида эса ойрот тили мүғул-қалмиқ уруғларидан, ғарбий мүғуллар таркибига кирган чўрос, дербет, хўшоут ва тарғаут каби тўрт улус, яъни қабилалар тили бўлиб, олтой тили бу тиллардан жуда катта фарқقا эгадир.

Ҳозир олтой тилида тахминан 60—70 минг киши сўзлашса-да, жуда катта лингвогеографик фарқлар билан бир неча диалект ва шеваларга бўлиниб кетади. Тилдаги умумий хусусиятларга кўра олтой тили жанубий ва шимолий диалектларга бўлинади. Ундаги телеут ва тўлангит шеваси ўзаро фарқлари билан жанубий диалектни ташкил этса, тўба, қумандан ва челканлар шеваси шимолий диалектни ташкил этади. Шевалар орасидаги фарқлар уларнинг кўчманчилик ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, узоқ муддат чорва ортида кўчиб юриш ҳисобига ягона тил бирлиги сақланиб қолмаган.

Москва давлат университети профессори, тарих фанлари доктори И.Л.Кизласов фикрича, «хокослар, тувалар ва олтойлардан бошқа ҳеч бир туркий халқ вакиллари қадимги туркий тошибитикларни сақлаб қолган эмас.

Улар монотеистик динларни қабул қилмаганликлари сабабли тошибитик ёдгорликлар ўз қадрини йўқотмаган ва ёзувлар сақланиб қолган. Бунгунги кунда эса бу ёдгорликлар европа халқларига азалий кўшнилари бўлган туркийлар тарихини ҳаққоний ўрганишда асос бўлиб хизмат қилмоқда».

Тоғли Олтой ўлкаси минг йиллар давомида турли халқлар ва қабилаларнинг маданияти шаклланишига



Тошибитик

бешик бўлган. Ҳозир ҳам бу ўлкада этноконфессионал ва лингвистик жиҳатдан бой маданий мерос сақлангани эътиборга молиқдир. Шу сабабли айтиш мумкинки, олтой тили бугунги кунда барча туркий тиллар учун ўзига хос меъёрий мактаб вазифасини ҳам ўташи мумкин. Зеро, туркий тиллардан бир нечтасигина, жумладан, олтой тили ҳам араб, форс тиллари таъсирида бўлмаган ва шу сабабли бу тил таркибида арабий ва форсий сўзлар деярли учрамайди. Аммо бошқа туркий тилларга нисбатан олтой тилида мўғул, қалмиқ, хитой тилларидан кириб келган сўзлар жуда кўп учрайди. Айниқса, ҳозирги кунда рус тили ва байналмилал сўзларнинг ўзлаштирилиши натижасида олтой тили унутилиш даражасига етган.

Олтой адабий тили асосан XIX асрга келиб шакллантирилган. Унда Олтойда насронийлик тарғиботларини олиб борган миссионер руҳонийларнинг таъсири катта бўлган. Олтой тилининг ёзма асослари, алифбоси кирил ҳарфларида, сон жиҳатидан нисбатан кўпчиликни ташкил этган телеутлар шеваси базасида шакллантирилган.

2006 йилдан бошлаб Олтой республикаси Конституциясига кўра, олтой тили рус тили билан бир қаторда давлат тили мақомини олган. Ҳозир замонавий олтой тилида телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар олиб борилади, ижтимоий-сиёсий, илмий ва бадиий адабиётлар, шунингдек, газета, журналлар, китоблар чоп этилади. Олтой ўлкаси ва Олтой республикаси мактабларида олтой тили ўқитилиади. Бугунги кунда бу тилга қизиқиш ортиши туфайли ҳатто, бошқа миллат вакилларида ҳам олтой тилини ўрганишга бўлган иштиёқ ортиб бормоқда.

Олтой тилини илмий ўрганишда В.В.Радлов, Н.П.Диренкова, Н.А.Баскаков каби тилшунос олимларнинг хизматлари бекиёсдир. Айниқса, олтой тилининг барча шимолий шеваларини бевосита ўрганиб чиқсан Н.А.Баскаковнинг 1958 йилда чоп эттирган “Алтайский язык” номли китоби олтой адабий тилининг шакллашида муҳим аҳамиятга касб этади.

Олтой тили ўзбек тилига нисбатан унлилар тизими хусусиятига ва лаб сингармонизмининг умумий қонунларига кўра, қирғиз тилига жуда яқиндир. Бу иккала тилнинг ўзига хос томонлари шундаки, уларнинг талаффузида сирғалувчи, титраб талаффуз қилинувчи ва чўзилувчи сўзлар кўп учрайди. Ундошлар тизимида ўхшашликлар билан бирга муайян тафовутлар ҳам бор: қирғиз тилидаги сўз бошида келувчи қоришиқ Ж ўрнига олтой тилида Дъ мос келади; қирғиз тилидан фарқли равишда унлилар орасида жарангсиз ундошлар жарангли ундошларга айланади. Феъллар тусланганда, шахс кўрсаткичининг редукцияга учраши олтой тили морфологиясининг асосий хусусиятидир.

Олтой тилида саккизта қисқа ва саккизта узун талаффуз қилинувчи жами ўн олтида унли ҳарфлар мавжуд бўлиб улар орқали сўзлар ясалади.

Қисқа унлилар *и*, *ў*, *ы*, *у*, ва *е*, *ё*, *а*, *о*. Узунлари эса *ii*, *үү*, *ыы*, *уу* ва *ee*, *öö*, *aa*, *oo* шаклида ёзилади ва талаффузда юқорида айтилганидек қипчоқ-қирғиз лаҳжасида талаффуз қилинади.

Ундош ҳарфлари эса лаб-лаб, лаб-тиш, лаб-олд танглай, тил-орт танглай, томок-дам ва томоқ сас услубларда шаклланадиган жарангсиз *б* – *n*; *д* – *t* *г* – *к* – *қ*, фрикатив сирғалувчи жарангдор *дъ* – *ч* (*ц*) сонор, бурундан пайдо бўладиган, титраб талаффуз қилинадиган (*в*), (*ф*), *з*, *ж*, *с*, *ш*, *й*, *r(x)* аффрикатив жарангли ва жарангсиз *дъ*, *ч*, (*ц*) сонор, бурундан пайдо бўладиган, титраб талаффуз қилинадиган *м*, *н*, *л*, *р*, *н'*, каби ҳарфларидан иборатdir.

Олтой тили алфавитида *к* ва *қ*, *г* ва *ғ* ҳарфлари ўзбек тилидаги каби ёзилади ва талаффуз қилинади. Аммо ўзбек тилидан фарқли ўлароқ бу ҳарфлар салги-на бўғиб, *қо* ва *ғо* шаклида кўпроқ талаффуз қилинади. Айрим холатларда эса ўзбек тилидаги қ ўрнига *к* ёки *о* ўрнига *а* ҳарфлари ҳам ишлатилади.

Мисол учун:

Ўзбек тилида	Олтой тилида	Рус тилида
бош	баш	голова
боши	бажи	его голова
қиз	қыс	дочь
қизим	қызыым	моя дочь

Олтой тилида бўғин типлари V, CV, CVC, VC, VCC, CVCC шаклида бўлиб, бошқа ҳолатлар ўзлаштирилган сўзлардагина учраши мумкин. Бу тилда бўғинларниң морфемларга бўлиниши сўзларниң бўғин тизими билан рус тилидаги маънодошлари билан бутунлай мос келмаслиги ҳам мумкин. Аммо ўзбек ва бошқа туркий тилларга тўлиқ мос келади. Бунда фақат бўғинлардаги унлилар иштироки орқали сўз шаклида фарқ кузатилади:

Ўзбек тилида	Олтой тилида	Рус тилида
кўрганлардан	кёр-гён-лёр-дён	от видевших
кўраман	кёрёрум	я увижу

Олтой тилида палатал ва лабиал талаффузлар ҳам бўлиб, унда ундошлар ва унлилар тилнинг ўрта қисми юқори танглайга кўтарилиши натижасида ундош товушларниң юмшалиши, яъни нъ, дъ, къ каби ҳамда лаблаштириш, яъни товушларни лабларни чўччайтириб талаффуз этиш характерлидир. Бу эса нафақат олтой, балки қипчоқ гурухига мансуб тилларниң барчасига хосдир. Масалан:

Ўзбек тилида	Олтой тилида	Рус тилида
бўлган	болгон	бывший
кўлга	кёлгё	к озеру

Олтой тилида сўзлар учта асосий гурухга бўлинади. Унга кўра, от, феъл ва сўзни ҳаракатлантирувчи (боғловчи, кўмакчи, юклама ва ҳоказо) қисмларга ажralади. Шу сабабли сўзлар структурасига кўра бир ўзакли, ўзакли ва бўлинмайдиган синхрон аффикс ҳосил қилувчи, ўзакли ва сўз ясовчи аффиксли, ўзакли ва турли хил сўзлар ясовчи аффиксли, мураккаб сўзлар

ясовчи, жуфтлик сўзлар ясовчи ҳамда сўз бирикмаларини ясовчи гурухларга бўлинади. Гурухлар орасидаги фарқларни аниқлаш учун сўзларнинг ёзма шаклини ўрганиш маъқул бўлиб, талафғузда уларни фарқлаш қийин кечади. Куйида берилган жадвалда сўзларнинг олтой, ўзбек ва рус тилларида шакллари орқали ўзакларнинг турланишини кузатиш мумкин:

Сўзлар	Олтой тилида	Ўзбек тилида	Рус тилида
бир ўзакли	Тил	тил	язык
	ал	ол	бери
ўзакли ва бўлин-майдиган синхрон аффикс хосил қи-лувчи	қызыл	қизил	красный
ўзакли ва сўз ясовчи аффиксли	бил-иг	билим	знание
ўзакли ва турли хил сўзлар ясовчи аффиксли	қыч-ырт-у	чақирув	позвать
мураккаб сўзлар ясовчи	быјыл	бу йил	нынешний год
жуфтлик сўзлар ясовчи	ары-бери	нари - бери	туда-сюда
сўз бирикмаларини ясовчи	беш ўйлар	беш йиллик	пятилетка

Умуман олганда, олтой тили ўзбек тилидан учалик кўп фарқ қилмайди, фақат олтой тилини ўрганишда туркий ўзакларга ёндашиб, уларнинг маънолари-ни чақиб кўришга ҳаракат қилиш керак. Бу икки тил ўртасида кескин фарқлар, асосан, ўзбек тилига араб, форс тилларидан ўзлаштирилган, олтой тилига эса

мўгул, қалмиқ ва бошқа тиллардан кирган сўзлар билан боғлиқ бўлиб, рус, инглиз ва бошқа европа тилларидан киритилган ёки байнамилад сўзлар иккила тил талафузида деярли фарқланмайди.

Қуйида берилган лугатда сўзларнинг олтой, ўзбек ва рус тилларида шакли ва фарқларини кўриб чиқсан бунга амин бўламиз:

Олтой тилида	Ўзбек тилида	Рус тилида (тақослаш учун)
ада-м	отам	отец
тил-ибис	тилимиз	наш язык
бер-иш	бериш	отдать
ўт-кўр	ўтказ	проводи
тур-гус	турғизмоқ	ставить
божо-т	бўшатмоқ	освобождать
кёл-имзере	кулимсирамоқ	улыбаться
бар-за-м	борсам	если я пойду, (поеду)
бар-ган эди-м	борган эдим	уже ходил
мен бар-ып јадыр-ым	мен боряпман	я иду в данный момент
эйе	ҳа	да
жок	йўқ	нет
уур	оғир	тяжело
ас	оз	мало
ыраакта	узоқда, йирокда	далеко

Олтой тилида саноқ сўзлар ҳам ўзбек тилидаги сонлар билан шаклан бир хил бўлиб, ўнгача бўлган сонлар деярли бир хил талафуз қилинади. Ўнлик хисоб эса қирқ, эллик, олтмиш ва етмиш сонларининг талафузида кескин фарқланади. Олтой тилида қирқдан тўқсонгача бўлган сонлар бирлик сонларга ўн сўзини боғлаш орқали қурилади. Мисол учун “қирқ” сони ўрнига “тўртўн”, “эллик” сони ўрнига “бешўн”, “олтмиш” сони ўрнига “олтиён” шаклида сонлар ишлатилади. Ўзбек тилидаги “тўқсон” ўрнига ҳам “тўққизён” ишлади. Иккала тилдаги сонларнинг талафузида ўзига хос фарқлар кузатилса-да, мазмунан бир хиллик мавжуд. Улар қуйидагича кўринишга эга:

Сонлар	Олтой тилида	Ўзбек тилида	Рус тилида
1	бир	бир	один
2	эки	икки	два
3	ўч	уч	три
4	төрт	тўрт	четыре
5	баш	беш	пять
6	алты	олти	шесть
7	јети	етти	семь
8	сегис	саккиз	восемь
9	тогус	тўққиз	девять
10	он	ўн	десять
20	јирме	йигирма	двадцать
30	одус	ўттиз	тридцать
40	төртён	қирқ	сорок
50	бежен	эллик	пятьдесят
60	алтан	олтмиш	шестьдесят
70	јeten	етмиш	семьдесят
80	сегизен	саксон	восемьдесят
90	тогузон	тўқсон	девяноста
100	jўс	юз	сто
1000	мунг	минг	тысяча
1971	мунг тогус jўс јeten бир	минг тўққиз юз етмиш бир	тысяча девятсот семьдесят один
1,2	бир бўдўун оннынг эки ўлўзи	бир бутун ўннинг икки улуши	одна целая и две десятых

Олтой тилида олмошлар ҳам барча туркий тилларга мос тарзда шаклланган бўлиб, қуидагича турланади.

а) шахс олмошлари :

Олтой тили	Ўзбек тили	Рус тили
мен	мен	я
сен	сен	ты
ул	у	он
бис	биз	мы
слер	сиз	вы
ўлор	улар	оны

б) кўрсатш олмошлари:

Олтой тили	Ўзбек тили	Рус тили
бу	бу	этот
ол	у	тот
ту ол	анави	вон тот
мындаи	бундай	такой, этакий
ондый ~ андый	шундай	такой
мындағы	бу ердаги	находящийся здесь
ондогы~ ндагы	у ердаги	находящийся там

в) эгалик олмошлари:

Олтой тили	Ўзбек тили	Рус тили
менинг	менинг	мой
сенинг	сенинг	твой
онын	унинг	его
бистинг	бизнинг	наш
слердинг	сизнинг	ваш
олордын	уларнинг	их

г) ўзлик олмошлари:

Олтой тили	Ўзбек тили	Рус тили
бойум	мен ўзим	я сам
бойын	сенинг ўзи	ты сам
бойы	унинг ўзи	он сам

д) сўроқ олмошлари :

Олтой тили	Ўзбек тили	Рус тили
кем	ким	кто
не	нима	что
кажы	қайси	который
қандый	қандай	какой
қанча	қанча	сколько
қачан	қачон	когда
қайда	қаерда	где

Олтой тилида сўзлашиб кўринг

Эслатма: Олтой тили ўзбек тилига яқин бўлишига қарамасдан, талаффузи жуда мураккаб. Талаффузда деярли барча сўзларнинг охирги бўғинларига ургу берилади. Ўзбек тилидаги “Й” ҳарфи ўрнига “Ж” ҳарфини қўллаш ҳолатлари ҳам учрайди. Бироқ бундай ҳолат қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ тилларига нисбатан анча кам. Шундай бўлса-да, қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчилар учун бу тилни ўзлаштириш осон кечади. Фақат сўзлашувда “Й” ўрнига “Дй”, “Ж” ўрнига “Дж” қўлланилишини унумаслик керак. Масалан: Яхши-дяхши, жўл- джёл.

Инсонлар

Мен – мен

Сен – сен

У – ол

Биз – бис

Улар – олор

Эркак – эр кижи

Аёл – юй кижи

Ота – ада

Бобо – таада

Она – эне

Буви – дяэне

Бола (қизларга нисбатан ҳам) – бала

Менинг болам – балам

Қизалоқ – қызычақ

Болакай – уулчақ

Қиз – қыс

Ўғил бола – уул

Дўстлар, дугоналар – уюре

Оила – биле

Юз ва тана

Кўз – кёс

Бурун – тумуух

Оғиз – овуз

Қулоқ – қулақ

Бош – баш
Соч – чач
Киприклар – кербиктер
Қўл – қол
Қўллар – қолдор
Оёқ – бут
Оёқлар – буттар
Ўнг – он
Чап – сол
Корин – қарын

Саломлашув, танишув, хайрлашув

Ассалому алайкум! – Эзен!
Ассалому алайкум! Ахволларингиз яхшими? (муло-
замат) – Дяқшилар, дяқши дядарба! Қандый дюер?
Хайрли тонг! – Дяқшы кондор бо?
Жавоб: Дяқшы (яхши). Слер дяқшы кондор бо?
Келинг, танишайлик – танышақтар.
Исмингиз нима? – Слердинг адигар кем?
Менинг исмим.... – менинг адым.....
Танишганимдан хурсандман – слерле танышқаным
суйунип турум.
Хайрли тун! – Дяқшы конығар!
Оқ йўл! – Дёлыгар ырысту болзын!
Хайр! – Дяқшы болзын!

Овқат ва ичимликлар

Сув – суу
Чанқадим – суузап турум
Қорним очди – менин ажанар қюоним келет
Сут – сют
Гўшт – эт
Пишлоқ – быштах
Нон – қалаш
Туз – тус
Қўй гўшти – қойдын еды
Қўй гўшти борми? – Қойды еды барба?
Сиз гўшт(сут) сотасизми? – Слёр эт (сут) сат тураба?
Баҳоси қанча? – Баазы қанча?

Хайвонлар

От – ат
 Кулун – қолон
 Бия – бее
 Сигир – уй
 Қўй – қой
 Эчки – эчки
 Така – теке

Йўловчига ёрдам

Ҳа – эйе
 Яхши – дякшы
 Йўқ – дёк
 Мен розиман – мен дёпсиибей дядым
 Илтимос, менга ёрдам беринг – меге болушсаар деп сурал турум.

Раҳмат! – Быйан болзын!
 Ёрдамингиз учун раҳмат! – болушқанаар учун бы-
 иан болзын!

Бу ер қандай гўзал – мында қандый джяраш.
 Бу ердан масофа қанча? – қанча беристе мна ары?
 Хотин (дарё номи) дарёси қирғоги қаерда? – Қадын терарады кайда?

Балиқ овлаш – қармақташ

Бугун – бюнгюн

Бугунги – бюгюнги

Эртага – эртен

Бу ердан – джетирие

У ердан – онден

Қаердан – қайдан

Паст – тёмен

Тўғри тараф – кёнюу

Йўл кўрсатмоқ – джёл кургюс берэр

Дара, жарлик – кобы

Кўприк – кюр

Пул – ахча

Пул алмаштириб беринг – меге ахча охтоп берзэр

Ҳаммом – мылча

Мен сени севаман! – мен сени сюоп турум!

Қисқача олтойча-ўзбекча лугат

Олтой тилида	Ўзбек тилида	Олтой тилига яқин ўзбек шеваларида
теленгир	алюминий	
кёбёллёк	капалак	гўбалак
мылча	ҳаммом	
қойдынг эди	қўй гўшти	қўй эти
тийинг	олмахон	
ақ	оқ	
джарат	соҳил	
қайын	қайнин	
ичеген	уя, ин	
оору	касаллик	оврув
оорыыр	касал бўлмоқ	овримоқ
сас	балчиқ	
ачу, сыс	оғриқ	
сағал	соқол	
қарындаш	ака/ука	
тоормош	ёғоч хода	тараша
қабақ	қош	қовоқ
чаазын	қофоз	
борон	бўрон	
пыйма	кигиз, пийма этик	
қайнадар	қайнатмоқ	
кёнёк, сабат, алгый	челак, сатил	сават
тартар	элтмоқ, келтирмоқ	
буу	арқон	бов
юстиндеги, ёрёги	устки	
баш	бош	
эшки, қайық	эшкак, қайиқ	
джас	баҳор	
беске	тарози	
салқын	шамол	
будақ	шоҳ, бутоқ	
энгир	кечкурун	
немее	нарса	

алар	олмоқ	
кёрёр	күрмоқ	
амтанду	ширин	
сол джаны джаар	чап томон	
кою, джаба	бирга	
тёмён	пастга түбнга	
ичине	ичкарига	
сүү	сув	
башчы	бошлиқ, сардор	
кей	ҳаво	
бёрю	бўри	
толқуу, чайбу	тўлқин	
чач	соҷ	чач
сурақ	сўроқ	
кускун	қузғун	
карға	карға	
ёткюш	дарвоза, бўсаға	
кюнчығыш	кунчикиш	
чығыш	шарқ	
ичкерии	олдинга, олға	
онг джаны джаар	ўнг томонга	
ёй	вакт	
қайнадып салар	қайнатмоқ	
курғап қалар	қуритмоқ	
атқаны	отмоқ	
агар	оқмоқ	
джюк, қош	юқ	қўш
буулар, тангар	боғламоқ	тангмоқ
ёчюрер	ўчирмоқ	
қаду	мих	
кайда	қаерда	
кёс	кўз	
той, балкаш	лой, балчиқ	
теренги	чукурлик	
уйя	уя	
чирик, чирип қалган	чириган	
бюктеер	буклаш	

джыл	йил	
ачана, торолош	очлик	
тонгдок	музлаш	тўнглаш
чангқыр	мовий	чагир
кёкқат	кўкқат	
қаракат	қорагат	
туу, қыр	тоғ	қир
кюйер	куйиш	
тамақ	томуқ	
агас	сувсар	
ачу	аччиқ	
изю	иссиқ	
айылчы	мехмон	
изидер	иситиш	
тёш, кёгюс	кўкрак	тўш
қош	юқ	қўш
кемирер	кемириш	
кирлю	кир	
эрин	лаб	ирин
қойу	қуюқ	
ыраақ	узок, йироқ	
сыйлаар	совға қилиш	сийлаш
эжик	эшик	
қызычак	қизалоқ	
тиш	кун	туш
ақча	пул	
деремне	қишлоқ	
агаш	ёғоч	
джонг, қыртыш	чим	
балдар	болалар	
кийик	ёввойи	
тюп	туб, чукур	
таап алар	топмоқ	
тапқаны	топилма	
джааш, джангмыр	ёмғир	жомғир
саар	соғмоқ	совмоқ
тура	уй	

джол	йүл	
джақшы болзын	салом ёки хайр	
одын	үтин	
наджы	дўст	
нажылык	дўстлик	
тынар	нафас олиш	
аш-курсақ	овқат	
джортор	минмоқ	йўртмоқ
джиир	емоқ	жемоқ
кара бақа	бақа	
таланг-келенг	тўргай	
суузаары	сувсамоқ	
изю	иссиқ	
каварап	ковурмоқ	
темир	темир	
қарын	корин	
эмегени, эжи	хотин	
юй кижи	аёл	
кулун	кулун, тойчок	
сары	сариқ	сори
тирю	тирик	
тынду	чорва	
суйуқ	суюқ	
джюром	хаёт	
джадатан джер	турап жой	
қонғыс	қўнғиз	
турна	турна	
қорқыраар	шалдиrok	
аза берер	адашмоқ	
сюзюп салар	шохлаш	сузиб ташлаш
оорый берер	оғриш	
чеден	девор	
алып алар	олмоқ	
чығып алар	чиқмоқ	
керексибей	кераксиз	
эртен	эртага	
улый берер	улимоқ	

буулап салар	богламоқ	бовлаш
табышқақ	топишмоқ	
бюктеп салар	букламоқ	
кунге кюйер	куёшда тобланмоқ	кунда куймоқ
кюйдюрер	ёқмоқ	
қайнай берер	қайнамоқ	
булунг	бурун, кўрфаз	
шибее, сомок	қулф	
кижиге баар	эрга тегмоқ	
кунбадыш	гарб	
кунчиғиши	шарқ	
чақпы	тузоқ, пистирма	
қысқа бичик	қисқа хат	
байлаган	тақиқланган	
иштеп алар	иш ҳаққи	
джал, ақча	маош	
танг	тонг	
кюйгек	қурғоқчилик	
қорыры	қўриқлаш	
қойон	қуён	
джылдыс	юлдуз	
анг	хайвон	
табыш	товуш	
эзендежер	саломлашмоқ	эсонлашмоқ
су-кадық	соғлиқ	
джажыл	яшил	
джер силкинери	ер қимиirlаши	
джер	ер	
кюсқю	кўзгу	
аш, юрен	буғдой	
қыш	қишиш	
джылан	илон	
таниш	таниш	
мааны	байроқ	
алтын	олтин	
тиш	тиш	

ОЛТОЙ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Олтойда яшаган илк одамлар ва уларнинг фаолияти ҳақидағи маълумотлар жуда қадим замонларга бориб тақалади. Олтой тарихи, Марказий Осиё тарихи ва ундағи давлатчиликлар билан шунчалар чамбарчас боғланганки, то XVII асрға қадар бўлган даврда уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда кўп умумий ўхшашикларни кузатиш мумкин.

Олтой халқлари ҳам барча қардош туркий халқлар каби милоддан аввалги III асрлардан бошлаб, то милоднинг I асри охиригача Хунлар давлати таркибида бўлишган. II – IV асрларда эса бу ерларни Мўғулистон ерларида юзага келган Сяньбийлар давлати босиб олиб ҳукмронлик қилишган. IV – VI асрларда олтойлар Шарқий Мўғулистон ва Ғарбий Манжурияда шаклланган Жужан хонлигига бўйсунушган. 552 йилга келиб Жужан империяси қулагач, унинг ўрнига Турк хоқонлиги юзага келади ва бу хоқонликнинг маркази Олтойда бўлганлиги бутун барчага маълум.

Олтойда топилган Пазириқ ёдгорликларини ўрганиш шуни кўрсатадики, VI асрдан то X асрғача давом этган Турк хоқонлиги даврида Олтойда маданият гуллаб-яшнаган. Илк туркий ёзувлар пайдо бўлган, маданият ва санъат ривожланган. Туркийларнинг Марказий Осиё ва бошқа минтақалардаги нуфузи ортиб борган. Бироқ X асрдан бошлаб туркий давлатларнинг бирин-кетин кучсизлана бориши оқибатида олтой қабилалари ўртаси ҳам паракандалик бошланади ва бундан фойдаланган хитойлар XI асрдан бу ерларни ўзларига бўйсундириб оладилар. Олтой тоғларининг географик жиҳатдан Хитой ва Мўғулистон ерлари билан боғланганлиги уларнинг бу ерларни босиб олишига жуда қулай бўлган. Шу билан бирга қишининг узоқ давом этиши, тоғ йўлларида қўшинлар ҳаракатланишининг нокулайлиги сабабли халқни тўлиқ бўйсундириш ва қўл остида тутиб туриш ҳам жуда қийин бўлган. Шу сабабли бу ерларда ҳукмронлик қилувчилар тез-тез алмашиниб турган.

Олтой халқ оғзаки ижодиётида сақланган маълумотларга кўра хитойликлар таъсири Олтойда камая боргач, бу ерларни мўғул тилида сўзлашувчи Найманлар эгаллашади. Найманлар ўша пайтларда олтой тоғларида муқим истиқомат қилишган бўлиб, улар олтойликларга ортиқча тазийк ўтказишмаган ва фақат ўлпон олишган.

Найманлар ҳукмронлигига эса Чингизхон чек қўяди ва XIII асрдан Олтой Оқ ўрда таркибига киради. Олтойлар Чингизхон даврида унинг қўшинлари сафида жанг қиласидилар ва жуда кўп муваффакиятларга эришадилар. Чингизхон ўлемидан кейин эса олтойлар барча қипчоқ халқлари билан бирга Жўчи улусига қарашли Олтин Ўрда хони — Ботухон тасарруфида бўлишган. Улар қадимги даврдан то Ботухон даврига қадар барча туркий халқлар билан бир бўлиб, баҳамжиҳат яшаб келишган. Бироқ XV—XVI асрлар оралиғида давом этган Жўчи улусига қарашли туркий ва мўғул халқларининг ислом динини қабул қилиши даврида улар ўз эътиқодларни сақлаб қолиш мақсадида бошқа туркийлардан ажралган.

Олтин Ўрда тарихига оид маълумотларга кўра, Жўчи улуси то XIV асрга қадар Чингизхоннинг Ясоқ қонунларига амал қилган. Ясоққа кўра эса ҳеч қайси дин таъкиб қилиниши мумкин эмасди. Шу сабабдан Олтин Ўрдада Тангрига сифинувчилар, шомонлар, мусулмонлар, насронийлар, яхудийлар ва будда динига сифинувчилар орасида келишмовчиликлар ёки диний камситишлар бўлмаган. Ҳаттоқи битта оила вакиллари ҳам бошқа-бошқа динларга эътиқод қилишган. Бир пайтда Олтин Ўрда хони Ботунинг ўзи Кўк Тангрига, унинг ўғли Сартак насронийликка эътиқод қилган бўлса, унинг укаси Берке ислом динида бўлганлиги бунинг яққол далилидир.

1258 йилда Беркехоннинг Олтин Ўртага хон бўлиши ва мадрасалар қурдириши Ўрдада ислом динининг қадри ошиши олиб келган. 1262 йилда Беркехон илк бора Олтин Ўрдани Қорақўрум хони Мўнкахон ҳукмронлигидан озод қиласиди ва ислом давлатлари, жумладан, Миср сultonи Бейбарс билан алоқаларни яхшилай бошлайди. Бу, албат-

та, шомонлар ва бошқа Тангрига сиғинувчиларга ёқмайды. Беркеконнинг мусулмонларга ҳомийлик қилиши эса унга қарши кучларнинг бирлашишига олиб келади. Олтин Ўрдада илк бора ғоявий зиддият вужудга келади.

Орадан саккиз йил ўтиб, 1270 йилда Беркекон ўлгач, унинг ўрнига будда динига эътиқод қилувчи Тўхтахон ўтиради. Аммо Тўхтахон ҳам Ислом динини таъқиб қилмайди. Балки унинг ўзи ҳам мусулмонларга ён бошишга мажбур бўлади. Ҳаттоки, будда динида бўлатуриб, Аллоҳ номи битилган тангалар зарб қилдиради.

Тўхтахон сиёсатининг толерантлилиги ва динларни таъқиб қилмаслиги натижасида Олтин Ўрдада яна исломдан чекиниш бошланади. Ҳамма динларнинг мавқеи тенглаштирилади. Баъзилар икки эътиқод орасида қоладилар. “Тангри” номи Аллоҳ номи билан уйғунлаша бошлайди. Ҳаттоки, Тангрига сиғинувчиларнинг урфодат ва маросимларини мусулмонлар ҳам ўтказа бошлайдилар. Айтиш мумкинки, шу давр ислом, насронийлик, буддавийлик ва Тангрига сиғинишилик элементлари энг кўп қоришиб кетган давр хисобланади. Аллоҳ номи билан бир қаторда туркий ва мўғуллар Худоси «Тангри» номи тенглаштирилади. Олтин Ўрда ахолиси ўртасида қабрга сиғинишилик, ота-оналар ва авлиёлар руҳларидан мадад сўрашлиқ, фол кўриш ва шомонийлик маросимлари исломий маросимлар билан қоришиб кетди. Кўпчилик шомонлар ҳам ислом динини ўзлаштирадилар. Дафн маросимлари, етти, йигирма, қирқ, йил каби марака ва бошқа удумлар исломий қадриятлар сафига қўшилади. Аммо исломни эътироф этишни ва Чингизхоннинг Ясоқ қонунларидан воз кечишини истамаган консерватив кучлар — минглаб дашт феодал-ҳарбийлари Тўхтахондан юз ўтирадилар. Ҳудди шунингдек, Ислом ақидаларини бошқа дин элементлари билан қориширилишини истамаган олим ва чин мусулмонлар ҳам Тўхтахон юргизган сиёсатга қарши турадилар.

Бироқ Тўхтахон сиёсатининг изчиллиги барча қаршиликларни енгади. Олтин Ўрдадаги ижтимоий

ҳаёт ҳам ўзгаради. Кўк тангрига сифинувчи турк-мўғул зайнсанлари ўз ижтимоий мавқенини сақлаб қолиш учун ҳаракат қиласидилар ва оқибатда «тўра»ларнинг мавқеи «саййид»лар билан тенглаштирилади. Ислом динини тарғиб қилувчи «хўжа»лар ва Чингизхон наслидан бўлган оқсуяк «тўра»лар ўзаро муроса йўлини танлайдилар. Худди шу социал групкалар янги давр аристократиясининг шаклланишига асос бўлади. Олтин Ўрдада ўзига хос *シンкремтистик* маданият шаклланади. Синкремтистик дин, маросимлар, урф-одатлар пайдо бўлади.

Тўхтахон даврида ислом динини қабул қилган мусулмонлар ҳам шомонларнинг илохий кучларига ишонишган. Фол очириш гуноҳ саналмаган. Чингизхон номи фахр билан тилга олинниб, унинг авлодларига чексиз хурмат кўрсатилган. Одамлар оммавий тарзда исломни қабул қилишган, бироқ жуда кам одамлар иймон келтириб нағоз ўқишишган. Исломий маросимлар билан бирга бошқа динларнинг маросимлари тенг бажарилиб, уйғунлаша борган. Ислом фарзлари ва ақидалари билан барча этник қабилаларнинг одатлари ҳам сақланиб қолган. Айнан шу даврда Тангриберди – Оллоҳберди – Худойберди, Кунсулув – Ойсулув – Курбонсулув каби синкремтистик исмлар пайдо бўлади ва мазмунан тенглашиб кетади. Чингиз, Мўнка, Тўхта, Жангир, Ўтаган каби ўнлаб мўғул-турк исмлари оммалашиб мусулмонларнинг одатий исмларига айланниб боради.

Тўхтахон даври тугаб, ниҳоят, 1312 йилда таҳт тепасига Ўзбекхон келгач, Олтин Ўрдада ислом давлат дини даражасига кўтарилади. Ўзбекхон мафкуравий жиҳатдан қатъий қарорлар чиқаради. Ислом шариятини қаттиқ хурмат қилган Ўзбекхон бошқа динларни хуш кўрмайди. Олтин Ўрдада ислом динининг гояга айланиси мамлакат аҳолисини грухларга бўлиб юборади. Бунда мусулмонларнинг энг ашаддий душмани бўлиб турк-мўғул шомонийлиги вакиллари майдонга чиқишиади. Улар асосан Тангрига сифинишлик, шомонлик ритуаллари хисобига кун кечирувчи текинхўрлар

бўлиб, кўпроқ даромадларидан ва жамиятдаги мавқеларидан айрилганлари учун қайғуришар, қандай бўлмасин, халқни эски эътиқодда тутиб туришга уринишар эди. Бироқ Ўзбекхон ислом йўлида ҳеч кимни аямай, барчани ислом ақидаларини тўлиқ бажаришга чақиради. Шу сабабли Тангрига сифинувчилар ва шомонлар юртни ташлаб шимолга кета бошлайдилар. Илмли одамлар ва юрт эгалари — оқсоқоллар одамларни ислом динини қабул қилишга ёки қарши турмасликка ундейдилар. Нима бўлса ҳам, тинчликни сақлаш мақсадида ислом ақидалари билан бирга ўз эътиқодларини ҳам яширинча бажаришга рухсат берадилар. Қатъий эътиқодда қолиб ислом динини қабул қилишни истамаганлар эса мамлакатдан чиқиб кетадилар. Бундай эътиқоддагиларнинг кўпчилигини мўғул халқлари ва қисман туркйлар ташкил этади. Тарихий далилларга кўра, олтойлар ҳам улар таркибида исломни қабул қилмайдилар ва шимолга йўл оладилар.

Мўғуллар империясининг таназзулидан кейин бир нечта мўғул қабилалари ўзаро тил бириктириб бирлаша бошлайдилар. Асосан, қалмиқлар, жунгорлар ва кўкнорлар давлати бирикиб, Ойрат хонлигини ташкил этадилар. Олтойлар ҳам ўз ўрнида бир неча туркий халқлар ёқутлар, тувалар, хакослар билан бирга XV асрдан ойрот-джунғорлар таркибига ўтиб бошқа туркийлар дунёсидан бутунлай ажраладилар.

Улар жунғорлар таркибида қолиб мўғуллар билан умумий номда «ойрот»лар деб атала бошлайдилар. Эътиқодда эса тангричилликка асосланган будда динида қатъий қоладилар.

Тарихий манбаларга кўра, 4000 хўжалик олтой қабилалари жунғорлар таркибида қолиб, уларга бўйсуниб яшайдилар. Уларнинг ўз ҳудудлари белгилаб берилиб, хонлик томонидан кўйилган Тойчи томонидан бошқарилган. Тойчилар Хон томонидан узоқ муддатларга тайинланган ўз бошқарувида гилар устидан чекланган ҳокимликка эга бўлган.

Олтойшунос олима Н.А.Тадинанинг таъкидлашича, қозоклар орасида ҳамон олтойларни мӯғул халқларига кўшиб «қалмиқлар», Тоғли Олтойни эса «Қалмиқистон» деб атовчилар бор экан. Бироқ олиманинг билдиришича, бу нотўғри фикр бўлиб, олтойлар қалмиқ эмас, балки туркӣ халқдир. Олтой ахолиси исломни қабул қилмагани учунгина бўлиниб, ойротлар таркибида 1756 йилда то Олтой худудлари Россия таркибига киргунча қолиб кетадилар. Айрим манбаларда эса ғарбий олтой қабилалари, жумладан, кумандинлар ва тўбалар XVII асрдан Россияга бўйсуниб, ўлпон тўлагани қайд этилган.

Олтойларнинг Россия таркибига кириши бир жиҳатдан уларнинг Цин ва мӯғул кўшинларидан ҳимояланишини таъминлаган. 1917 йилга келиб кўп қатори олтойда ҳам совет ҳокимияти ўрнатилган. Бу ерлар 1922 йилдан 1947 йилга қадар Олтой-Ойрот автоном вилояти, 1948 йилдан 1990 йилгача – Тоғли Олтой автоном вилояти, деб аталган. Ниҳоят, 1991или 3 июлдан бошлаб вилоят базасида Тоғли Олтой Республикаси ташкил этилган.

Тоғли Олтой Республикаси бугун Россия Федерацияси субъекти сифатида ўз конституцияси, байроби ва гербига эга. Республика конституцияси 1997 йили 7 июня қабул қилинган. Давлат тили: олтой ва рус тиллари.

Олтойлар бугунги кунда, том маънода, миллий ва маданий тикланиш даврини бошдан кечирмоқда. Қисқа муддатда олтойлар тарихи, тили, маданияти ва бошқа қадриятларини тиклаш бўйича оламшумул ишлар бажарилди. Муқаддас жойлар, миллий ва маданий бойликларни сақлаш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. Олтойларнинг миллий ўйинлари, байрамлари қайтадан тикланди.

Олтой тилида телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар йўлга қўйилди. Газета ва журналлар чоп этила бошланди. Бугунги кунда олтойлик олимлар турли халқаро анжуманларда ўз маданий қадриятларини намойиш этиш билан миллий ва маданий бойликларини дунёга танитмоқдалар.

ОЛТОЙ УРУГЧИЛИГИНИНГ АСОСЛАРИ ВА ЭТНИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бошка халқлардан фарқли ўлароқ олтойликларнинг келиб чиқишини ўрганишда уларнинг ижтимоий-сиёсий тарихини эмас, балки этник келиб чиқишини ўрганиш самаралироқ бўлади. Бугунги кунда олтой халқларининг таркибига кирувчи телеут, тўлангит, қумандин, тўба каби элатларнинг ҳар бири алоҳида этник хусусиятларга эгадир. Шу сабабли олтойлар этногенези анча ўрганиш мураккаб бўлган соҳа ҳисобланади. Инчунун, Олтой этнологиясини ўрганиш бўйича минглаб олимлар ишлаган бўлсалар, унинг тарихини ўрганиш бўйича саноқлигина олимлар фаолият олиб борганлиги ҳам бунинг яққол далилидир.

Таниқли олтойшунос олим В.В.Радлов «Олтой туркий халқларнинг энг қадимги ватанидир, бу ердаги туркий қабилаларнинг этник хусусиятлари ни ўрганиш нафақат биргина олтойларнинг, балки бутун туркийларнинг келиб чиқишини ўрганиш ва тарихини аниқ ёритиб беришда муҳим манбадир», дея таъкидлайди. Ҳақиқатан барча туркий халқлар, жумладан, Марказий Осиё халқлари Олтойни қадимий Ватани – «бобоюрт» деб биладилар. Татарлар, бошқирдлар, қозоқлар, қирғизлар, ўзбеклар ва қорақалпоқлар этник жиҳатдан олтойларга жуда ўхшаш. Бироқ уларнинг орасида маълум фарқлар ҳам мавжудки, мазкур мавзуу китобимизнинг асосий мазмунини белгилаб берса ажаб эмас!

Олтойлар мавзуси ўрганилар экан, бу халқнинг бошқа туркий халқлардан қандай фарқи бор? Нега бошқа туркий халқлар олтойлар тўғрисида маълумотга эга эмаслар? – деган ҳақли саволлар туғилади.

Бунга жавобан эса олтойларнинг этник тарихига назар ташлаб, уларнинг маданий ва миллий қадриятларини

бошқа туркий халқларнинг қадриятлари билан қиёсий таҳдил қилиб кўрсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Олтойда яшовчи туркий қабилалар тўғрисида илк ёзма маълумотлар, албатта, Ўрхун-Энасой тошбитиклари ва Хитой хронологик ёзувларида сақланган. Бу битикларда турк, ўғуз, қипчоқ, қорлуқ, қирғиз, тўлес, тардущ, уйғур каби қабилалар тилга олинган бўлиб, худди шундай этник бирликларни ҳозир ҳам Олтойда учратиш мумкин. Бундан ташқари телеут ва тўлангит уруғларининг қозоқ, қирғиз ва ўзбек уруғлари ичida учраши ҳам бежизга эмас.

Агар олтойлар тарихини этник жиҳатдан ўрганиш керак бўлса, унда, албатта, уларнинг қабилавий бирликлари, уруғчилиги ва этник маъмурий бўлинишига қараб таснифлашга тўғри келади. Чунки бу қабилалар сон жиҳатдан камчилик бўлсалар-да, этник хусусиятлари хилма-хилдир.

Олтойлар этник жиҳатдан бир нечта ҳудудий бирликларга бўлинадилар. Олтой тоғлари бўйлаб асосан жанубий олтойлар — тўлангит ва телеутлар истиқомат қилишади. Тоғ этакларида эса шимолий олтойлар — тўбалар, чепканлар ҳамда қўмандинлар истиқомат қиладилар. Бугунги кунда шимолий олтойлар жанубийликларга нисбатан анча кўпроқ руслашганлар ва анъанавий маданиятларини ҳам унутишган. Бироқ жанубий олтойларда уруғчилик, миллийлик ва бошқа маданий элементлар жуда яхши сақланган бўлиб, уларда этник хусусиятлар ҳам ёрқинроқ кўринади.

Олтойларда уруғчилик асосан уч тизимда шаклланади.

1. Ота уруғи — олтой тилида **қарындаш**.

2. Она уруғи — олтой тилида **тагі**.

3. Никоҳ орқали боғланган уруғ — олтой тилида **қаін**.

Ҳар бир олтойлик ота ва она уруғидан етти авлодни билиши шарт ҳисобланади. Ҳудди шунингдек, фарзандлари етти аждодининг қабрлари жойлашган жойини ҳам билишлари керак бўлади. Бу эса олтойликларда генеологик бирликни таъминлабгина қолмай,

ўз ўрнида, кейинги никоҳларни тартибга солишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Олтойликлар қариндошлигидаги яна бир асосий жиҳат шундаки, уларда ота уруғи сүякка (сёök, сёök) ажратилади ва бу оталик тизими этник бирликнинг энг асосий ўзаги ҳисобланади. «Ота» — олтойларда энг улуғ ном ҳисобланади. Фарзандларнинг ота олдида масъулияти жуда каттадир. Отага қарши борган фарзандни ҳеч ким ҳурмат қилмайди. Ота розилигисиз ҳеч ким муҳим ишлар бошламайди. Улар истиқомат қиласиган ўтов уйларда чап томон эркаклар томони бўлиб, унда отанинг анжомлари(эгар жабдуқ, курол аслача ва кийимлар) сақланган ва бу анжомларга тегинишга ҳеч ким журъат қила олмаган. Чунки ота ва унинг анжомлари муқаддас ҳисобланган. Аёллар отага гап қайтарган фарзандларини қаттиқ жазолашган ва шу ўринда ўзлари ҳам эрларини қаттиқ ҳурмат қилишган. Шу сабабли ота уруғи ҳам энг яқин қариндош ҳисобланиб, ҳурмат қилинган. Одамлар ўз сүяқдош—қариндошлари ори ва номусини ўз ор-номуси деб билганлар. Шу сабабли бўлса керак, ота уруғдагилар орасида низолар кам бўлиб, бу аҳиллик миллий бирликни сақлашда муҳим ўрин тутган.

Эътиборлиси шундаки, 1897 йилда Чор Россияси томонидан ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш жараёнида улар ўзларининг 68 суюгини номма-ном санаб беришган. Ўша ҳисоб шунчалар тўғри эканки, Чор Россияси Олтой аҳолисини шу ҳисоб билан ўз таркибига қабул қилган. Бу сүяклардан энг асосийлари эса қипчоқ, тўлас, майман, тодош, ирkit сүяклари бўлиб, бу номлар факат ота уруғидан ҳисобга олинади.

Олтойларда бугунги кунларда ҳам бирор билан танишиш ёки суҳбатлашиш жараёнида суюги суриштирилади. Ўзини таништираётган одам эса «Менинг исмим фалончи, фалон жойда яшайман, ота суюгим фалончи, она уруғим фалончи, қайин ҳисобда фалончилар билан кудаман» деб таништирадилар.

Ўз суягини билишлик олтойликларга ғуур бағишлади. Улар ўз суяги ва уруғига муносабатда ор ва но-мус масаласи деб қарайдилар. Бир уруғ ичида ҳамма қариндош ҳисобланади ва улар ўз уруғидагилар билан оила қурмайдилар. Бу экзогам никоҳланиш ҳисобига олтойлар биологик ва ижтимоий соғломликни сақлаб келадилар. Экзогамиянинг бузилиши, яъни бир сукдан бўлган йигит ва қизларнинг турмуш қуришига эса «ахлоқсизлик» деб қаралади.

Ҳар ким турмуш қуришда сон жиҳатидан кўпроқ ва обрўлироқ уруғ билан қудалашишга интилади. Кам сонли уруғлар билан қудалашишга эса унчалик рағбат сезилмайди.

Эр ёки хотиннинг қариндошлари қайин уруғи ҳисобланиб, бу ном «қайин» дарахтига менгзаб олинган экан. Олтойларда оқ қайин келин тимсоли ҳисобланади ва тўйларда «оқ қайин» билан боғлиқ маросимлар жуда кўп учрайди. Турмуш ўртоғининг уруғларини улар шундан келиб чиқиб «қайниндошлар» деб атайдилар. Қайниндошлар орасида никоҳларга кенг йўл берилган. Кудачилик ва қарши қудачилик олтойларда одатий ҳол ҳисобланади. Олтойларда никоҳ орқали боғланган эркак қариндошлар **куда**, аёл қариндошлар эса **кудагай** (кудагай) деб аталади.

Олтойларда она уруғи ҳам ўзига хос хусусиятларга эга, бироқ бу уруғ ота уруғи каби қон-қариндош ҳисобланмайди. Она уруғи тоғай суяги (тағӣ сёök) деб номланади ва фарзандлар томонидан жуда ҳурмат қилинади. Шундан келиб чиқиб, туркийлар онанинг aka ва укаларини «тоға» деб аташади. Факат бунда онанинг опа-сингиллари фарзандлари бегонароқ ҳисобланади. Она уруғдан бўлган қариндошлар билан никоҳланишга ҳам рухсат берилади. Кўп ҳолатларда эркаклар тоғаларнинг ёки холаларнинг фарзандлари билан никоҳланишга рағбатлантириллади ва тоға-жиян («таай» ва «јеен») никоҳи деб юргизилади. Агар куёв онанинг акаси, укаси ёки уларнинг фарзандлари бўлса, бу никоҳга ҳам рухсат берилмайди. Чунки уларда «јуук

тағайларына барбас», яъни «қиз тоғасига чиқмайди», деган қатъий таъқиқ сақланиб қолган. Тоға қиз бола учун энг улуг инсон ҳисобланади. Шу сабабли олтойлар ота ургуни сенсираши мумкин, аммо она уруғининг чақалоқларига ҳам «сиз» деб мурожаат қилишади.

Олтойлар холани тоға эже «*таай эје*» деб, холалар эса жиянларини «*јеен*» деб аташади. Шундай қилиб, олтойларда ота суяги уруғчиликнинг асосий ўзаги ҳисобланади ва неча авлод алмашса ҳам, қариндошчилик узилмайди. Ўғил болалар уруғнинг давомчиси саналади, қизлар эса эрларининг ургуни давом эттирадилар.

Олтойлар фарзандни тўл (тўл) деб атайдилар. Шунинг учун бу сўз баъзи қабилаларда суяк маъносида ишлатилса, телеутларда фамилия маъносида ҳам ишлатилади.

Олтойларда васийлик масаласи ҳам ўзига хос бўлиб, етим болалар ота уруги томонидан асраб олинади ва у **асранди бола** (азыранты бала) деб аталади. Ота ургидан бўлган қариндошлар асранди болани асрашга мажбур хисобланишади, она ургида эса бундай мажбурият бўлмайди. Шу ўринда айтиш керакки, агар бола никоҳсиз туғилган бўлса, унга нисбатан жуда таҳқирона муносабат билдирилади. Отаси бетайин (ада юқ бала) учун она, албатта, жавоб бериши керак бўлади. Шу сабабли онадан отаси кимлигини яширса ҳам суягини айтиши талаб этилади.

Қизларнинг болалари **жиянлар** «*јеендер*» деб аталади. Онанинг отаси **тоға отам** «*тағадам*», онанинг онаси эса **тоға онам** «*тағайнам*» деб аталади. Холанинг фарзандлари эса **бўла** «*бёлёт*» деб аталиб, бир суяқдан ҳисобланмаса-да, тўрт авлодгача қуда бўла олмайдилар.

Олтойлар ўғил фарзандининг болалари—невараларни **«бала»** деб атайдилар, қиз фарзандининг болаларини эса **«бакра»** деб атайдилар. Умуман, невараларга нисбатан шу сабабли **«бала-бакрамиз»** деб муомала қиласдилар.

Тоға барча одамлар учун энг улуг зот ҳисобланади ва тоғанинг энг кичик фарзандлари ҳам ҳурмат қилинади. Ҳаттоки, етмиш яшар чол ҳам она уруғининг янги туғилган чақалогини, **«тоғам»**, деб эъзозлайди.

Тоға — жиянчилик маросимлари эса янада қизиқарли бўлиб, унга кўра тоғанинг жиян олдидағи масъ-улияти жуда ҳам катта. Тоға жияни дунёга келганида суюнчи бериши, бешик тўйи, соч олар (чочолор), тўйи учун “эътиборга молик” совғалар қилиши, бир ёшга тўлганида, биринчи қадам босишида ёнида бўлиши, қиз жиянларининг турмушга чиқишида вакил бўлиб рухсат бериши, умри давомида ўғил жияни учун «бақра» совғасини⁵ бериши шарт ҳисобланган. Бақра совғасига эса имкон қадар тойчоқ берилган. Бундан ташқари ўлган кишининг маййитини қабрга қўйиш учун ҳам энг ҳақдор одам тоға ҳисобланган.

Бу маълумотларнинг барчасини таҳлил қилиб хуло-са қилиш мумкинки, олтойлар тарихи уларнинг этник хусусияти билан боғлиқдир. Уларнинг оғзаки ижодиёти ва афоризмлари каби архаик уруғчилик тизими хам миллий хусусиятларининг шаклланиши ва таркиб то-пишида жуда катта аҳамият касб этади.

Түй маросимлари



Олтойлар учун оила муқаддас ҳисобланади. Шу сабабдан уларнинг оила-вий-маиший маросимлари оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий-маиший ҳаётга ўргатиш, янги оила қуриш, соғлом фарзандлар тарбиялаш, қариндош-уругчилик анъаналарини давом эттириш мақсадларида ташкил этилади. Жумладан, тўй маросимлари ҳам уларнинг этник

⁵ «Бакра» совгаси қызниң фарзандларига бериладиган совғадир. Күпинча, буны ўғиллар, яъни тоғалар бажаради.

бирлигини сақлаш ва миллий шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Олтой тилида ҳам тўй худди ўзбек тилдагидек «тўй» (ёзилиши—той) деб номланади. Уларда ҳам «исм қўйиш», «бешикка солиш», «бешиккертти», «бешик тўйи», «тирноқ олди», «соч олиш тўйи», «илк қадам», «мучал ёши», «никоҳ тўйи» каби маросимлар бор. Фақат исломий «акиқа», ва «суннат тўй»лар уларга бегона.

Тўй аслида мўғул ва туркий халқлар тилида «тантана» маъносида ишлатилади ва барча тантаналар «тўй» деб аталади. Шу сабабли халқ йифинлари ва ижтимоий тадбирлар «курултой» — мўғулча «Хурал:той» (давлат тўйи) деб номланган. Овул ва оиласларда ўтказиладиган тантаналар эса оддий «тўй» деб номланган.

Олтой тўйларининг барчаси ўзига хос ва мазмунга бойдир. Этник маданият бешиги сифатида эса бу ерда маросимлар бошқа халқларнинг одатларидан кўра кўпроқ элементларни ўзлаштирган. Айниқса, олтой тўйларида ота-боболарнинг ва жойларнинг руҳларини рози қилиш билан боғлиқ бўлган элементлар жуда кўп учрайди. Баъзи амаллар бошқа туркий халқларда исломни қабул қилгандан кейин унutilган ва жоҳилият одатлари сифатида тақиқлаб қўйилган. Олтойларда эса барча одатлар ошкора бажарилади ва бугунги кунда бошқа туркийлар, жумладан, ўзбек тўйларидан бутунлай фарқ қиласди.

Олтойлар — оиласпарвар халқ ҳисобланади. Бу ерда эркак киши оиласнинг моддий таъминоти учун, аёллар эса уй-рўзғор ва хўжалик ишлари учун ўзларини масъул деб биладилар. Шу масъулият туфайли олтойларда оила бузилишлари жуда кам учрайди. Вақтида оила қуришни истамаган бўйдоқ йигитлар ёки куёв танлаб ёши ўтиб қолган қари қизларга ўз оиласи аъзолари қаторида бошқа қариндошлари ҳам ёмон муносабатда бўлишади. Баъзан эса бундай ёшлар қарияларнинг ва жамоатчиликнинг тазиёки остида турмуш қуришга мажбур қилинади.

Олтойларда тўй маросимлари тўрт босқичда ўтказилган:

1. Совчилик. 2. Тўйга тайёргарлик. 3. Тўй. 4. Тўйдан кейинги маросимлар.

Ҳар бир босқич алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, маросимларга жуда бойдир.

Совчилик. Олтойлар совчиликни «қудалаш» деб атайдилар. Баъзан совчилик бола бешикдалигидаёқ бошланади. Қадим замонлардан олтойликларда фарзандларини бешикдалигидаёқ унаштириб қўйиш одати бўлган ва улар вояга етиши билан эса тўйларини ўтказишган. Ёки иккинчи ҳолатда болалар 10—12 ёшлик пайтларида уларни унаштиришган. Бунда куёв бола бир муддат келиннинг уйида яшаб турган. Келин тараф бу пайтда куёвнинг барча хислатларини ўрганишган. Куёв ҳам ўз навбатида яхши томонларини кўрсатишга ҳаракат қилган. Совчилар бу даврда доим куда томонга қудалашганликларини эслатиб туриш учун меҳмонга келиб турган.

Совчилар келиннинг уйига илк бор келишганида ўзлари билан “арак” (сутдан тайёрланган ароқ) келтиришган. Нега келганликларининг маълум қилишгач эса, келин тарафга ароқ тутишган. Агар улар қизларини беришга рози бўлсалар ароқдан ичишган, рози бўлмаса, ичишмаган.

Олтойлар қизларини эрга беришда унинг розилигини сўраб ўтиришмаган. Баъзан эса, каттароқ қалин эвазига мажбуран ҳам эрга беришаверишган. Бунда олтойларнинг қуидаги мақоли қўл келган ва кези келганда юпанч бўлган:

Таш таштаан жерине жатқан,

Қыс барган жерине (журттына) жатқан.

Язни,

Тош ташланган ерида қотар,

Қиз борган ерида (юртида) қотар.

Шу сабабли олтой ёшлари орасида ҳам бу одатларга қарши чикувчилар кўпчилик. Айниқса, севишган орасидан келин олиб қочиш ҳоллари чикиб туради. Бундай ҳолатларда куёв қалин тўламайди ва келиннинг ота-онасига анча қийинроқ бўлади.

Қиз балоғатга етгач, күёв томон қудалашни бошлаган. Келин томон эса келгандарни меҳмон қилиб кузатищдан чарчамаган. Охири куни келиб күёв навкар(наукер)лар билан келинни олиб кетишга келишган. Бунда келинни, албатта, «кёжёгё» деб номланувчи пардани тутиб соябон қилиб олиб кетишган. Бу одат олтойликларнинг Тангрига сифинганликлари билан боғлиқ бўлиб, улар Тангрини осмондан ҳаммани кузатиб туради, деб ўйлашган. Бунда эса улар «кёжёгё»ни Тангри келиннинг бу хонадонга ўтаётганлигини кўрмай қолиши учун бажаришган.

Күёв томон бу кунни қиз келар (қыс экельгени) тўйи деб байрам қилган. Шу куни икки томон келишиб шомонларнинг маслаҳати билан тўй куни белгиланган.

Тўйга тайёргарлик даврида тўйолди ташвишлари бошланган. Келин томон күёв томондан «қалин» олган. Қалин аниқ белгиланган пул миқдори, қўй, қорамол тия хисобида келиннинг насаби ва күёвнинг имкониятларидан келиб чиқиб белгиланган.

Бу даврда келин томон қизнинг (дёёжё) сепларини күёвникига келтирган. Сеп «қайирчоқ» деб аталувчи сандиқларда сақланган. Тўй куни сеп күёвникига олиб борилган ва ёйиб йигилганларга намойиш қилинган.

Тўйдан бир кун олдин келин ва күёв учун алоҳида ўтовни тикиш учун яқин қариндошлар ва уйсоз усталар чақирилган. Бу ерда «аланчиқ чойи» деган маросим ўтказилган. Унда кўп фарзандли одамлар йигилиб ўтовга улар ўзлари келтирган туморларни тақишиган. Уйнинг керагасини кўтарганда эса уй «чангнгарағи»га янги матоларни илишган. Бу Кўк Тангрига тухфа сифатида бажарилган. Гўё кўқдан туриб Тангри совғани қабул қилган ва тўйга розилик, янги уйга қут берган. Шундан сўнг $1,5 \times 2,5 - 3$ метр ўлчамда тайёрланган чимилдиқ — кёжёгё илинган. Бу парда келин-куёвнинг хобгоҳи хисобланган. Чимилдиқ иккита оқ қайин шохига боғланган. Четларига ипак попуклардан туморлар тақилган. Күёв томон шу куни

тўйолдидан жонлиқ сўйишган. Жонлиқни олтойлар «соғум» деб аташади.

Эртасига тўй бошланиб тантана билан қуда томонни кутиб олишган. Бу кун келин томон тўйга келгандарга қизнинг сепини ёйиб кўрсатган.

Сеп ичидаги ҳар бир мато ва нарсага рамзий нархлар қўйилган. Куёв томон ўзларича бу нархларни тўлаган бўлиб арзимаган пулларга нарсаларни сотиб олишган. Маросим охирида келиннинг ўзини нархлашган ва со-тишган. Бунда келиннинг жиянларидан бири келин ки-йимида роль ўйнаб берган. Унинг розиман, деган сўзи учун кўп совгалар беришган. Баҳонада келиннинг аёл қариндошлари совғали бўлиб, куёв қариндошларига ҳам ароқ ва шунга ўхшаш ичимликлар тортиқ қилинган.

Энди уйни безаш навбати келин томонга ўтган. Иккала томоннинг гапга чечан аёллари келишиб янги кўрпа-тўшак ва сандиқларни жойлаштиришган. Сўнгра биргаликда ўланлар айтилган, ниҳоят, келинни янги уйга — чимилдиққа киритишган.

Шундан сўнг келинни куёв томон бутунлай олиб ўзлариники эканлигини маълум қилишган ва куёвнинг уйига қайтариб олиб боришган. Бу пайт хонадоннинг катта келини ўчоқни тайёрлаган. Олтойларда ўчоқ бе-

каси келин ҳисобланади. Шу сабабли катта келин тантана-ли равишда ўчоқни янги ке-линга топширган. Бу ерга ки-ришдан олдин икки томонга арча тутатишган ва янги ке-лин ўчоққа ёғ қуйиб ўчоқ эга-си ЎТ— Энани озиқлантирган.

Биринчи кун келинни қайноаси сут билан овқатлантирган ва хайрли ти-лаклар билан дуо қилган. Уйни айлантириб тавооф қилдирган. Кейин шарққа қаратиб



ўтиргизиб соchlарини ўришган. Битта ўрим сочни ёйиб иккита қилиб ўришган. Бу соч ўриш (чач ёрёри) маросими бўлиб, битта ўрим сочни ёзиб, кейин иккита қилиб ўриш қизнинг оилали хотинга айланганлигини билдирган. Келиннинг сочини ҳар доим кўп болали оналар ўрган. Фарзандсиз, бева ёки икки марта турмуш қурган аёллар бу ерга яқинлашмаган. Соч ўрилгунча ўланлар айтиб турилган, қизнинг соchlарини чап ўрамини келин, ўнг ўрамини куёв тараф ўрган. Бу эса келиннинг чапдан ўнгга, яъни куёвникига ўтганини билдирган. Шу маросимда келинга эрли хотинлар кийими – чегедек (желак) ва бошига «қураан бурюк» деб номланувчи бош кийими кийдиришган. Ўз ўрнида куёвга ҳам келин томони янги тўн ва бўрк кийгизган.

Куёвни келиннинг кичик қариндошлари «жезне», катта қариндошлари «кайув» деб аташган.



Чимилдиқ — кёжёгёга ҳеч кимнинг тегиниши мумкин бўлмаган. Фақат қайнотаси ёки куёвнинг тоғаси келинни кўз-кўз қилиш учун чимилдиқни қурол ёки тоғ арчасининг шохи билан кўтариб турган. Шу билан бирга, келинга қараб «менинг номимни атама, йўлларимни бойлама, каттани катта бил, кичикни иззат қил», деб қайтариб турган. Бу эса шу ерда юрган руҳлар чимилдиқга тегинган ким эканлигини аниқлай олмасин учун айтилган.

Кейин навбатдаги «айғыр ла бее» – айғир ва бия маросими бошланган. Унда келин ва куёвга ўланлар ва

тилаклар билан «алқыш сёс» –мақтовлар ёғдирилган. Куда ва қудагайлар номига шириңсўзлар айтилган. Ҳар бир тўй иштирокчисига алоҳида тилаклар айтилиб унда тўйга қилган хизматлари таъкидлаб ўтилган.

Тўйнинг биринчи кунидаёқ келинга хизматлар ба-жартирилган. У келган меҳмонларни ширчой билан меҳмон қилган. Куёв эса унга кўмакчи бўлган. Сув та-шиган, ўтин ёрган.

Зиёфатлардан кейин келин томонидан бажариладиган янги маросимлар бошланган. Шулардан бири келиннинг итга овқат бериши (ийти чыныртары) маросими бўлиб, мазмуни уй қўриқчиси ва доимо уй хизматида бўлувчи келинни таништириш бўлган. Куёвникида тўйдан кейин фақат келиннинг онасигина қолган. Қолганлар эса уйла-рига кетишган. Бир нечта куёвнинг яқинлари совчилар билан бирга ичимлик ва овқатлардан олишиб келин та-рафга кетишган ва қариндошлиликни мустаҳкамлаш учун зиёфатлар уюштиришган.

Тўйнинг шавқи эртасига яна давом этган. Икки ёшли байтал сўйилиб меҳмонларга тортиқ қилинган. Бу маросим «байтал баш» деб номланган. Сабаби зиё-фат охирида барчага байталнинг калла почаси тортиқ қилинган. Бу зиёфатда улар ҳаддан зиёд кўп ароқ ичишган. Аёллар ҳам эркаклар тенги хурсандчиликка шерик бўлишган. Шундан сўнг узоқ-яқиндан келган меҳмонлар тарқалишиб тўй тутатилган.

Тўйдан кейин янги рўзгорда бажариладиган ма-росимлар бошланган. Келин янги уйида эркак киши-лардан ўзини тортиб юрган. Эркаклар ҳам келиндан ўзларини узокроқ тутишган. Келин эр уйида ҳеч ким-ни исми билан атамаган. Ҳаммага «сиз» деб мурожаат қилган. Ҳатто оиланинг энг кичик аъзоларини ҳам сен-ламаган. Оиланинг ўзидан катта аъзоларига учинчи шахсга мурожаат қилгандай гапирган. Яъни «у киши», «оталари» ёки «акалари» деб мурожаат қилган. Эрини шу кундан отаси – «адазы» деб чақирган. Эри ҳам ўз навбатида унги онаси – «энези» деб мурожаат қилган. Эрининг қариндошларини «қайнота», «қайнэна»,

«қайноға», «қайни» деб атаган. Олтойликлар оиласида аёллар әркаклар билан бирга ўтириши мүмкин эмас. Шунингдек, әркаклар күзига оёқ, қўл ва юзи очик холда кўриниши, бош рўмолсиз юриши мүмкин эмас. Эркак киши кириб келса, ўрнидан туриши, сўзлаганда, тескари қараб туриши керак. Бу олтойлик аёллар учун оддий ахлоқий меъёр ҳисобланади.

Келин фақат фарзандли бўлсагина оиланинг ҳақиқий аъзосига айланиши мүмкин. Фарзанд туғилганда эса қайнота ва қайнона келинни фарзанди билан қизлик уйи — отасиникига олиб боришган. Бу ерга улар таомилга кўра қўй сўйиб келишган. Қўй гўшти келин учун ҳақ ҳисобланган. Шунингдек, улар келиннинг онасида сут ҳаққи учун соғин сигир ҳам тортиқ қилишган. Одатга кўра бу сигирнинг биринчи бузоғи янги чақалоққа қайтарилган ёки уни тоғалари яхшилаб бокиб тўйларида «соғум»га келтиришган. Олтойда тўёналар уч хилда «соғум», «соун» ва «совға» бўлиб, ҳар бири алоҳида мазмунга эга бўлган. Бундат тўйга келтирилган жонлиқлар(туя, от, қўй, эчки) “соғум” деб, пул ёки бошқа қиммат баҳо буюмлар “совун” аталган. “Совға” эса “соғум” ва “совун”дан ташқари келин ва куёвга атаб келтирилган буюм, анжом ва кийим кечаклар ҳисобланган.

Келиннинг отасига эса қудалар эгар-жабдуғи билан от келтиришган. От – қизни вояга етказиб бергани учун отанинг ҳаққи бўлган. Совғалар, албатта, оиланинг ҳар бир аъзосига берилган. Айниқса, келиннинг тоғасига алоҳида хурмат кўрсатилган. Келин томон ҳам ўз ўрнида қудаларга, куёвга ва неварасига атаб совғалар қилишган. Куёвга тўн кийгизиб, белига белбоғ бойлашган. Невараға тойчоқ, қудаларга мол беришган. Шунда кейингина янги оила тан олинган. Келиннинг янги хонадондаги ўрни белгиланиб, ота уйига мустақил келишига рухсат берилган.

Бундай жараёнлардан ўтган ёшларда албатта, ажрапишлилар кам бўлган. Чунки ота-оналар уларни деярли моддий таъминлаб қўйишган. Қадимдан келган урфодатларга кўра, ҳеч кимнинг ўз оиласидан нолишига йўл қўйилмаган.

ОЛТОЙЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАРИ

Тоғли Олтой халқларининг диний қарашлари ва эътиқодини ўрганиш ҳам шунчалар мураккабки, уни маълум бир қолиплар ёки тамойилларга асосланиб ўрганиш бутунлай мумкин эмас. Бу ерда жаҳон динлари, миллий динлар, қадимги диний эътиқодлар элементлари, шомонийлик, тотемизм, анимизм ёки пантеизмдан тортиб, ҳозирги пайдо бўлаётган диний ҳаракатлар ва конфессионал ўзгаришларгача аниқ бўй кўрсатиб туради. Чунки бу ерларда қадим даврлардан ҳеч қайси эътиқод таъқиқланмаган. Шу сабабли бўлса керак, бугунги кунгача олтой ерлари барча динлар учун ўзига хос конденсатор вазифасини ўтаб келган.

Олтойда топилган археологик ёдгорликлар шуни кўрсатадики, бу ердаги диний эътиқодларниң тарихи милоддан аввалги III—I асрларга бориб тақалар экан. Олтойдаги Пазириқ қўрғонлари (Туяқта, Бoshотар, Пазириқ) комплексини ўрганиш натижасида Скифлар даврида (милоддан аввалги VIII—II аср) бу ерларда бир нечта динлар мавжуд бўлгани ва кейинчалик уларниң қоришиб кетгани аниқланган. Археологик тасвирларда ҳинд-европа халқларининг мифологик образларидан тортиб, тибет буддавийлик дини элементларигача учратиш мумкин. Унда шомонийлик, зардуштийлик, буддавийликга оид ёдгорликлар жуда кўп учрайди. Тадқиқотларга кўра, ўша даврларда ёқ Олтойда одамлар туморлардан фойдаланишган, қўёшга, оловга топинишган. Шомонлар эса экстаз ҳолатига, яъни жазавага тушиш техникисини билишган.

Пазириқ қўрғонларида топилган қабрларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қадимда олтойликлар ўлимдан кейин инсонлар нариги дунёда яна ҳаётни давом эттиришига ишонишган ва одамлар-

ни қабрига унинг қундалик асбоблари, анжомлари ва уловлари билан бирга кўмишган. Бойлар ва аслзодалар эса хизматкорлари, қуроллари, қимматбаҳо буюмлари ҳамда от-аравалари билан биргаликда кўмилган. Бу одатлар қадимий тангричилик динидаги ер ости маъбути «Ерлик» ва нариги дунёга бўлган эътиқод туфайли шаклланган бўлиб одатлар таркибида қабрга Ерликка атаб совғалар ҳам солинган.



Олтойдаги Пазириқ қўрғонлари.

Тангричилик

Олтойлар ислом динини қабул қилмаган саноқли туркий халқлардан биридир. Шу сабабли уларнинг эътиқодида монотеистик элементларни топиш қийин. Зеро, дуч келган унсурни, тотем ёки миллий қаҳрамонни илоҳийлаштираверадиган полетеистик дин вакилларига буни уқдириш ҳам мумкин эмас. Шундай бўлса-да, дастлаб монотеистик дин сифатида шаклланган ва ҳанузгача таъсирини йўқотмасдан

келаётган қадимий эътиқодлардан бири – тангричиллик дини олтойлар эътиқодининг асосини ташкил қиласди.

Маълумки, тангричиллик қадимги туркий ва олтой халқлари дини ҳисобланади. Бу динга қадимги Шумер давлатида (мил.ав. учинчи минг йиллик) ҳам эътиқод қилинганилиги манбаларда ёзib қолдирилган. Тил ва этник жараёнлар тараққиётининг ностратик борей⁶ концепциясига асосланган тадқиқотчилар фикрича, 5-6 минг йиллар муқаддам қадимги Шумердан Олтойгача бўлган улкан худуддаprotoолтой қабилалари яшаган. Шумерлар қадимги турк тилига яқин бўлган protoолтой тили лаҳжасида сўзлашганлар. Шу даврда тангричиллик protoолтой халқларининг энг қадимий дини, инсоният тарихидаги илк монотеистик динлардан бири сифатида шаклланган.

Милоддан аввалги иккинчи минг йиллида Месопотамияга қадимги Сомий, ҳозирги Эрон, Афғонистон ва Турон текислиги худудларига орий қабилалари кириб келиши натижасида protoолтойларнинг катта қисми Олтой, Саён тоғлари, ҳозирги Шимолий Хитой, Монголия ва Сибир томонга кетишга мажбур бўлишган ва бу ерда олтой халқлари сифатида шаклланган (*маълумот Ўзбекистон миллий энциклопедиясидан олинди*).


“Тангри” атамаси кўпгина Осиё халқларининг энг қадимги мифологик фондига киради. Тангри қадимги шумер тилида тенгри, тенгир, денгри, денгир; олтойчада тангнгир, тенгери; озарбайжонча денгри, денгир; хакасча тигир, тер; тувача дээр; чувашча тура; якутча тангара; монголча тэнгэр; бурята тэнгэри, тэнгри; қалмиқча тэнгэр; японча тэнри шаклида талаффуз қилинади. Бу сўз қадимий хунну тилида ҳам

⁶ Қадимги юнон афсоналарида тавсирланган Астрайнинг ўғли Борей (юн. Бореас – шимол) номидан олинган бўлиб, инсониятнинг шимолдан тарқалганилиги тўгрисида таълимот.


мавжуд бўлган (мил. ав. 3-аср ва ундан ҳам аввалроқ). Тадқиқотчилар Тангрини кенгроқ талқинда шумерча — тенгир — «коинот», «денгиз» билан боғлайдилар. Тангри ҳақидаги тасаввур осмон руҳи эгаси ҳақидаги анимистик диний эътиқодлар асосида шаклланган бўлиб, унда осмон ҳам бевосита ўзининг кўринишида, ҳам Тангри яшайдиган фазо сифатида тасаввур этилган (*маълумот Ўзбекистон миллий энциклопедиясидан олинди*).

Бугунги кунда туркий халқларнинг онгига Тангрига бўлган эътиқод турлича шаклланган. Исломни қабул қилган кўпгина халқларда Тангри ва Аллоҳ номи ўйғунлашиб кетган бўлса, айримларида исломдан олдинги жоҳилият дини сифатида тушунилади. Олтойларда эса бугун Тангрига эътиқод полетеистик характеристерга эга бўлиб, бир нечта худолар, илоҳлар ва илоҳий кучлар устидан ҳукмронлик қилувчи куч сифатида шаклланган. Баъзи манбаларда («Етти оғайни» эртаги) эса Тангри осмон Хони сифатида — Тангрихон номи билан келади. Олтойлар дунёқарашида Тангри образининг аниқ характеристикасини топиш қийин. Улар Тангри сўзини ўз тилларида «тангнгир» шаклида ташдидланган «нг» билан талаффуз қилишади.

Олтойлар ҳозирги кунда тангричилик тимсоли сифатидан тепа қисмида ромб тасвиrlangan xочдан фойдаланишмоқда. Бунда ромб бутун дунёни кўриб турувчи Тангри тимсоли бўлса, горизонтал чизиқлар осмон чегаралари хисобланади. Бу тимсол олтойлар насронийликни қабул қилгандан кейин насронийлик тимсоли ва тангричиликни ўйғунлаштириш мақсадида қўлланилган бўлиши мумкин.



Бироқ қадимдан Тангрига эътиқодда учта дунё тасвирланиб келган. Унга кўра, осмон, ер ости ва ер усти дунёлари алоҳида чегаралар билан фарқланган.



Қуёш, ой ва юлдузлар осмон салтанати, одамлар ва ҳайвонлар, қушлар ер салтанати, ўликлар эса ер ости салтанати вакиллари ҳисобланишган. Осмонда «Улкан» номли, ер остида эса «Ерлик» номли илоҳ борлигига ишонишган. Ёмғир сўраб Улканга, ўт-ўлан ундиришини сўраб Ерликка мурожаат қилишган. Олтойлар эътиқодида шу сабабли илоҳлардан қўрқиши хисси кучли бўлиб, агар Улканга ва Ерликка эътиқод сусайса, турли тўфонлар ва табиат ҳодисалари бўлишига ишонишган. Момақалдироқ ва яшинни Улканинг, ер ёрилиши, зилзилалар, кўчкиларни Ерликнинг қаҳри келганидан деб билишган.

Тангри ва одамлар ўртасида боғлиқликни шомонлар таъминлаган. Шу сабабли шомонлар Тангри тасвири туширилган даф – доиралардан фойдаланишган.



Шомонлар доираси (олд ва орқа томон)

Олтойларнинг диний қараашлари ва эътиқодининг мурракаблиги ва чигаллиги шундаки, улар қадимдан ҳеч бир дин ёки гояни инкор қилмаганлар. Балки ҳар бир гоя, ҳатто, ўзлари тўқиб чиқарган афсона бўлса ҳам унга ишониб, эътиқод қиласаверишган. Шу сабабли уларнинг дунёқарашида ҳамма нарсага қодир ягона Худо тушунчаликни ўрнига кўпхудолик эътиқоди шаклланиб борган.

Олтойлар тасаввурида дунё уч қисм: осмон, ер усти ва ер ости салтанатларидан иборатдир. Дунёга хукмронлик қилувчи худоларнинг эса оиласи, ҳатто фарзандлари ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, Худо Улканнинг тўққиз қизи бор. Унинг жойи осмонда нақшинкор тилло кошона бўлиб, шу қизлари билан бирга яшайди. Қизлари керакли пайтда ерга тушиб одамларга ёрдам беради. Худо Ерлик эса Улканнинг укаси бўлиб, иккаласи тортишиб қолгач, Улкан уни ер остига бадарға қилган.

Ерлик ер ости салтанатининг хукмдори бўлиб, алвасти, жин ва ёвуз руҳлар унга хизмат қиласди. Улар ер юзига тунлари чиқиб ўз ишларини бажарадилар. Ерликнинг ҳам ўғил-қизлари бор. Улар булоқлар ва ариқ бўйларида, ғолларда, овлоқ жойларда юришади.



Шомонларга биринчи доира(даф)ни Ерлик тортиқ қилган ва шомоний амалларни ўргатган. Шомонлар худолар ва одамлар ўртасида воситачидирлар. Улар Ерлик билан боғланиш учун ўтовларни танлашган, капа ичида даф уриб руҳларни чақирган ва одамларнинг ҳожатини чиқарган. Улкан билан эса осмон очиқ жойларда, асосан, қайназор ўрмонларда алоқа боғлашган.

Улар осмонга қараб даф уриб, қўнғироқларини шақиллатиб, Улканга тобе руҳларни чақирган ва унинг талаби билан курбонлиқлар қилган. Баъзи олтойларнинг таъкидлашича, шомонларнинг Келегай деган ёрдамчиси ҳам бўларкан. Келагай чапақай ва дудуқ бўлиб,

олтинчи осмондан ерга, одамларнинг тақдирини билб тушар экан ҳамда шомонга етказар экан. Шомон ҳам ўз навбатида одамлар илтимосини худоларга Келагай орқали етказар экан.

Олтойликлар турмуш тарзи ва маросимларини шомонларсиз тасаввур қилиш қийин. Улар шомонларнинг осмондаги Улкан билан ва ер остига тушиб Ерлик билан сўзлаша олишига, касал кишиларнинг ўлимини кечикитиришга изн олишга, овулдан ёки ўтовдан ёмон руҳларни қувиб юборишига ишонишган. Шомонларнинг башоратларига, тирик жонзот ёки бирор-бир нарсага айланна олишларига, ҳаттоки, учишларига ҳам ишонишган. Шомонлар тўғрисида ёмон гапириш, вафот этганларининг қабрларига тегиниб қўйиш ва бошқа ҳолатларда уларни безовта қилиш баҳтсизлик келтиради, дейилган.

Шомонийлик

Маълумки, диншунослик нуқтаи назаридан шомонийлик алоҳида дин ҳисобланади. Бироқ Олтойда шомонийлик тангричилик динининг таркибий қисми сифатида кўринади. Пазириқ қўргонларидан топилган топилмаларга таяниб, тарихчиларнинг таъкидлашича, шомонийликнинг Олтойда пайдо бўлиши неолит даврига бориб тақалар экан. Бу эътиқод аслида **анимизм, тотемизм ва бут-санамларга сифинишлик** каби эътиқодларнинг таъсирида шаклланган бўлиб, ҳеч қайси замонларда одамлар шомонларнинг ўзлари илохий саналмаган ва ҳеч ким уларга сифинишмаган. Шомонлар бунда фақат илохий дунё ва илохий кучлар билан одамлар ўртасида воситачи ҳисобланишган. Маълумки, шомонийлик ҳар доим ҳам **пантеонал**, яъни Худо ва табиатни бир деб қарайдиган кишилар орасида кўпроқ тарқалган. Шомонлар бу жараёнларда табиат ходисаларини башорат қилувчи, табиб, руҳлар билан одамлар орасида воситачи, анъанавий маросимлар ташкилотчиси каби вазифаларни ўтаб келишган.



Шомоннинг Ҳудо Улкан билан мулоқоти ва маросим анжомлари

Маълумки, шомонлар нафақат олтойлар, балки бутун шимол ҳалқлари ҳаётида муҳим ўрин тутади. Шомонлик моҳиятига кўра, диний унвон ва касб бўлиб, ҳозирги кунгача кўпчилик аҳоли учун аҳамиятли бўлиб қолмоқда. Бироқ шундай бўлса-да, олтойлар ҳаётида шомонлар ҳеч маҳал мутлақ кучга эга бўлмаганлар ва уларнинг мавқелари маълум даражада чегарага эга бўлган.

Шомонлар тангричиллик динининг руҳонийлари хисобланган. Шомонлардан одамлар ўзлари билолмаган нарсаларни билишга интилишган. Ҳаттоки, улар шомонларни об-ҳаво, зилзила ва бошқа оғатларни ба-шорат қила олишади, фарзандсизларга Улкан(осмон худоси)дан сўраб, фарзанд олиб беришга ҳам курби етади, деган фикрда бўлишган. Аммо олтойликлар шомонларга илоҳий ёки ғайриоддий инсонлардек қарашмаган, уларнинг ўзларидек одам эканликларига, фақат уларда жинларни кўра олиш ва мулоқот қилиш қобилияти борлигига ишонишган. Баъзида шомонларнинг башоратлари тўғри келмай қолса ёки “ўлмайди” деган касали ўлиб қолса, шомонларни калтаклаш ҳолатлари ҳам кузатилган. Шу билан бирга, шомонларнинг ўзига хос шаклланган ҳимояси ва дахлсизлиги ҳам бўлган. Олтойликлар шомонни урган қўл куриб қолишига, шомонни оғринтирган, албатта, бирон балога йўлиқишига, шомоннинг руҳлар билан гаплашиш

сеансларини билишга ҳаракат қилганларнинг ақлдан озишига қаттиқ ишонишган.

Шомонларнинг оиласи, фарзандлари ҳам эътиборда бўлган, оддий одам уларнинг қизларига уйлана олмаган. Аммо шомонларнинг ўғиллари хоҳласалар оддий одамларнинг қизларига уйланганлар. Шомонлар қабилалардаги одамларнинг руҳий ҳолатини яхши билишган, шу сабабли руҳий касалларни даволаш ҳам уларнинг зиммасида бўлган. Улар одамларни ўлгандан кейин руҳлари нариги дунёга кузатиб қўйилиши, акс ҳолда руҳлар жинлар ва жодугарларнинг қўлига тушиб қолиши мумкинлигига ишонтиришган, шу сабабли ўлаётган одамларнинг бошларида маълум ҳақ эвазига туриб беришган. Ҳатто айрим ҳолатларда танани ташлаб кетаётган руҳларни танага қайтариб солишларига ҳам ишонишган.

Шомонлик фаолияти билан эркаклар ҳам, аёллар ҳам бирдай шуғулланишган. Бироқ эркак шомонларнинг мавқеи баландроқ саналган. Аёллар қизлик даврида ва болалари ёш бўлган пайтлар шомонлик билан шуғулланмаган. Фақат фарзандлари улғайиб, вояга этиши арафасида фаолиятларини бошлашган.



Эркак ва аёл шомон

Шомонлик ҳам аслида қобилият саналиб, насл сурган ва аждодларида шундай қобилият бўлган кишиларга берилган. Кимга Тангридан шомонлик белгиси келса, у

ғайриоддий касалга чалинган. Бир қанча вақт тентакка ўшаб ғайриоддий қиликлар қилиш, узоқ вақт күчаларда тентираб юриш, кимлар биландир хуфя мuloқot қилиш ва жазавага тушиш каби ҳолатлар шомонлик «белги»си ҳисобланган. Агар қайсиидир аёлда шундай ҳолат бўлса, оила аъзолари томонидан тажрибалироқ шомонларга олиб борилган ва уни йўлга солиш ҳаракати қилинган. Бу амал олтой тилида «баштандырар» (яъни йўлга солиш, бошлатиш) деб номланган. Айrim ҳолатларда эса қиз болаларда ҳам шундай ҳолатлар кузатилган ва бундай ҳолатда қизлар тезда тажрибали шомонлар томонидан йўлга солиниб, уларга фақат ёш болалар билан шуғулланишга рухсат берилган, катталар билан сеанс ўтказишига йўл қўйилмаган.

Шомонларнинг ўз қобилиятига одамларни ишонтириш усули **экстаз**, яъни жазавага тушиб, баъзан эса қотиб қолиб, шайтонлагандай ҳар хил қиликлар қилиш техникасини бажара олишида бўлган. Улар қотиб қолган пайтимиизда рухимиз бизни ташлаб кетади, Осмон ва Ер орасини кезиб хабарлар тўплаб келади, қайтгач эса танага киаркан, жазава қўзғатади, деб ишонтиришган. Шомонлар руҳларни чақириш учун ноғора, даф, чанқовуз ва бошқа чолғу асбобларидан, инсон танасидаги руҳлар билан сўзлашиш ёки ёвуз руҳларни танадан қувиб чиқариш учун от ёлидан тўқилган қамчи ёки турли хил қичитқи ўтлардан фойдаланишган. Айrim ҳолатларда шомонлар ўз танала-рини ташлаб бошқа ҳайвон ёки одам танасига ўтиши мумкинлигига ҳам одамларни ишонтиришган.

Шомонлар, кўпинча, одамларга касал қариндошлари жонини сақлаш учун маълум жой эгалари бўлган ёки касал одамга соглигига бирор зиён берган руҳга атаб қурбонлиқ қилса, тузалишини билдирган. Бу ҳолатда касалнинг оғир-енгиллигига қараб, товуқдан тортиб, то йилқигача қурбонлик қилинган. Қурбонликлар касалнинг уйида одамларга тарқатилган ёки қурбонликка аталган жониворни шомон ўзи билан олиб кетган.

Шомонийликнинг асосий қирраларини тушуниш учун, авваламбор, олтойлар тушунчасида «руҳ»нинг ва уларниг анимистик қарашларини ўрганиб чиқиш зарур.

Руҳ – олтойликлар қарашларида танасиз, лекин та-нада яшаш қобилиятига эга бўлган илоҳий, аммо мод-дий бўлмаган тирик мавжудотдир. Инсон фақат руҳ билангина тирик бўлади. Руҳ абадий ва ўлмайди. Руҳ – олтойлар тилида «қут» деб аталган ва энг улуғ «қут» бу – осмон Худоси Улканнинг неъмати ҳисобланган. Олтой тилида қут икки хил маънога эга, биринчиси – «Бала» – Эмбрион ва иккинчиси – одамнинг эгизи ёки илоҳий яралган қисми, деб тушунилган.

Олтойлар тушунчасида Улкан осмоннинг тўртинчи ёки тўққизинчи қабатларида яшайди. Аввал қут мате-рияning бағрига қизил чумолидай жойлашиб олади ва унга ҳаёт бахш этади. Кейин у худди ҳомиладек инсон танасида бирга улғая бошлайди.

Баъзида қут одамни ташлаб кетиши мумкин, бу ҳолатларда агар шомон ёки бошқа руҳлар уни тана-га қайтадан ҳайдаб кирмаса, у ўлиб қолади. Сабабсиз ўлимлар айнан шундай бўлади.

«Қут» одамни қаттиқ қўрққандада ҳам ташлаб кетиши мумкин. Буни олтойлар юрак ёрилиши (джюрек жари-илу) деб аташган. Юрак ёрилганда ҳатто шомонлар ҳам руҳни орқага қайтара олмаган, аммо қўрққандада юрак ёрилмаса, руҳнинг ўзи танага қайтган. Фақат шомон-лар ўз руҳларини ўзлари бошқариши мумкин бўлиб, шомонлик сеансларида бу ҳолатлар кузатилган.

Инсон танаси ва қут орасида боғлиқлик бузилса, одам телба бўлиб қолиши мумкин ва оқибат бир куни у танани ташлаб кетади. Шомонлар бу руҳларни аввал авраб чақирадилар, агар улар ёмон руҳларга қўшилиб қолган бўлсалар, бирон нарса қурбонлиқ қилиб, олдин сотиб олиш, кейин тутиб танага киритиш керак бўлади. Шомонлар руҳни танага ўнг қулоқдан пуфлаб кирита-дилар.

Кўп ҳолатларда шомонлар касалларни «қоқириқ-суқириқ» қилиш (илмий тилда камланье), яъни касалларнинг овқатларига туфлаш ёки уларнинг тўғридан-тўғри юзларига туфлаш орқали даволашган. Улар бундай ҳаракатлар билан танадан кетмоқчи бўлган руҳларини жойига туширишган ёки танага кириб олган ёвуз руҳларни қувиб чиқаришган.

Олтой халқларида кутдан фарқли «тилда тын» номли руҳ ҳам мавжуд бўлган. «Тилда тын» озроқ бўлса-да моддий кўринишига эгалиги билан кутдан фарқланган. Яъни «тилда тын» нафас ола олган. Овоз чиқарган. Бу руҳ одамлардан ташқари ҳайвонлар, кушлар, ўт-ўланлар ва дов-дараҳтларда ҳам бўлган.

Одамлар ўлганда жон чиқишини олтойлар «тин чықты» ёки «тынчиды» деган иборани қўллаши «тилда тын» билан боғлиқ бўлган.

Одамлар умрларида ёмон амал қилсалар, албатта, у дунёда қийноқларга дучор бўлади, аммо ҳайвонлар ва кушларнинг «тын»ида жавобгарлик бўлмайди, чунки «тын» уларга фақат яшашлари учун физиологик жараён сифатида берилган.

Ўсимликлар дунёсида эса тин фақат уларнинг ўсиши ва кўпайиши учун хизмат қиласди. Олтойликлар ўсимликлар ўлмаслиги ва улар абадийлигига ишонишган. Улар ўсимлик дунёсининг ўлмаслигини уларнинг томирлари ердалиги билан изоҳлашган. Одамлар, ҳайвонлар ва қушлар эса ер устида яшашади ва яшаш учун ўзлари курашадилар, ер уларни боқмайди аммо ўсимликларни ер ўзи боқади, шунинг учун улар абадий яшайди, ер ости ҳукмрони Ерлик уларга тегмайди, деб ишонишган.

Булардан ташқари олтойларда инсон ва ҳайвонларнинг образи, қиёфаси маъносида тушунилган «сури» тушунчаси ҳам бўлган. Сури одамга фақат Улканнинг хоҳишига кўра берилган. У олтойларда кўпроқ «турқ» маъносида тушунилган ва агар сури бўлмаса, одамнинг ранги аста синиқиб боради ва охири ўлади

деб тушунилган. Одам ўлгандан кейин сури Улкан олдига кетади ва, агар у хоҳласа, шу сурини бошқа одамга бериши ҳам мумкин.

Олтойликларнинг рух тўғрисида қарашларда яна «суне» деб аталган тушунча ҳам бор. Суне одам ўлганда танани ташлаб кетади ва дафн этилгунча шу уйда юради дейилган.

Тана кўмилгандан кейин суне ўз ҳолатини ўзгартиради ва «узум» деб номланади. Узут, агар зерикса, бирон-бир қариндошини ҳам ўзи билан олиб кетиши мумкин. У тирик одамлар ичига ҳам кириши ва касаллик қўзғатиши ҳам мумкин. Узут ўз та-насига қайтмайдиган бўлгандан кейин ҳам маълум вақтларда ўз оиласига қайтиши мумкин ва шу сабабли одамлар маълум кунларда уларнинг руҳларига атаб қурбонлиқлар қилиб, ис чиқаришган.

Шундай қилиб, олтойликлар эътиқоди қарама-қаршиликларга бой чигал характерга эга. Табиат ва жонзотларнинг руҳлари борлигига ишониш факат шимол халқларигагина хосдир. Уларнинг бу қарашлари ҳали-ҳамон йўқолиб кетмаган. Ҳаттоқи, бу қарашлар исломни қабул қилган татар, бошқирд, қозоқ, қирғиз ва ўзбеклар эътиқодида ҳам сақланиб қолган.

Ибодат шакллари

Олтойликлар назарида Тангри – осмонда туриб ҳаммани кўриб турувчи, ризқ берувчи, дуоларни қабул қилувчи мавжудот сифатида тушунилади. Тангричилик динида мақсадли қурилган ибодатхоналар, аниқ ибодат вақти ва намоз тушунчаси йўқ. Шу сабабли улар бирор ҳожатларини сўрашни хоҳласа, дарров осмонга қараб қўлларини ёйган ҳолда Тангрига мурожаат қилишади. Бу ўзига хос ибодат шакли бўлиб, олтойлар бунинг учун энг хилват жойларга, тепаликларга кетиб, Тангрига ёлғиз мурожаат қилишган. Агар ибодатда Тангридан муҳимроқ нарсалар сўралса, бир неча кун-

лар ёлғиз қолиб ибодат қилинганды. Одамлар Тангрини осмонда деб билғанларды туфайли ибодат учун имкон қадар баландроқ жойларни ёки кенг майдонларни танлаган.



Шунингдек, тангричилік диніда аскетизм, яньи зохидлик элементтері ҳам кенг ўрин тутады. Одамлар каттароқ ҳожаттарини бажариш учун ойлаб, баъзан эса йиллаб чиллада ўтиришган. Жумладан, Чингизхон ҳам жанглардан олдин ойлаб ибодатда бўлишини кўплаб тарихчилар қайд этган. Бугун олтойшунослар тангричилік аскетизмини буддизм ва ламаизм таъсирда шаклланган деб билишади. Чунки зохидликнинг генеологик илдизлари айнан буддизм ва индуизм эътиқодлари билан боғлиқлиги буғун барчага маълумдир.

Олтойларда ибодат шаклларидан яна биттаси бу, шубҳасиз, ялов-жалов (мұғ: *Jalama*) кўтариш одатидир. Эътиқод қилувчилар яловни орзу-умидлари ушалишини ният қилиб ёки шу ернинг эгаси – рухига ҳурмат юзасидан илишади. Ялов одатга кўра, тоғлар тепасида, дарё соҳиллари, булоқлар ва кўчалар бўйида ўсган дараҳтларга илинади. Уларнинг эътиқодича, бу ерда кезиб юрган руҳлар ниятларни Тангрига етказади.



Ҳозирги кунда ҳам Олтой тоғларининг кўзга кўринган ерларида якка ва оммавий тарзда ялов кўтариш одати сақланиб қолган. Бу одат шунчалик оммавий тус олганки, оқибатда бугун Олтойда йўллар, чўллар, дарё ва кўллар соҳиллари, булоқлар бошидаги ҳамда қабристонлар ёнида ўсган дараҳтларни турили рангдаги латта-путталарсиз тасаввур қилиш қийин.



Шунингдек, ялов отабоболар ва таникли шахсларнинг қабрларига ҳам кўтарилади. Ялов кўтаришда тахминан 40X5см ўлчамдаги мато кесиб олинади ва унинг чет қисми олиб ташланади. Матолар рангига қараб алоҳида мазмун касб этади. Оқ мато шу ер эгаси руҳига, кўк

мато осмонга, яшил мато табиатга, сариқ мато қуёшга атаб тақилади.

Қора мато эса ёмон ният қилинганда ёвуз кучларга атаб, ёмон ният билан тақилади ва бу ишни одамлар кўрмайдиган овлоқ жойларда бажаришади.

Олтойликларда жамовий ибодатлар ҳам кенг ёйилган бўлиб, бу ибодат шартлари ва қоидаларининг ке-

йинги авлодга сингдирилишида кенг аҳамият касб этган. Жамоавий ибодатларда улар айлана бўлиб бир-бирлари билан қўллари орқали боғаланишади ва Тангридан тилак тилашади. Бу олтойликларнинг Тангрини осмонда яшайди ва доим бизни кўриб туради, деган эътиқоди билан боғлиқ бўлиб, айлана бўлиб ибодат қилиш Тангрига яхшироқ кўриниш, унинг эътиборини тортиш мақсадида бажарилган.



Олтойликлар эътиқодича, дунёни кўплаб яхши ва ёмон руҳлар бошқаради. Уларни эса Тангридан бошқа яна иккита худо – осмонда яшовчи марҳаматли худо Улкан ва ер остидаги ёмон худо Ерлик бошқариб туради. Бу олтойларда полетеизмнинг яна бир кўриниши бўлиб, олтойликлар диний маросимларда уларнинг ҳар иккисига қурбонлиқлар қилишган. Сабаби Улкан осмонда бўлиб, агар унга қурбонлиқ қилинмаса, ёмғир ёғдирмайди, Ерлик эса ер остида бўлиб, унга-ям қурбонлиқ қилинмаса, қанча ёмғир ёғсаям ўт ун-дирмайди, деган қўрқув билан эътиқод қилишган. Аксар ҳолларда қурбонлиқлар овлоқ жойларда, дарё соҳилларида ўтказилган. Қурбонлиқдан сўнг шомонлар даф уриб руҳларни чақирган, ўчоққа қошиқда қурбонлиқ ёғидан сепиб “ис” чиқаришган.



Шомоннинг оловга сигиниши

Бундай маросимларнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шомонларнинг оловга сажда қилиши билан боғлиқdir. Оловга сигиниш қадимдан мавжуд бўлиб, ҳозирги кунларгача кўплаб халқларда бу эътиқоднинг элементлари учраб туради. Бироқ оловга вужудга сажда қилгандек сажда қилиш ёки унинг атрофида айланиб жазавали рақсга тушиш айрим халқлардагина сақланиб қолган. Жумладан, олтойлар ҳам ҳанузгача бу одатларини тарк этишмаган.

Олтойлар оловнинг рухини ёғ ва гўшт билан озиқлантиришган. Оловга аввал қошиқда ёғ сепишган, сўнгра эса нимталанган гўшт бўлакларини оловга отишган. Шундан кейингина қурбонлик гўшларидан зиёфат қилиб ўzlари истеъмол қилишган. Олов пасайгач, дардга чалингандар шомоннинг кўрсатмаси билан оловдан сакраб ўтишган. Бу одат олов билан поклаш одати бўлиб, олов устидан ўтиш соғлом кишиларга ҳам тавсия этилган.

Зиёфат ва маросимлар тугагач, ҳамма тартиб билан қурбонлик жойини тарк этган. Олов ўз ҳолида қолдирилиб, қурбонлиқдан қолган гўшт ва овқатлар маҳсус ходаларга боғлаб, жойлардаги руҳлар учун қолдириб кетилган.

Анъанавий эътиқод шакллари ва ҳомий илоҳалар

Полетеистик эътиқоддаги бошқа халқлар каби олтойларда ҳам худолардан ташқари илоҳийлаштирилган ва муқаддаслаштирилган жойлар, шахслар ва нарсалар номлари мухим ўрин тутади. Тоғ, олов, осмон, қайин дарахти, яшин, бўри, қари эчкининг шохи ҳам улар учун илоҳий ҳисобланади.

Бундан ташқари олтойликларда қадимдан жойларнинг ўз руҳлари, жинлари(албаста) ва эгалари бўлишига ишонч шаклланган. Шулардан табиат эгаси(ээзи), уй эгаси ёки сув эгаси бўлишига ишонишган.

Улар эътиқодида мухим ўрин тутадиган илоҳларнинг энг асосийси бу – «Олтой ээзи» – «Олтой эгаси» бўлиб, у бутун олтойликларнинг, шунингдек, овчиларнинг ва адашганларнинг ҳомийси ҳисобланган. Улар Олтой эгасини исталган пайтда ҳозиру нозир шахс сифатида тасаввур қилишади. Айрим олтойшунослар, жумладан, олтойлик олима Татьяна Шмидт фикрича, Олтой эгаси оппоқ от минган, бошдан-оёқ оқ кийинган, оқ соқолли чол бўлиб, Ойротхон образи билан уйғунлашган бўлиши мумкин экан.

Шунингдек, Олтойда ҳар бир тоғ, ўрмон ёки даранинг ҳам алоҳида эгалари бўлиб, адашганлар улардан ёрдам сўрашган. Овчилар тоғларда «Тағ ээзи» деб аталган руҳдан, ўрмонларда «Уурман ээзи»дан мадад сўрашган ва агар уларга руҳлар ёрдам беришса, овлари бароридан келишига қаттиқ ишонишган.

Олтой тизмасидаги ҳамма тоғларнинг ўз номи бор. Ҳар бир тоғ қайсиdir уруғ ва қабила учун муқаддас саналади. Бу ерга келганлар шу сабабдан албатта, жой эгасига ис чиқаришади. Ўйларда эса «Уй ээзи» ва ўлган аждодлари руҳлари учун қозон тагида овқат қолдириш одатий ҳол ҳисобланади. Кўпинча, улар учун маҳсус таом – сут қўшиб қорилган хамирдан чалпак (*теертек*) пишириш одат ту-

сига кирган. Олтойликлар то руҳлар улардан рози бўлишганига ишонч ҳосил қилгунча тинч ётишмайди. Ишонч ҳосил қилишгач эса қўлларига шомонлардан олган туморларини олиб, худоларга берган ризқи учун шукrona айтиб ётишади.

Олтойлар эътиқод қиладиган илоҳалар худолар каби ҳар нарсага қодир ҳисобланмайди. Бироқ улар маълум бир ижтимоий грух, соҳа, касбга ёки воқеъликка нисбатан илоҳий кучга эгалиги тан олиниди. Булардан энг кўпи уларнинг майший ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, унда овчилик, дехқончилик, чорвачилик, ўт-ўчиқ ва бошқа фаолият турларига алоҳида ҳомий-илоҳлар мавжуддир.

Умай Она («Умай Эна») илоҳалар орасида энг эътиборлиларидан бири бўлиб, у ўтов, оила, ҳомилали



Эмегендер

оналар ва ёш гўдаклар илоҳаси ҳисобланган. Ойрот-олтойларда фарзанд туғилиши билан боғлиқ таомил ва маросимлар доим Умай она ҳомийлигига ўтказилган. Шимолий олтойларда туғаётган онанинг каттароқ қариндоши унинг ёнида туриб, Умай Онадан она

ва болани ёвуз руҳлар таъсиридан омон сақлашини тилаб турган. Унинг қўлида латта-путтадан ясалган қўғирчоқ бўлиб, бу қўғирчоқ Умай Она тимсоли ҳисобланган.

Ойрот телеутларда сақланган афсонага кўра, Той-чихоннинг ўғли Шунухон туғилаётган чоғда унинг онаси болалигида ўйнаган қўғирчоғини келтиришини сўраган экан. Қўғирчоқни келтиришганда эса қарашса қўғирчоқ тирик экан. Қўғирчоқ унинг бошида туриб туфишига ёрдам берибди. Шундай қилиб, у осонгина Шунухонни дунёга келтирибди.

Бу құғирчоқ «эмегендер» деб аталади. Эмегендерни доим келиннинг ота уйидан келтиришади. Бола туғилганда олқишли сүзларни келиннинг тутинган онаси — «қин эне» айтиб турган. Тутинган она олтойлар учун энг ҳурматли одамлардан бири бўлиб, келини келтиришганда, унинг олдига пешвоз чиқиб кутиб олган.

Шу сабабли бир неча туркий қабилаларда тутинган она — “олдига (пешвоз) чиқсан эна” деб аталади. Тутинган она бошқа қабиладан келган келиннинг қайнота уйида химоячиси ҳисобланган. Зеро унинг ўзи ҳам бу қабиладан ва уруғдан бўлмаган. Тутинган она ўз ҳомийлигидаги келиннинг фарзандлари тарбиясида ҳам жуда кўп масъулиятларни зиммасига олган. Кези келганда унинг болалари учун совғалар, тортиқлар қилиши керак бўлган. Янги келин тутинган онанинг қизи ҳисобланиб, барча бошқа фарзандлари қаторида уни «она», эрини эса «ота» деб мурожаат қилган. Келин уй юмушларида қийналса, тутинган ака-укалари ёрдамга келишган.

Оловга топиниш ёки ўт-ўчок эгаси («От-Очоктын Баайы»). Оловга топиниш олтойларда уларнинг диний қарашлари билан боғлиқдир. Олов олтойлар учун энг муқаддас хилқат ҳисобланади. Олов илоҳи — «Ўт эгаси» (От-ээзи) деб номланади. Улар оловга тирик мавжудотга муомала қилгандек муомалада бўлишади. Ўт эгаси оиласидаги баҳт ва тотувлик тимсолига айланган.

Ўтовлар ва уйларда олов янги оила қурилган кундан бошлаб умуман ўчмайди. Қизлар келин бўлгунча



ўчоққа яқин қўйилмайди. Келин бўлгач эса ўчоқ бутунлай унга топширилади. Шунда ҳам куёвнинг тоғаси келинни етаклаб келиб, ўчоқ атрофида айлантириб, янги ўчоқ учун тилаклар тилаб, йўт эгасидан рухсат олмагунча, келиннинг юзи ўчоқдан тўсиб турилади. Шундан сўнг куёв ёки унинг кичик укаси келиннинг юзини очиб, «Бетачар» маросими ўtkазилади ва ниҳоят, ўчоқни унга топширишади. Келин ўчоққа қошиқда ёғ сепиб йўт эгасини озиқлантиргач, уни тавоғ қилади ва ўчоқ бекасига айланади.

Қадимдан Олтойда оловни ўтовдан олиб чиқиш тақиқланган. Ёки олиб чиқиш учун ўт эгасидан рухсат сўраб, ис чиқариб, кейин олиб чиқилган. Шомдан кейин олов билан ўйнаш, бошқа жойга кўчириш ёки қўшнига бериш умуман тақиқланган. Ўчоққа бошқа уруғлардан одамлар яқинлаштирилмаган. Ўзга хонадонларга тутатқи берилмаган. Олтойда оловга эътиқод қилишлик функциялари турфа хилда бўлиб, олтойлар оловдан покланиш учун ҳам фойдаланган. Шу сабабли оловни капгирга олиб уйни айлантиришган ва бу билан гўё уйни ёвуз руҳлардан тозалашган. Чўққа қуритилган қора арча ташлаб уй ичини, бешик, сандиқлар ва кийимларни тутунга тўлдиришган ва руҳларни қувишган. Оловга ўткир тифли асбоблар билан тегиниш, ахлат ташлаш, атрофида сўкиниш ва бирбирларини ҳақоратлашдан тийилишган. Оловнинг кулинни овулдан ташқарига чиқариб кўмишган. Ҳеч ким кул тўкилган жойга шомдан кейин яқин йўламаган. Кул босиб келган одамни уйига киритишмаган. Кул босган одам бехосият саналган.

Темирчилик ҳомийси. Олтойларда Турк хоқонлиги даврларидан темирчилик ҳомийси бўлган маъбудга эътиқод шаклланган. У темир етказиб берувчи, темирчилик сирларини ўргатувчи, ўт-оловни бўйсундирувчи, қурол-яроғ ясашга ўргатувчи сифатида тан олинган. То XX асрга қадар чорвадорлар ва овчилар ҳаётида темирчилик жуда катта аҳамиятга

эга бўлган. Темирчилар ясаган тақа эса тумор вазифасини ўтаган. Ҳозирги кунгача олтойлар уйларининг кириш эшикларини от тасвири туширилган тақасиз тасаввур қилиш қийин.



Темирчи усталарга оддий одамлар ҳам, шомонлар ҳам, бойлар ҳам ва ҳатто, хонлар ҳам бирдай хурмат билдиришган. Олтойлар ичиди негадир фақат темирчилар шомонлардан қўрқмаган. Шомонлар эса темирчилардан чўчиб туришган. Темирчилар шу билан бирга, шомонлардан фарқли ўлароқ, жамият ривожи учун хизмат қилган. Тинчлик даврида турмуш учун керакли хўжалик жиҳозларини, уруш даврида эса қурол-яроғ ишлаб чиқариб, юрт учун хизмат қилганлар.

Бошка олтойликлардан фарқли равишда темирчилар доимо ўтрок яшашган. Шуниси қизиқки, урушлар бўлиб, ҳокимиятлар алмашса-да, улар жойларидан кўчишмаган. Олтойнинг темирчилик марказлари бўлган Қарасу, Қайроқтош (Билили) масканларини ўрганиш шуни кўрсатадики, улар юз йиллар бир жойда муқим истиқомат қилишган. Темирчиларни шомонлардан кўра кучлироқ илохий кучга эга деб билишган. Руҳий томондан ҳам улар шомонлардан устун бўлган. Шомонлар кучини йўқотишдан қўрқиб темирчилик устахоналарига яқин ҳам йўламаган. Темирчиларнинг тайёрлаган тиғли асблолари, ўчоғи, олови олтойлар учун ғайриоддий кучлар томонидан бошқариладиган илохий жой, деб эътиқод қилинган. Шу сабабли улар

ёвуз руҳлардан сақланиш учун кўпинча, кечалари бошларига пичоқ ёки шамшир қўйиб ётишган. Касаллар бошига ҳам пичоқ қўйилган. Дастурхон устида пичоқ тургандан турли ёмон гапларни гапиришмаган.

Темирчилик маъбути айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, Тангрихоннинг ўғли Темирмузе бўлиши мумкин. Чунки Темир музенинг таржимаси айнан ўткир тиғли Темир маъносини англатади. Шу сабаб олтойлар Темирчилик маъбудига аatab ис чиқаришган. Янги қурол, арава ёки қозон-товоқ сотиб олса ҳам фойдаланишдан олдин Темирчилик ҳомийсига ис чиқаргандар. Исломлашган туркийларда бу образ Довуд (алайҳиссалом) образи билан уйғунлашган бўлиши мумкин. Чунки айрим туркий халқлар, жумладан, ўзбекларда темир билан боғлиқ фаолият билан шугулланувчилар, техник ходимлар, транспорт эгалари орасида Довуд пайғамбарга ис чиқариш одати сақланиб қолган.

Овчилик маъбути.

Олтойлар учун овчилик маъбути ҳам алоҳида тан олинган илоҳ хисобланади. Улар овга чиқишдан олдин ундан рухсат сўрашган. Бундай эътиқод олтойларнинг тотемистик динда бўлганликлари сабабли шаклланган. Уларнинг тасаввурида ҳайвонлар руҳи ҳам одамларнинг руҳи кабидир. Ҳар бир ҳайвон турини овлашда шу ҳайвон руҳидан рухсат сўраш керак бўлади.



Ҳар бир уруғ бирон-бир парранда ёки ҳайвондан тарқалган. Шу сабабли ҳар бир суюкнинг ўз ҳомийси бўлган. Мисол учун толослар буғуни тотем санашган. Буғуни овлашда жуда эҳтиёт бўлишган. Буғу тўдасининг

бошчисини отишмаган. Албатта, бугу овлашса, унга атаб ис чиқаришган.

Шундай эътиқодларайик, бўри, сувсар, барс ва бошқа ҳайвонларга нисбатан ҳам шаклланган. Ҳайвонларни ҳурматли номлар — «Абаай», «Абага», «Шилизин» каби номлар билан атаб, ов қилишдан олдин уларга атаб турли маросимлар ўтказилган.

Чорвачилик маъбуллари. Ҳамма қатори олтойлик чорвадорлар ҳам ўзларига ҳомий топишган. Чорвадорлар иши аниқ бўлиб, овчиларники каби омад билан боғланмаган, балки чорванинг ривожини меҳнат билан боғлашган. Шундай бўлса-да, чорва учун яйлов ва яхши об-ҳаво сўраб Олтойнинг энг улуг илоҳларидан Олтой эгаси — «Алтай ээзи»га курбонлиқлар қилишган.

Одатга кўра, олтойлар уйларида янги бузоқ туғилганда сигирнинг шу кунлик сутини олиб, унинг оғзига ва бошқа жойларига суркаб чиқадилар. Шу сабабда бу сут — оғиз (овуз) сути деб аталади. Янги туғилган бузоққа атаб олқиши-ўланлар айтадилар. Олқишида бузоққа атаб тилаклар билдирадилар. Олқиши айта-айта бузоқнинг бутун баданига оғиз сутини суркаб чиқадилар. Бу амаллар бузоққа кўз тегмаслиги, руҳлар уни безовта қилмаслиги, каттариб эгасига фойдаси тегиши учун айтадилар. Кейин эса бузоқнинг қулогига сирға тақадилар. Чорвачилик ҳомийсига атаб ис чиқарадилар.

«Бахт тоши» — «Эржине». Ҳар бир олтойлик умри давомида «бахт тоши» — «эржине» топишни умид қилиб яшайди. Айтишларича, бу тош минг кишидан бир кишига насиб этар экан. Бу халқнинг эътиқодича, тош кўчада, яйловда, дараларда ётаркан. Баъзи ҳолларда молларнинг ичидаги бўлиши мумкин экан. «Эржине» тошига эътиқод улар учун жуда катта аҳамиятга эга. Бу тош оппоқ тусда, кичик боланинг кафтича бўлиб, уни топган одамга омад кулиб боқади. Моллари кўпайгандан кўпаяди. Молли қандай кўпаяётганини ўзи ҳам сезмайди. Бу тошни топган одам қурғоқчиликда ёмғир чақириши,

ўлат келса уни қайтариши мумкин. Кўпчилик туркийларда бу тош «ирысқи» деб номланади.

Сув илоҳи. Олтойларнинг сув илоҳалари ҳам бутунлай ўзгача. Улар булоқ, дарё ва кўллардан сув ичиш учун сув эгаси— «Суу ээзи»дан рухсат сўрашади. Сув эгаси барча сувлар учун илоҳ бўлса, яна ҳар бир булоқ ва дарёлар учун ҳам алоҳида париларга эътиқод қилинади. Ҳар бир булоқ улар учун муқаддас саналади. Ҳар бир ариққа ва кўлга эҳтиром кўрсатилади. Ариққа оёқ ювмайдилар, ахлат ташламайдилар, туфламайдилар. Баъзан кимдир дарёга оқиб кетса ёки кўлга чўкса унинг номи ҳам илоҳийлаштирилади. Сув эгаси уни ўзига олди, деган эътиқод билан унинг номига ҳам жонлиқлар сўядилар. Булоқлар қошидаги дараҳтларга латта-путта «жалов» осиб, эҳтиром кўрсатилади. Бу ерга келган одамлар ўзларини тозалашлари керак бўлади. Булоқлар қошига келиш учун камида бир ой ароқ ичмаган, жинсий яқинликда бўлмаган, яқинларидан бирортаси яқин пайтларда ўлмаган, ўзи ҳам дағн ва мотам маросимларида қатнашмаган бўлиши керак. Булоққа яқин келгач эса уни тозалashi, гуноҳларидан уялиб афсус чекиши керак. Шундан кейин муқаддас булоқ сувдан ичиши ва уйига олиб кетиши мумкин бўлади. Бўлмаса сув эгаси «тутиб олиши», яъни зиён етказиши мумкин экан.

Тотемлар («байана»). Бундан ташқари олтойларда турли ҳайвонлар, дараҳтлар, ўтлар, гуллар ҳам илоҳийлаштирилаверади. Айниқса, чинор, терак, қора арча, қайин каби дараҳтлар илоҳи йлашган. Ҳайвонлардан эса энг кенг кўламда илоҳийлашганлари бу, шубҳасиз, айик ва бўридир.



Бўри. Олтойларда Айиқ тотемига камроқ Бўрига эса кўпроқ эътиқод қилинади. Айтишларича, бир замонлар туркий қабилалардан бирини душман битта қолдирмай қириб ташлайди. Фақат улардан биттагина болани бўри олиб қочиб омон сақлаб қолади ва шу боладан бўри ўнта ўғил туғади. Ҳар ўн уруғ шу болалардан тарқалган ва улардан биттаси олтой ойротларининг бобоси Шуну бўлган. Шуну олтой тилида бўрини англатади. Ашина эса Бўри авлоди маъносида қўлланилади. Айтишларича, илк туркий давлатнинг халқи ашина деб номланган экан.

Бўри олтойлар учун энг муқаддас ҳайвонлардан биридир. Улар бўрини Тангрининг элчиси сифатида билишади. Айтишларича, тунлари бўри увилласа, бу унинг



Тангридан ризқ сўрагани экан. Шу сабабли агар кимнингдир қўйларига бўри ҳужум қилса, бу Тангрининг хоҳишига йўйилган.

Олтойликлар бўри ва унинг руҳидан жуда кўркишади.

Улар ўзлари бўридан қўрқсанлари ҳолда уни эъзозлашади. Чайир ва ботир йигитлар бўрига ўхшатилади. Одамлар фарзандларига бўрининг хислатларини юқтиришга ҳаракат қилишади.

Олтойда то насронийликни қабул қилингунча Бўри исмини фарзандларга қўйиб келинган. Улар учун бўри кези келганда бало-





қазолардан сақловчи вазифасини ҳам ўташи мумкин.

Олтойларнинг бўрига бўлган эътиқоди баъзан соғлом ақлга зид бўлиб, ўзлари илоҳий санаган бу ҳайвонни bemalol овлашган. Бўрини отган одамга ҳамма ҳавас билан қараган. Бўрининг деярли ҳамма аъзоси олтойликлар учун тумор ҳисобланади. Тоғли Олтойда ҳатто бўри аъзоларини сотувчи maxsus дўконлар ҳам мавжуд бўлиб, унда

ишлов берилган ва берилмаган аъзоларни bemalol сотиб олиш мумкин. Ҳатто унинг териси ёки тўлиқ тулумини топиш ҳам жуда осон.

Бўри аъзосини тақиб юрган ёки уйида сақлаган одам омад келишига чин дилдан ишонади. Териси ёки тулумини сақлаганлар эса каттароқ муваффақиятлардан умидвор бўлишади.

Дараҳтлар ва гуллар. Олтойлар туғма ўсимлик-шуносдиirlар. Тоғ ва ўрмон бағрида яшаш ҳисобига улар деярли барча ўсимликларнинг хусусиятларини ўрганиб чиқишиган. Шу билан бирга, улар юзлаб ўсимликларни илоҳий кучга эга деб билишади. Қайнин, арча, терак, мажнунтол каби дараҳтлар, шунингдек, қоқи, кийик ўт каби ўт ва гуллар улар учун муқаддас саналади.

Ўсимликлар хусусиятига кўра, ўзига хос таснифланади. Улар ўсимликларни одамлар ва чорва учун фойда ёки зиёнига қараб соя берувчи, озиқа, дори-

вор ёки бутунлай фойдасиз турларга бўлишади. Худди шунингдек, айрим ўсимликларни қалбга ором берувчи, ёмон кўздан сақловчи ва худолар билан ўртада воситачилик қила олиш хусусиятига эга, деб ҳам қарашади.



Арчазор



Қайнзор

Арча олтойлар учун муқаддас саналади. Улар арча тутатқисидан уй, бешик ва ҳовлиларни ёвуз руҳлардан тозалаш ҳамда доривор ўсимлик сифатида фойдаланишади. Худди шунингдек, қайин дараҳти ҳам илоҳий саналиб, унинг янги оиласлар ва чақалоқларга баҳт келтиришига ишонишади. Қайин пўстлоғидан дорилар тайёрлашда фойдаланишса, бағри ва шохларидан баҳт келтириши, ёмонликлардан асраши учун турли услубда фойдаланишади.

Олтойликлар гуллардан бирони табриклиш учун ёки қабрга қўйиш учун фойдаланмайдилар. Шунингдек, уй ичига ҳам безак сифатида қўймайдилар. Гул териш учун эса одамлар «Олтой эгаси»га жонлиқ сўйиб, кейин теришган. Бу – ҳар бир гулнинг ўз руҳи бор, деган эътиқод сабаб бажарилган.

Бурхонизм

Бугунги кунда Олтойда энг эътиборли динлардан яна бири бу – Бурхонизм динидир. Тилшунос олимлардинг таъкидлашича, айнан «Бурх» сўзи мўғул тилида тоғ маъносини англатади ва «Бурхон» «Хон тоғи» деганидир. Шундай номланувчи тоғ Мўғулистон худудларида ҳамон мавжуд бўлиб, Чингизхон давридан ҳозиргача «Бурхон Холдун» деб аталади. Бурхон Холдун тоғи Чингизхон аждодлари ва унинг авлодлари учун муқаддас санаалган. Бу ерда Чингизхон мансуб уруғнинг энг улуғлари кўмилган. Жуда кўп тарихий манбалар, жумладан, Абул-Хайр Али Ҳамадоний (Рошид-уд-дин) ва Сайёҳ Марко Полонинг келтиришича ҳам, Бурхон Холдун тепалигида Чингизхоннинг боболари, унинг ўғли Толуй ва авлодларидан Хон Мўнка, Ориғ-буға ва Хубилайхонлар кўмилганлиги қайд этилган. В.Яннинг «Чингизхон» номли асарида ёзилишича, саркарда хитой сафаридан олдин лашкарбошилар билан Бурхон тоғига келади. У шу ерда уч кун тинимсиз Тангрига ибодат қиласиди. Шундан сўнг у «Тангрининг рухсатини олдим» деб зафарли юришларини бошлайди. Мўғулларнинг эътиқодича, ким бу ерга келиб эҳтиёжларини Тангридан сўраса, албатта, ижобат бўлар экан.



Зиёратчилар Бурхон Холдун тепалигида.

Бугунги кунда минг-минглаб одамлар Бурхон тоғига келишда давом этмоқдалар. Уларнинг

қўпчилиги Чингизхоннинг руҳи шу ерларда юрибди, деган эътиқод билан келишади. Ибодатчилар Чингизхон аждодларига ялов кўтарадилар, қабрларга сифинадилар, ундан мадад сўрайдилар. Ибодатнинг муҳим шартларидан яна бири, пастдан бирон тошни олиб келиб қабр олдидаги тошларга қўшиб қўйишдир. Уларнинг эътиқодича, шу тош унинг зиёратга келгани белгиси бўлиб, Тангрига доим унинг сўраган тилакларини эслатиб туради.

Лингвистик таҳлилларга кўра, туркийларда сақланиб келаётган Бурхон исми ва топонимлари ҳам айнан шу дин элементи бўлиши мумкин. Марказий Осиё ерларидаги юзлаб шу номдаги топонимлар, Олма-ота вилоятидаги Марказий Осиёнинг энг катта шаршараси – Бурхон булоқлар ҳам айнан бурхонизмга алоқадор бўлиши мумкин. Айниқса, Россия ҳудудида Байкал кўлининг Ольхон оролида жойлашган Бурхон номи билан аталувчи қоя шу дин вакиллари учун аҳамиятлидир. Қадим замонлардан одамлар бу ерни шомонлар макони сифатида билишади. Одамлар бу қоя «эга»сини Угутэ нўйон деб аташади. Айтилишича, бу қоя олдидан ҳеч ким отда, эшакда ёки бошқа уловда ўтиши мумкин эмас, балки қояга хурмат кўрсатиб пиёда ўтиши керак. Акс ҳолда



рухлар унга зарар бериши мумкин. Қояда «шомонка» деб аталувчи ғор мавжуд бўлиб, ерлик аҳоли бу ерда файриоддий кучларнинг борлигига қаттиқ ишонишади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича эса, Чингизхон қабри шу ерда бўлиши мумкин экан.

Байкал кўлида Бурхон қояси

Маълум бўлишича, дастлаб бурхонизм дин сифатида шаклланмаган, балки Бурхон тоги муқаддас саналган, холос. Мўғулларнинг аждодлар рухи ва қабрларга сифиниши сабабли кейинчалик Бурхон номи илоҳийлаштирилиб, дин сифатида шакллана бошлаган.

Бурхонизм динининг шаклланишида Чингизийлар давлатининг, айниқса, Олтин Ўрданинг ислом динини қабул қилиши туртки бўлган. Маълумки, мўғуллар империясининг таназзулидан кейин бир нечта мўғул қабилалари ўзаро тил бириктириб бирлаша бошлайдилар. Асосан, қалмиқлар, жунгорлар ва кўкнорлар давлати бирикиб, Ойрот хонлигини ташкил этадилар ва улар умумий номда «**Ойротлар**» деб атала бошлайди. Шу жумладан, туркий халқлардан ёқутлар, тувалар ва хакослар ҳам XV асрдан Ойрот **жунгорлар** таркибига ўтиб, бошқа туркийлар дунёсидан бутунлай ажралади. Шу тариқа исломни қабул қилган ва қабул қилмаган қабилалар ўртасида қатъий ғоявий чегара ўрнатилади. Кўпроқ мўғуллар ва бир нечта туркий қабилалар ўзлари учун бурхонизм ва тангрчиликни мафкура даражасига кўтарадилар. Шу тариқа бурхонизм исломни қабул қилмаган туркий ва мўғул халқларининг бирлаштирувчи ғоясига айланади. Ойротлар Чингизхоннинг яна қайтадан келишига ишонч билан яшайдилар ва шу ишонч замирида янги дин шакллана бошлайди.

Баъзи манбаларда келишича, бу дин олтойликларнинг Теренг водийсида яшовчи Уст Қонг аймоғининг ибодатлари замирида шаклланган. Бу аймоқдагилар Ойротхон исмлик пайғамбар ва унинг элчиси Юч-Курбустан – Оқ Бурхон келишига қатъий ишонишган.

Таълимот сифатида Бурхонизм унчалик кенг маъно ва мазмунга ёки алоҳида оригиналликка эга эмас. Эътиқоднинг асосини кўпроқ мифологик элементлар ташкил қиласи. Маълумки, қадимдан олтой халқлари онгиди халқни босқинчилар зулмидан кутқарадиган ва озодликка олиб чиқадиган баҳодир Алп образи ва унинг келишига ишонч яшаб келади. Худди шунингдек,


улар бир куни Ойрот хонлигининг тузилишига ва унга Ойрот исмли қутқарувчи келиб бошчилик қилишига, ундан кейин эса ягона худо – Оқ Бурхон даври бошланниши, ҳамма унга сифиниб, ибодат қилишига ишониб яшашади.

Бурхонизмга эътиқод қилувчилар, энг аввало, оқ от мингандан, оппоқ соқолли, оқ кийим кийиб юрадиган БУРХОН номли зотнинг мавжудлигига ишонишади. Баъзи ҳолатларда Оқ от мингандан зот ОЙРОТ-ХОН, деб аталади.

Уларнинг эътиқодича, Ойрот доимо тирик бўлиб, тоғларни кезиб юради ва унга ишонгандаргагина кўринади.

Уни кўрганда одам ерга ўтириши ва ундан орзуларини сўраб қолиши керак. Ойрот сўралган учта тилакни бажаради. Ундан кўпинча фарзандсизлар фарзанд, омадсизлар омад сўрашади. Халқ оғзаки ижоди манбаларига қўра, Ойротнинг бир бармоғи – жимжилоғининг суяги йўқ экан.

Бурхонизмга эътиқод қилувчилар назарида тоғларнинг оппоқ қор билан қопланган чўққиларида Ойротхоннинг қасри бўлиб, у ерга бориш учун чин эътиқодда бўлиш шарт бўлади. Олтойларнинг диний эътиқодини кенг таҳлил қилган файласуф Н.К.Рерихнинг ёзишича, Ойрот асли Чингизхон авлодидан бўлиб, у қачонлардир тоғлар тепасига қўшини билан чиқиб кетган ва вақти келиб дунёни эгаллар эмиш. Тоғнинг энг баланд абадий музлик билан қопланган қисмида эса унинг салтанати мавжуд бўлиб, фақат чин эътиқоддагилар у ерга бориши мумкин. Н.К.Рерих ўз таълимотида олтойликларнинг бу эътиқодини Тибет буддавийлиги билан боғлайди. Ти-



Н.К.Рерихнинг «Ойрот-Бурхон элчиси»
асари



Шамбалага йўл

бет буддавийлиги
гояларидан ўрин ол-
ган ва «Махабҳарата»
асарида тилга олин-
ган афсонавий Самб-
хала, яъни Шамбала
шу ерда бўлиши мум-
кин, деган гояни олға
суради. Олтойликлар
шу сабабли Олтой
тоғлари чўққиларида
Шамбала мавжудли-
гига ишонишади.

Тарихий манбаларга кўра, бу эътиқоднинг кейинги шакланиш даври асосан олтойларнинг қийин шароитда яшаган даврларига тўтири келади. Ўша даврларда Олтой ўлкаларига оммавий тарзда рус дехқонлари кўчиб кела бошлишган. Руслар олтойликларнинг экин ерларини эгаллаб олиб, ўзларини руслаштириш ва насронийлаштириш йўлини тутганлар. XVIII асрга келиб олтойлар насронийликни қабул қилиши билан бурхонизмга эътиқод сусая боради. Чор Россиясининг раҳнамолигида олиб борилган черковнинг миссионерлик ҳаракатлари туфайли деярли барча олтойлар насронийликни қабул қилиб, бошқа диний таълимотлар таъқибга учрайди. Шу сабабли бурхонизм ҳам чор Россиясининг ва черковнинг бундай сиёсатига қарши ҳам миллий-озодлик ҳаракати гояси, ҳам насронийликка қарши эътиқодий кураш сифатида бўй кўрсата бошлайди.

Оқибатда XX асрнинг бошларида Бурхонизм янгича мазмунда пайдо бўлади. Олтойлик Чет Челпанов ва унинг қизи Чугул Сороковалар ўзларини янги эътиқоднинг илк тарғиботчилари сифатида таниширишни бошлишади. Улар Чугул Сорокованинг Худодан ваҳий олганлигини ва олтойликларни бирлашишга чақирганини айтиб тарғибот бошлайдилар. Улар

ўзларини дин тарғиботчилари — «ёрлиқчи» (яъни «дааарлиқчи» Худодан ёрлиқ олганлар) деб аташади.

Бурхонистларнинг биринчи ваҳийиси мазмунан күйидагича кўринишга эга бўлган:

— Мен борман ва асрлар оша яшайвераман, ўлмайман,
— деган сирли суворий;

— Мен Ойрот элининг раҳнамосиман, сизга хушхабарим бор, зеро, ўша вақтга яқин қолди;

— Сен, Чет, гуноҳкор бандасан, қизинг эса бегуноҳ. У орқали мен ўз насиҳатларимни бутун олтойликларга етказаман. Менинг насиҳатларимни ўрганинг:

— Тамаки чекманглар, ким бу одатини ташлай олмаса, тамакига икки қисм оққайин пўстлогидан қўшиб чексин;

— Барча мушукларни ўлдиринг ва ҳеч қачон ўзингиздан олдин уйингизга киритманг;

— Етилмаган ўрмон дараҳтларини кесманг;

— Ёши молнинг гўштини еманг;

— Ҳайвонлар қонини истеъмол қилманг;

— Бир-бирингиз билан кўришганда: «йакши» (яхшимисиз) деб сўрашинг ва бошқа ҳеч нарса деманг;

— Ҳар саҳар ва кечқурунлари тўрт томонингиз ва тенгизига сутни сачратиб сепинг;

— Ўй(юрт)ингиз ичкариси ва остонасига, олд томонига тўртта қайнинча ва тўртта қайнин дараҳтидан тутатқи идиши қўйинг;

— Идишларда арча гулини ёқиб тутатинг;

— Бир-бирларингизни тамаки билан меҳмон қилманг ва чилим ўрнига арча гулидан тортиқ қилиб «яхши» денг;

— Шомонларнинг ноғора ва дафларини ёқинг, чунки улар Худонинг эмас, Ерликнинг, яъни иблиснинг малайлари дур;

— Насронийлар ва чўқинтирилган олтойлар билан бир идишдан овқат еманг;

— Руслар билан дўстлашманг, уларни «ўрус» деб чақирманг, балки «чичке пум», яъни ингичка оёқ деб атанг;

— Шимолдаги баланд оқ тоғлар! Сиз шу тоғларга итоатда бўлдингиз. Аммо энди бошқа давр келди ва оқ қоялар бизга энди ҳукмрон эмас!

— Қачонлардир ҳамма Ойротнинг бандаси эди, энди яна фақат унга тобе бўламиз;

— Русларга душманларга қарагандай қараймиз. Яқинда уларнинг даври тугайди. Ер уларга бошқа доши беролмайди. Ер ёрилиб, уларни ютиб кетади. Биз қуёш ва ойга ўз оғамизга қарагандай қараймиз;

— Қайин дарахтига беш хил рангдаги, бешта ялов боғланг. Улар боши қабила ва бешта боши диннинг белгисидир;

— Сизнинг асосий туғингиз -оқ ва сариқ рангдадир. Бу рангларни боши кийимларингизга тақиб юринг;

— Кимда агар рус пули бўлса унга тезда порох, қўрғошин ва русларнинг молларидан сотиб олинг, қолган пулларни менга келтиринг;

— Бир тийинингизни ҳам мендан яширманг, пулини яширган руслар билан бирга ҳалок бўлади.

Кўриниб турганидек, бунда бурхонизм шомонийлик ва руслаштиришга қарама-қарши ғоя сифатида шаклланади. Ёрлиқчилар шомонийликни «қора эътиқод» дея эълон қилиб, ҳар қандай шомонлик, коҳинлик, ерости ўликлар дунёси билан алоқа, қонли қурбонликлар қилиш ва руҳлар билан сўзлашибни ман қиласилар. Бурхонизм иборасининг мазмуни янгича шарҳлана бошлайди, яъни бурхон сўзи уйғур ва мӯғул тилларида (*burxa*, бурхон) — «будда» маъносини билдиради, деган фикрлар пайдо бўлади. Ёрлиқчилар бу динни «Ақ Даанг», «Сут Даанг» каби номлар билан номлашади. Мазмунан «Оқ» ёки «Сут каби оқ» эътиқод маъносида қўлланилади. Тарихан шу ғоя остида шаклланган олтойлар тезда бу динни қабул қила бошлайдилар ва гоя жуда тез тарқалиб, 1912 йилда маҳаллий олтойликларнинг деярли барчаси бурхонизм динини қабул қиласади.

Аммо бу дин қанчалик тез тарқалмасин, мазлум халқни на православ миссиясидан, на шомонийлик жаҳолатидан қутқара олмади. Бурхонизм тарафдорлари сургун ва қатағон қилиниб, кейинроқ янги келган совет ҳукумати атеистлари таъсирида бутунлай йўқ бўлиб кетди.

Совет давлати таназзулидан кейин эса бу дин яна

қайта тирила бошлади ва ҳозир олтойликларнинг маълум қисми ўзларини бурхонизм эътиқодида деб билишади.

Буддавийлик ва ламаизмга эътиқод

1991 йилда Олтой Республикаси ташкил этилиб, олтой халқининг миллий ва маданий тикланиш даври бошланди. Янгиланиш даврида бурхонизм ғоялари янгича мазмун ва шаклда намоён бўла бошлади. Пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланган тибет буддавийлик ламаизми вакиллари келиб бу ерда бурхонизмни ламаизм ва буддавийлик таъсирига олишди, будда мактабларини ташкил қилишди. Мактаблар диний лиbosлари рангига кўра, «**сарик**»(гелуг мактаби) ва «**қизил**» (нынгма, сакъя, кагъю мактаблари) деб номланади. Аслида бурхонизмнинг моҳияти бутунлай фарқли бўлса-да, зоҳиран тибет ламаизмидан фарқлаш жуда қийин. Бурхонизмнинг асосий элементлари чукурроқ таҳлил қилинса, синкретизм оқибатида янги таълимот шаклланганligини аниқлаш мумкин бўлади ва бу таълимот ламаизмдан фарқланади. «Олтой билик – Россия халқ донишманчилиги илдизлари» асари муаллифи олтойшунос олим Н.А.Шадоев фикрича ҳам, бурхонизм – олтой политеизмининг янгича кўриниши бўлиб, буддавийликдан бутунлай фарқланади. Бироқ қанча қаршиликлар бўлса-да, бугунги кунда олтойликлар бурхонизмни буддавийлик дини сифатида қабул қилмоқдалар.

XX аср 90-йилларига келиб диний соҳада кўзга кўринарли ва муҳим ўзгаришларидан бири – Олтойда Д.Алексеева томонидан «Оқ Донг» жамияти тузилиши бўлди. Унга «Акай» номи билан танилган С.К.Кыныев раҳнамолик қила бошлади. С.К.Кыныев жамоатчиликка, унга 1995 йилда Олтой руҳи, яъни Алтай ээзи (эгаси) кўринганligини маълум қилди. Кейинрок «Алтай-ЖАН» (Олтой руҳи) жамияти тузилиб, жамият таъсисчиси З.Т.Тырысова ўзини «Эне-Ийик Кам», яъни ҳосилдорлик

ва оналик маъбуди Умайнинг тимсоли дея эълон қилди. Унинг жамияти бош ғояси қўёшга сифинишга қаратилган бўлиб, 2006 йилдан у Олтой ўлкаси конфесияларо Кенгашида анъанавий Олтой дини вакили сифатида фаолият юргизиб келди. У ўзининг «Алтай јан—Олтой генофонди» китобида янги диннинг мазмунини кўрсатиб берди. Бугун кўпчилик файласуф ва этнографлар, теологлар бу динни маъбудлар ва руҳларга эътиқодини ҳисобга олиб, олтойнинг анъанавий полетеистик динларига менгзаб ўрганишмоқда. Шу билан бирга, унинг шомонийликдан кўра яхшироқ ва афзалроқ, яъни анча тозаланган ғоя, дея қарашмоқда.


Аслида эса олтойларнинг Будда динига эътиқод қилиши Хунлар давридан бошланган бўлса ажаб эмас. XX асрда олтойда Бурхонизм динининг пайдо бўлиши эса қадимги буддавий эътиқодларнинг қайта уйғонишига олиб келди, холос.

Олтойларда қадимдан тангричилек дини ҳайкаллар, муқаддас жойлар ва тош санамларга сифиниш каби буддавийлик элементлари билан қоришиб кетган. Бошқа халқларнинг буддавийликка эътиқодидан фарқли ўлароқ, олтойларда анча жўн ва соддароқ эътиқод шаклланган. Айтиб ўтилганидек, олтойларнинг асосий дини бу тангричилек дини бўлиб, буддага эътиқод фақатгина мўғуллар ва хитойлар таъсири остида шаклланган.

Қадимдан барча туркӣ халқлар қатори олтойлар тош санамлар ясашган. Олтойлар, қирғизлар ва қозоқларда бундай тошлар «Балбал тас» ёки «Кезер тас» деб аталган. Турклар уни “Тошибобо” дейдилар. Балбал тошларда кўпинча одамлар ва ҳайвонлар тасвири ёки тошбитиклар акс эттирилган. Бу тошларнинг пайдо бўлиши ва яратилишини ҳам тарихчилар бевосита тангричилек дини билан боғлаб, аёл тасвирланган тошларда Умай она, эркаклар тасвири туширилган тошларда Тангри акс эттирилганлини таъкидлашади.

Бундай тош санамлар яратиш ғояси аслида, тангри-

чилиқдаги аждодлар рухи ва арвоҳлар тўғрисидаги тасавурлари ҳамда одамларнинг ўз аждодлари номини абадийлаштиришга бўлган истаклари туфайли шаклланган. Қадимдан қипчоқ халқларида ўзларидан кейин бирон из қолдиришга бўлган иштиёқ кучли бўлган. Шу сабабли улар бирор тепаликнинг бўлса ҳам ўз номи билан аталишини жуда хоҳлашган. Кенг чўлларда эса бу истакларни амалга оширишда оғир тошлар қўл келган. Имконини топганлар ўз оталари номини абадийлаштириш учун узоқ тоғлардан оғир тошларни келтириб қабрлар устига ўрнатишган. Кўчманчи халқлар учун бу иш аждодлар қабрини аниқ белгилаш заруратидан ҳам келиб чиққан.



Балбалтошлар

Кейинчалик балбалтошлар ўрнатилган қабрлар илоҳийлаштирилиб, қабр эгасининг авлодлари учун муқаддас жойларга айланган. Авлодлар вафот этган қариндошларини шу ерга келтириб кўмишган ва бу ерлар оиласвий қабристонларга айлантирилган. Бундай жойларга янги маййитларни қўйишгач, «Ана энди бобонг билан гурунглашиб ётавер. Бобомиз сени ёлғизлатиб қўймайди», деган маънода тинчлантирувчи сўзларни айтишган. Шу тариқа аждодлар рухи ва қабларга сифиниши одати шаклланиб борган.



Тошларнинг катталиги уруғнинг мавқеини билдириб турган. Хонлар, бийлар ва қаҳрамонлар учун эса жуда катта харсангтошлар ўрнатилган. Баъзи ҳолатларда эса тошқалоқ услубида тошлар устма-уст қўйилиб, эътиборни тортадиган ҳолатга келтирилган.

Бу тошлар будда ҳайкалларига мутлақо ўхшамайди. Чунки Олтой балбалтошлари жуда жўн ва содда ишланган. Моҳиятан тошлар аниқ бирор кишининг қабри, тарихий ёдгорлик ва аҳамиятга эга бўлган воқеларни агадийлаштириш мақсадида ўрнатилган. Бироқ бугунги кунда бу ҳайкалларни буддага менгзаш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Олтойга ламаизмнинг кириши эса Чингизхон авлодлари таъсири остида таҳминан XIII асрдан бошланган. Чингизхон авлодларининг ўзлари тангрига сифинсаларда, давлат бошқарувида ламалар маслаҳатидан кенг фойдаланишган. Бундан унумли фойдаланган ламалар ўз таълимотларини аста-секин маҳаллий халқ онгига сингдириб борган.

Олтойларнинг эътиқодий масалаларга жўн қараши туфайли Ойрот хонлиги даврида улар 1643 йилдан Далай Ламанинг таклифи билан будда динига тўлиқ ўтишган. Бу ислоҳот Хон Цеван Рабданнинг фармонига кўра Батур Хунтайджи томонидан ўтказилиб, 1716 йилдан будда монастирлари ҳам қурилган. Шундан сўнг ламаизм таълимотларини ўрганиш учун ёшлар Тибетга жўнатила бошлаган.



Бўри субурғони

Олтойлик илк маҳаллий буддавийлик таълимоти олими, XVIII асрда яшаб ўтган Боори (Бўри) ҳисобланади. Ерлик найман уруғи зайдани – Боори 25 йил Тибетда ўқиб, илоҳиёт профессори унвонини олади. У Олтойга қайтиб келиб, ламаизм мактабларида дарс беради.

Боори ламаизмнинг кўзга кўринган зоҳидларидан ҳисобланади. Шу сабабли 1996 йилда Олтойнинг Қоракўл водийсида унга атаб субурғон ўрнатилди.

Бугунги кунда олтойлар орасида буддавийлик таълимоти кенг тарқалмоқда. 1992 йилдан Олтой буддистлари ташкилоти тузилиб, «Россия анъанавий Сангха ташкилоти» базасида Оқ Бурхон маркази ишга туширилди. Марказда ибодатлар, маросимлар ўtkазиш йўлга қўйилди. Бу ерда ҳар йили Чага байрам (мўғуллар янги йили) ўtkазилиб келинади. Ламалар янги келгандарни динга қабул қилишади ва ибодатга ўргатишади. 1996 йилдан Олтойда Карма Кагью будда мактаби ҳам иш бошлади. Мактабда бугунги кунда кўпчилик будда дини таълимотларини ўрганишмоқда.



Чага байрам



Карма Кагью мактаби

Насронийлик

Олтой ерларига насронийлик XVIII асрдан бошлаб кириб кела бошлаган. Ойрот хонлиги таназзулга учрагач, хитойлар ва қозоқ хонликлари томонидан маҳаллий аҳолининг бутунлай қириб юборилиши хавфи туғилади. Шу сабабли 1756 йилда Олтой зайдсанлари Россия таркибига қабул қилишларини сўраб Россия императорига мурожаат қилишади. Россия императори православ динини қабул қилиш шарти билан Олтойларни Россия таркибига қабул қиласди.

Дастлаб Олтойлар православ динига ўтиш шартини қабул қилсалар-да, амалда ўз динларида қолавердилар. Ниҳоят, 1829 йилдан Олтойда архимандрит Макарий (Глухарёв) бошчилигига миссионерлик ҳаракатлари авж олдирилди. Мактаблар ташкил этилиб, маҳаллий аҳолига маърифий ўқишилар ташкил этилди. Библия Олтой тилига таржима қилинди. Макарий даврида миссионерларга Олтой тилини ва маданиятини ўрганиш мажбурияти юкланди. Чунки бусиз ўз миллий қадриятларидан воз кечишни истамайдиган олтойларни насронийлаштиришнинг имкони йўқ эди.

1830 йилдан бошлаб олтойлар оммавий тарзда чўқинтирилиб, насронийликка қабул қилина бошладилар. Олтойча фамилиялар сақланган ҳолда исмлар ва ота исмлари насроний исмларига ўзгартирилди. Шу тариқа деярли барча олтойлар янги исм ва дин билан Россия фуқаролигига қабул қилинди.

XIX аср давомида олтойлар православ дини арконлари, ибодат қоидаларини тўлиқ ўзлаштирилди. XX аср бошларида деярли барча олтойлар православ динида экани қайд этилган.

Аслида Олтойда насронийлик дини янгилик эмасди. Чунки тарихда кўплаб туркий уруғларнинг, жумладан, Найманларнинг Исо масиҳга эътиқод қилганликлари маълум. Қолаверса, XVII асрдан Олтой ерларида старообрядчилар истиқомат қилишарди. Старообрядчилар бу ерларга черков томонидан ўтказилган ислоҳотларни

қабул қилмаганликлари ва насронийликнинг эски одат ва ақидаларини сақлаб қолиш илинжида келиб қолишган.

Ҳамма динлар қатори XX асрда насронийлик дини ҳам таъқиб остига олинди. Черковлар ёпилиб, миссионерлик ҳаракатлари тұхтатилди.

1990 йилдан Олтойда ҳам черковлар фаолияти қайта йўлга қўйилди. Насронийларнинг ибодатларни бажариши ва диний байрамларини ўтказишлари учун шароитлар яратилди. Бурхонизм ва бошқа эътиқодлардан қайтариш мақсадида насронийларнинг хочли юришлари ва бошқа миссионерлик тадбирларига рухсат берилди. Биринчи архимандрит Макарий (Глухарёв) номи абадийлаштирилиб, авлиёлар қаторига киритилди.




Патмос оролидаги авлиё Иоанн ибодатхонаси

Ҳозирги кунда ҳам олтойликларнинг асосий қисми насроний ҳисобланади, аммо шу билан бирга, улар ўзларининг анъянавий эътиқодларидан ҳам воз кешишмайды. Шу сабабли мутахассислар олтой насронийлари эътиқодини синкетистик эътиқод сифатида қайд этадилар.

Ислом

Олтойларда ислом динига эътиқод қилинмайди. Туркий халқлар исломни қабул қилган даврларда олтойлар жунғорлар таркибида яккаланиб қолган. Жунғор хонлиги таназзуидан кейин ҳам бир нечта хонлик таркибида бўлган туркий халқлар исломни қабул қилган. Аммо бу сафар олтойлар географик жиҳатдан ислом дунёсидан узоқда бўлишган. Олтойда ислом динига фақат шу ерда яшовчи қозоқлар эътиқод қилишади. Мусулмон қозоқлар ва олтойликлар деярли битта тилда сўзлашсалар-да, бир-бирларини ёқтиришмайди. Шу сабабли қозоқлар Кўшёғоч туманида уюшган ҳолда яшашади ва исломий илмларни олиш учун Қозогистонда ўқишади. Ҳозирги пайтда Кўшёғоч туманида ва Горно Алтайск шахрида янги масжид қурилган бўлиб, унда мусулмонлар учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Бу масжидларда асосан қозоқлар ва бошқа жойдан келган муҳожирлар ибодат қилишади.



ДАФН МАРОСИМЛАРИ

Олтойларнинг дафн маросимлари ва марҳумни хотирлаш билан боғлиқ урф-одатлари тангричилик динига эътиқод доирасида шаклланган бўлиб, ҳар бир маросим ўзига хос мазмунга эгадир. Уларда «дафн маросимлари» деган тушунча остида ўлик ва унинг руҳи ҳурмати учун бажариладиган барча диний одатлар тушуниладики, шимол ҳалқлари қаторида олтойлар ҳам бу эътиқодларини жуда қаттиқ эъзозлашади.

Ҳаммага маълум бўлган ва оммалашиб кетган бу одатлар мазмунан ўлик хотираси ва ҳурмати учун бажарилади. Ўликни дафн этиш билан боғлиқ маросимлар барча ҳалқларда ҳам жиддий ёндашиладиган, ор-номус, ҳурмат-иззат белгиси бўлиб, қўшничилик ва қардошлиқ каби ижтимоий бирликларнинг ахлоқий меъёрлари сифатида баҳоланади. Чунки энг даҳрий—атеистик жамиятларда ҳам дафн маросимларига ҳурмат билан ёндашилган. Бу, аввало, ҳар бир кишининг ўлимни тан олиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, қадимдан шаклланган ахлоқий меъёр бўлиб, бу маросимларни бажармаслик ёки унда иштирок этмаслик ор-номус масаласи ҳисобланган.

Олтойликлар дафн маросимларининг алоҳида эътиборга молик томони, уларнинг ўлик ўлгандан сўнг нариги дунёда ҳаётини давом эттиради ва бу ҳаётда нимани бажарган бўлса, у ёқда ҳам шу иш билан машғул бўлади, деган тушунчалари билан боғлиқдир. Шу сабабли марҳумни ҳурмат билан кузатиш керак, аксинча, ўлик бехурмат бўлади, ўликни бехурмат қилсанг, у, албатта, сенга зиён етказади, деган тушунча ва қўрқув хисси маросим иштирокчилари онгини қамраб олади.

Олтойликлар эътиқодида жаннат ёки дўзах тушунчалиси йўқ. Улар тангричилик дини эътиқодига кўра учта (ер ости, ер усти ва самовий) оламни тан олишади. Уларнинг тасаввурида нима бўлса ҳам, ер ости дунёси-

га, яъни Худо Ерлик ихтиёрига тушиб қолмаслиги керак. Инчунун олтойлар тасавурида инсон рухи бутунлай ўлмайди ва мангу (монку болгон тын) ҳисобланади. Инсон танаси ўлгач, унинг рухи «кўринмас» (кормос)га айланади ва ҳеч ким уни кўра олмайди. У эса ҳаммани кўради, эшитади ва ҳид билади. Арвоҳлар макон ва замонда эркин бўлишади. Девор ва бошқа тўсиқлардан bemalol сингиб ўтиш имкониятига эга бўлишади.

Шомонларнинг таъкидлашича, шомонларнинг рухи тоза рух(ару неме)га, оддий одамларнинг рухи эса ёмон кўринмасга (јаман кормос) айланар экан.

Айтишларича, ўлган одамнинг исми айтилса, у дарров шу ерга етиб келар экан ва суҳбатга қулоқ тутар экан. Шу сабабдан олтойлар ўликни отини айтишмайди. Фарзандларига ҳам бобо, момоларининг исмини қўйишмайди.

Олтойлар ўликдан жуда қўрқишиади. Чунки одам ўлгач, кўринмасга айланади ва Ерликнинг айтганини қилишга мажбур бўлади. Баъзилари ёвуз рухга айланиб Ерликка элчи ёки бошқаларнинг рухини алдаб олиб кетувчи(алдачы)га айланиши мумкин экан.

Кўпчилик одамлар гуноҳлари туфайли осмонга кўтарилишларига унчалик ишониша олмайди ва ҳар қалай ер устида бўлишга ҳаракат қилишади. Шу сабабдан тириклиқ давриданоқ Ерликка курбонлик қилишни бошлишади. Ўлганларидан кейин эса курбонлик қилиш ва ис чиқариш фарзандлар зиммасига тушади.

Олтойлар исломлашган туркий халқлардан фарқли ўла-роқ “ис чиқариш” деганда оддий зиёфат ёки эхсонни тушунишмайди, балки аниқ ўчоққа ёғ се-шиб ис чиқариш ма-



росимини тушунишади. Ис чиқариш учун эса жонлиқ сўйилиши ёки гўшти таомлар тайёрланиши, ҳеч бўлмаганда ёғлиқ таомлар, кулча ва чалпак тайёрланиши шарт хисобланади.

Олтойлар ўлганларнинг руҳлари шу атрофда кезиб юришига ва тириклардан умидвор бўлишига қатъий ишонч туфайли бу амалларни чин дилдан бажаришади.

Қадимдан ўликка атаб ис чиқариш у вафот этган кундан бошланган. Дағн учун йигилганларга уйда ва қабр бошида дастурхон тузатилиб зиёфатлар берилган.

Олтойларда маййитни уч кун сақлаб, кейин кўмиш одати ҳозиргача мавжуд. Шимол халқларидан орасида асосан туркий халқлардан ёқутлар, олтойлар ва тувалар ўликни уч кун сақлаб, кейин кўмишади. Бу муддатда улар маййит учун қабр қазиш, тобут ясаш, керакли анжомларни тайёрлашга улгуришган бўлса, узоқдаги қариндошлари, яқинлари ва дўстлари етиб келиб, ўлик билан видолашиб олишган. Шомонлар эса Эрлиқдан уни қабрида қийнамаслигини сўраб холос-холос (олтойларда алас-алас) маросимини ўтказиб, ўликни у дунёга тайёрлашган.

Ўликни уч кун сақлаб кўмишнинг энг асосий сабабларидан бири, унинг руҳи билан боғлиқ бўлиб, унга кўра ўлган киши биринчи куни ўзининг ўлганига ишона олмас ва танасига қайта киришга ҳаракат қилар экан. Шомоннинг холос-холос маросимидан кейингина у тақдирга тан бериб танасини тинч қўяр экан.

Шундан сўнг танаси қабрга қўйилгач, еттисигача қабри билан уйи ўртасида сарсон юрар экан. Еттинчи куни унга атаб ис чиқарилаётганини кўргач, қариндошларидан рози бўлиб уйни тарк этар экан. Аксинча бўлса, қариндошларини тарк этмас ва уларга тегишиб, зиён етказиши мумкин экан.

Олтойликлар анъанавий тарзда ўликни ерга қабр қазиб дафн қилишганлигини пазириқ ёдгорлигига



*Пазириқ қўргонидан
топилган қабр*

ўликни ярим метрдан кам юза қилиб қазилган ерга тобутсиз кўмишган. Қабр тагига эса кигиз ёйиб, ўликни унга баробар қилиб бутун анжомлари билан кўмишган. Кўмишда тупроқни ер билан баробар тортишган ва қабр устида тупроқ уюми қолдиришмаган. Тоғли ҳудудларда эса ер қисман кавланиб, сўнгра қабр устига тошқалоқ қилинган.

топилган қабрлар орқали билиб олиш мумкин. Шунингдек, ўлик билан бирга бир неча кунга етадиган озиқ-овқатлар, отувловлари, унинг идиштовоқлари, қуроллари, аёлларга эса тикув, тўқув дастгоҳлари ва ашёларини кўшиб кўмиш одати ҳам жуда машҳурдир.

Анъанавий кўмиш усулига, кўра олтойлар



Олтойликлар қабрлари

Тадқиқотлар шуни күрсатадыки, тарихда олтойликлар бир неча хил дафн усулларидан фойдаланишган экан. Яъни ўликни ерга күмиш билан бирга ер устига күмиш, ёқиш, дафн қилиш, чўктириш ва овлоқ жойларда қолдириб кетиш каби дафн қилиш усулларидан ҳам фойдаланишган.

Юқорида келтирилганидек, олтойлар тангричилик динида бўлиб, одамлар тўлиқ гуноҳлари ювилгандан кейин осмонга Улкан қошига кетади, ёмонлар ер тагида Ерлик ихтиёрида абадий қолади, деган эътиқодда бўлишган ва қариндошлар майитнинг Ерлик ихтиёрида қолишини истамаганлари учун ер юзасига қўйиб устидан тупроқ тортиб дафн қилишган.

Олтойларда ўликни ердан бироз бўлса-да ажратиб дараҳтларга дафн қилиш одати ҳам бўлган. Бунда улар майитни кийими, бош кийими ва пойабзали билан биргаликда, кигизга ўраб дараҳтлардан, шохларидан тайёрланган маҳсус тагликка одам бўйи қилиб жойлашган. Дафн учун ҳар доимгидек етиб бориш қийин бўлган ўрмоннинг узоқроқ жойлари танланган.



«Ҳам сери» деб аталадиган бундай тобутлар ёкут, тува ва эвенкларга ҳам хос бўлиб, унда кўпинча, шомонларни дафн қилишган. Агар тобутлар икки

погонали бўлса, биринчи погонасига майитни ёнбошлаб ухлаётгандек ҳолатда, ҳар кунлик кийими, кундалик эҳтиёжга керакли нарсалар билан ётқизишган. Иккинчи погонага эса шомонлик ритуаллари учун керакли жиҳозлари: костюм, доира(даф), рухлар билан алоқа қилишга хизмат қилувчи тўқмоқ ёки қамчиси жойлаштирилган. Икки погонали дафнгоҳлар Олтойда камроқ бўлиб, улар кўпроқ ботқоқ худудларда учрайди.

Ўликларни ўтда ёқиши ҳам барча шимолликларга хос усул ҳисобланади. Бу, биринчидан, олтойларнинг будда динига ҳам эътиқод қилиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, миллий турмуш тарзи билан боғланади. Бу маросим уларда кишининг танасини ўтга солар (кижинай сочин отто ортор) деб номланган. Бу ерда алоҳида эътиборга молик томони – ўлик ердан баландда ёқилган. Кўп ҳолатларда эса ўликларни очиқ жойларда, чорва ва одам яшамайдиган худудларда ёқишган. Аввал майитни олдиндан қалааб тайёрланган шоҳ-шаббалар орасига жойлаштиришган ва ёқиб юборишган. Ёқиши жараёнида ходаларга ўликни қўйиб, қариндошларининг ёши улуғи дунёнинг тўрт томонини белгилаб, аниқ тўрт томондан оловни ёқсан. Ёниб бўлгач эса, суюкларни йиғиб кигиз қопга жойлашган ва дарахтга осиб қўйишган. Ўликни дафнгоҳгача маҳсус ходаларда кўтариб боришган ва ходаларни ёқилган жойда қолдириб келиш одат бўлган.



Негадир улар дафн жойидан ҳеч нарсани уйга қайтариб келишмаган. Ҳатто ўз кийимларини ҳам роса тозалаб кейин ўз уйларига қайтишган.

Олтой қабристон-ларида баъзан тўрт томонига қозик қоқиб ип тортилган қабрлар учрайди. Қабрларни бундай боғлаш қабр эгаси вафот этгандан сўнг унинг турмуш ўртоғи, фарзандлари, қариндошлари ёки дўстларидан биронтаси касалга чалинса амалга оширилган. Бу олтойларнинг «тортор», яъни тортар, деб номланувчи ақидаси билан боғлик бўлиб, унга кўра одам ўлгач, у дунёда зерикса, кимнидир ўзига тортар экан. Бундай тортиш етган одам эса касалга чалинар экан. Шомонлар эса бундай касалга йўлиққан одамларни даволашда ўлган қариндоши уни чақираётганлиги, шу сабабли у тўшакка ётиб қолганлиги уқдиришиб, агар ўлган қариндошининг қабри боғланса, тирик қолишига ишонтиришган. Қабрларни боғлаш одати ҳам бевосита шомонлар иштирокида амалга оширилган. Баъзан эса руҳларнинг чиқмаслиги учун қабрлар ёнига ит боғлаб қўйишган. Айтишларича, ит қўриқлаётган қабрларда майит тинч ётар экан.



МАРҲУМНИ ХОТИРЛАШ МАРОСИМЛАРИ

Марака ва марсиялар

Марҳумларни хотирлаш билан боғлиқ урф-одатлар дунёдаги барча халқларда инсоният тарихининг илк даврларидан бошлаб шаклланиб келган. Бугунги кунда эса уларнинг диний қарашлари, эътиқоди ва миллий қадриятлари замирида қайтадан шаклланиб, маълум меъёрлар ва хусусиятларга эга бўлган. Олтойларда ҳам марҳумлар номига хурмат ва иззат кўрсатиш ўзига хос ахлоқий меъёр ҳисобланади. Уларни хотирлаш ва номларини абадийлаштириш эса энг улуғ ишлардан ҳисобланади.

Олтойларда анъанавий марака маросимлари асосан тангричилик, буддизм ва ламаизм динлари таълимотлари замирида шаклланган. Маълумки, ҳар учала дин таълимотларида «руҳ» ва «жон» энг асосий илохий-абадий категориялар ҳисобланади. Руҳнинг илохийлиги ва абадийлигини эътироф этган ҳолда олтойлар ўликларнинг руҳларидан жуда қўрқишиди. Шу сабабли уларнинг номига ис чиқариб, маракаларини ўтказиши афзал билишади. Қадимдан «агар ис чиқармасанг, албатта, марҳумнинг руҳи шикаст етказади», деган эътиқод ва қўрқув бу ишларни амалга оширишларида энг асосий омил бўлган.

Олтойларда марака маросимлари инсон ўлган кундан бошланган. Марҳумнинг жони узилгач, шу ерда йиғилган қариндошлар йиғи-сиги бошлашган. Шу ондан ўликни ювиш ва қабрга тайёрлаш бошланган. Ўликнинг бошига шам ёқилиб, пиёлада сув қўйилган. Пиёла устига қайин дарахти шохи, атрофига эса қора арча (можжевельник) шохлари қўйилган. Шомон чақирилиб, ўликка холос-холос маросими ўтказилган. Аёллар шикаста овозда марсия (жўқтов) бошлашган. Эркаклар узоқ-яқиндаги

қариндошларини чақиришган. Шу тариқа маййит уч кун уйда сақланган. Айтишларича, маййит уч кун давомида ўзининг ўлганига ишонмас ва танасига қайтишга ҳаракат қилас экан. Шу сабабли уч кун унинг ўлганига ишонч ҳосил қилиш учун шароит яратишган ва бошига чироқ ёқиб йиғлаб ўтиришган. Бу кунларда янги ишлар бошланмаган, янги жойга кўчилмаган. Ўлик чиққан уйга ҳамма яхши муносабатда бўлган. Кўлдан келганча моддий ва маънавий қўллаб-кувватлашга ҳаракат қилишган.

Учинчи куни маййитни қабрга қўйишган. Қабр бошига эркак ва аёллардан иборат ўликнинг танишлари йиғилиб, унинг номидан жонлиқ сўйиб қурбонлиқ қилишган. Шу ерда таъзиячиларга таомлар тортилган. Маракага атаб уй эгалари энг тансиқ таомлар тайёрлашган. Даствурхонга ароқ, гўшти таомлар, ёғли патирлар ва чалпак тортилган.

Ўликни эслаб ис чиқариш маросимлари эса анъанавий тарзда еттинчи, қирқинчи кунларида ва ўлган кунига бир йил тўлгач ўтказилган. Ўликнинг қариндошлари бу кунларда таъзия учун келганларни меҳмон қилишган. Маракаларга энг тансиқ таомлар тортилган. Шомонлар бу кун иззатда бўлишган.

Олтойлар эътиқодича, маййит то еттинчи кунигача ўз уйи ва қабри орасида бориб келиб турар ва тириклигига бирга бўлган таниш-билишларини кузатар экан. Таъзиясига келган-келмаганлиги билан қизиқаркан. Еттинчи куни эса яқинлари унга атаб ис чиқаргач рози бўлиб дунё кезишга кетишар экан. Фақат қирқинчи куни яна соғиниб келиб уйидан хабар олар, фарзандларининг ундан кейинги ҳолати билан қизиқар ва ис чиқарилса, танишлари таъзияга келиб турса, хурсанд бўлиб қайтиб кетаркан. Учинчи кетишида марҳумнинг рухи дунё бўйлаб саёҳат қилас ва бир йилдан сўнг уйига келиб яқинларининг ахволидан хабар олар экан. Яқинлари тўқ-фаровон яшаётган бўлса, бутунлай умид узиб кетар экан.

Тангрличилик эътиқодида жаннат, дўзах ёки аросат деган тушунчалар йўқ. Фақат «нариги дунё»

тушунчаси бўлиб, унда марҳум қийналмаслиги учун ер ости маъбути Ерликга атаб қурбонлик қилиш талаб этилган. Қурбонлик қилиш бойлар ва камбағаллар учун бир хил аҳамиятли бўлган. Айрим ҳолатларда бойлар ўз хизматкорлари ва камбағалларнинг маракаларини ўтказиб беришган.

Марака (еттинчи, қирқинчи ва йил) кунлари шомон ўликнинг у дунёдаги аҳволи, у ёқда қандай жойлашгани, турмуши ҳақида яқинларига билиб берган. Албатта, шомонлар буни маълум ҳақ эвазига бажаришган. Чунки бу осон иш бўлмай, аҳволни билиш учун шомон жазавага тушиб, ўликлар дунёсига кириши керак бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, олтойлар рухни «қут» деб номлашади. Қут инсоннинг доимий йўлдоши бўлиб, Тангрининг энг олий неъмати ҳисобланган. Олтойлар эътиқодича, қут доимо бир хил шаклда бўлмай, макон ва замонда шаклан ва мазмунан ўзгариб турган.

Қут инсонга она қорнида эмбрионлик пайтида берилган ва бу пайтда «сус» деб аталган. Туғилгач эса чақалоқлик даврида «кэм» деб ном олган. Гапириб, фикрлай бошлагач, «қут»га айланган.

Олтойлар рухдан жонни фарқлайдилар. Улар жонни «тын» деб атайдилар. «Тын» одамлардан ташқари ҳайвонлар, қушлар, ўт-ўланлар ва дов-дараҳтларда ҳам бўлади. Шу сабабли улар одам ўлганда жон чиққач, «тын чықты» ёки «тынчыды» дейишади.

Булардан ташқари олтойларда инсон ва ҳайвонларнинг образи, қиёфаси маъносида тушунилган «сури» тушунчаси ҳам бўлган. Сури одамга чиройли қиёфа беради. У олтойларда кўпроқ «турқ» ёки «аура» маъносида тушунилган ва агар сури бўлмаса, одамнинг ранги аста синиқиб боради ва охири ўлади, деб тушунилган.

Олтойликларнинг рух тўғрисида карашларида яна «Суне» деб аталган тушунча ҳам бор. Баъзи олимлар фикрича, Суне икки хил бўлиб, яхши одамларда у

жулқас (julqas), ёмон одамларда суне деб номланган. Бу рух ҳам аслида қутнинг ёрдамчи йўлдоши бўлиб, одам ўлганда танани ташлаб кетиб ва дафн этилгунча шу уйда юрар экан.

Инсон ўлгач, танаси қўмилгандан кейин суне ўз ҳолатини ўзгартиради ва «узут» деб номланади. Узут ўз танасига қайтмайдиган бўлгандан кейин ҳам маълум вақтларда ўз оиласига қайтиши мумкин ва шу сабабли тангричилик эътиқодида бўлган кўплаб халқларда маълум кунларда уларнинг руҳларига атаб қурбонликлар қилиб ис чиқариш одати пайдо бўлган.

Олтойлар айнан узутдан жуда қўрқишиади. Чунки узут, агар зерикса, бирон-бир қариндошини ҳам ўзи билан у дунёга олиб кетиши мумкин. У тирик одамлар ичига кириши, тегажоқлик қилиши ва касаллик қўзғотиши ҳам мумкин. Олтойларнинг етти, қирқ ва йил маросимлари ҳам айнан шу асосда шаклланган бўлиб, ҳозиргacha сақланиб келган.

Бугунги кунда олтойлар деярли тўлиқ насронийлик динини қабул қилган бўлсалар-да, анъанавий этиқодларини тарқ этишмаган. Фақат дафн ва марака маросимлари насронийлик дини маросимлари билан уйғунлашган, холос. Аслида, бу маросимлар насронийлик динида ҳам сақланган бўлиб, ҳозирги кунда иккала эътиқод таъсирида синкретистик маросимлар таркиб топган.

Олтойларда дафнга оид удум ва маросимларнинг шуниси эътиборлики, унга аҳамият билан қарашган. Ҳамма марсия айтади. Ҳар бир маросимда шомоннинг дафлари, қўбиз ва чангқовузлар руҳлар учун хизмат қилади. Ҳеч ким ҳазил қилмайди. Ҳар бир кишида одатларни тўлиқ бажариш учун иштиёқ ва бурч ҳисси устун бўлади. Кўриб турганингиздек, аслида қўмиш формаларининг турли хиллиги яшаш шароитлари, табиий-географик муҳит каби моддий сабабларга кўра турланади, аммо хотирлаш маросимларида эътиқод, диний дунёқараш ва маънавий сабаблар

таомилларнинг руҳий психологик ва ижтимоий қадриятлар даражасида бажарилишини таъминлайди.

Шимол халқларида бу дунёнинг тугаши, кейинги дунёнинг бошланиши, бу дунё фоний, у дунё боқий деган тушунчалар мавжуд бўлган. Уларда бу дунёдаги ижтимоий фарқ у ёқда ҳам давом этади, деярли ҳеч нарса ўзгармайди, бойлар у ёқда ҳам бой, камбағал эса у ёқда ҳам камбағал бўлади, деган эътиқод устун бўлган.

Олтойлар ҳар доим ота-боболарининг руҳи атрофда кезиб юришига қатъий ишонишади. Шу сабабли сал шарпа сезишса, ис чиқаришга шошилишади. Аждодларининг руҳи улар учун Тангридан ризқ сўрашига, тақдирларини ўзgartиришига ишонгандликлари туфайли ота-боболари руҳидан мадад сўрашади.

ОЛТОЙ ХАЛҚИННИНГ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ

Олтойлар барча туркий халқлар сингари миллий ўйинларга жуда эътибор билан қарашган. Чунки миллий ўйинлар орқали улар йигитларда мардлик, жасурлик, шижаотваабжирликкабисифатларни шакллантиришган.

Миллий ўйинларнинг олтой халқлари ҳаётидаги ижтимоий аҳамияти ҳам катта бўлиб, бу ўйинлар орқали жамоа туйғуси шакллантирилган. Жамоа туйғуси эса ўз навбатида, миллий руҳнинг шаклланиши учун замин яратган. Бироқ совет даврида бошқа халқлар қаторида олтой халқларининг қадриятларига ҳам тажовузлар бўлди. Уларнинг миллий ўйинлари ҳам таъқиқланиб, баъзилари жоҳиллик белгиси сифатида бутунлай йўқотиб юборилди. Бироқ олтойликлар ўзлигини йўқотадиган халқлардан эмас. Шу сабабли улар ўз қадриятларини сақлаб юришган. Ва ниҳоят, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб улар ўз ўйинларини қайта шакллантира бошлишди.

Қайта қуриш йилларида миллийликни соғинган бир нечта овуллар одамлари ўзаро «Эл-Ойн» (Эл ўйини) деб номланувчи байрамларни ўtkаза бошладилар. Бу эса оммавий ахборот воситаларида ёритилиб борилиши натижасида кенг оммалашиб, умумхалқ байрами даражасига кўтарилди. Бу ўйин дастлаб Олтойдаги қабила ва уруғлар ўртасида, жумладан, тўйлар ва байрамларда ўтказиладиган мусобақалар замирида пайдо бўлган бўлса, кейинчалик баҳорги халқ сайиллари ҳамда олтойларнинг анъянавий қадриятлари қўшилиб, умумхалқ байрами сифатида шакллантирилди. Бу байрам элементлари баҳорги тенгкунлик, яъни 21 март куни ўтказилиб келинган «Йыл сырты» ёки «Коктем кун Ауыстру» (баҳорги кун алмашинуви) байрамларини эслатиши табиий, аммо Эл ойын ҳозирги кунда бутунлай бошқача қиёфа ва мазмунга эга. Жумладан,

«Коктем кун Ауыстру» (баҳорги кун алмашинуви) байрами айнан март ойида ўтказилган бўлса, «Эл ойын» ҳар қандай вақтда ўтказилавериши мумкин.

Олтойлардан бошқа туркий халқлар ислом динини қабул қиласидан кейин «Коктем кун Ауыстру» (баҳорги кун алмашинуви) байрамини Наврӯз байрамига алмаштириб, байрам мазмунига исломий элементлар сингдирилган ва оқибатда қадимги туркий, форсий ва исломий маданият элементлари қоришиб кетган. Олтойлар эса исломни қабул қиласидан кепсанларни ҳам ислом давлатлари билан алоқани бутунлай узганликлари сабабли иккала байрам бирлашмаган.

«Эл ўйин» асосан миллий спорт турларидан кураш (куреш), олтойча мантиқий шахмат (шатра), тош кўтариш (кодурге таш), камондан ўқ отиш, отлик мусобақалар (кўпкари, от пойгаси, асов отни бўйсундириш, қамчи билан уриш санъати, Кедр дараҳтига тирмашиб чиқиши, тўқмоқ уриш (токпок чачары), югуриш каби миллий спорт турлари бўйича ўтказилади. Қуйида ушбу мусобақаларнинг баъзиларига алоҳида тўхталамиз.

«Кўк бўрў»

Маълумки, дашт халқларининг ҳаёти ўзгача бўлиб, уларнинг турмуш тарзи доимо ҳушёр бўлишиликни та-



Новости Горного

лаб қиласидан башланадиган жангларга тайёр туриш, турли хил босқин ва қароқчиликка сергак бўлишилик, ҳаётий зарурат ҳисобланган. Бу ҳаётий зарурат эса йигитлардан эпчиллик, тезкорлик, абжирлик каби сифатларни ва, айниқса, от миниш маҳоратини талаб қиласидан.

Бу хислатларни тинчлик шароитида шакллантириш учун эса айнан кўпкари қўл келган. Кўпкари ўйини Марказий Осиёда яшовчи дашт халқарининг қадимдан шаклланган миллий ўйини ҳисобланади. Кўпкари ўйини рус тилида «козладрение» (улоқ тортиш), қозоқларда «кўкпари торту», тожикларда «бўзтози» ёки «бўз каши», ўзбекларда «улоқ» ёки «кўпкари» деб аталади.

Аммо фақат олтой ва қирғиз тилида кўпкарининг этимологик асоси ҳисобланган энг қадимги номи — «көк бёру» сақланиб қолган. Бугунги кунга қадар Олтойда кўпкари жуда кўп тазиикларга дучор бўлган. Жумладан, совет даврида бу ўйин жирканч ва ёввойи халқлар ўйини сифатида баҳоланиб, бутунлай таъқиқлаб қўйилган.

Аммо 1991 йилдан бошлаб кўп қатори Олтойда ҳам миллий қадриятларга кенг эътибор берила бошланди. Жумладан, бу ўйин ҳам Олтой халқарида қайтадан оммавий тус ола бошлади ва бугунги кунда халқаро мусобака даражасига кўтарилди. Бугун Қозогистон, Қирғизистон, Афғонистон, Тожикистон ва Хитой (Шинжон-Уйғур округида) каби давлатлар қатори Олтой Республикасида ҳам Кўпкари федерацияси ишлаб турибди.

Юқорида таъкидланганидек, кўпкари сўзи турли халқларда турлича талаффуз қилинади. Аммо «**КЁК БЁРҮ**» этимологияси хусусидаги фикрларни таҳлил қилиш шуни англатадики, олтойлар кўпкарини энг тўғри номлашган ва «**КЁК БЁРҮ**» тарзида талаффуз қилишади. «Кок бору» ўзбек тилига деярли бузилмай, «кўк бўри» тарзида таржима қилинади. Бундан кўринадики, ўйин дастлаб туркий халқарининг бўри тотемига эътиқоди сифатида шаклланган. Маълумки, Кўк Тангриси туркий ва мўгул халқарининг илоҳи саналган ва туркийларнинг кўп уруғлари ўзларини кўк бўридан тарқалган, деб билишган.

Шу сабабли бўлса керакки, Олтой халқарида жуда кўп қадриятлар бўри тотеми билан боғлиқ. Жумладан, олтойлар отлар қаторида бўриларни ҳам ақлли

жонивор деб билишади. Ҳаттоки, бўриларни Олтой ўрмонларининг ҳақиқий эгаси ва уларга жонлиқ берилмаса, ғазабланиши, чорвага қирғин келтиришига қаттиқ ишонишади. Шу сабабли бўлса керак, уларнинг онгида бўриларни илоҳийлаштиришга уриниш яққол кўринади. Жумладан, қўпкари ҳам кўк бўрига қилинган эҳсон ҳисобланниб, тўй қилаётган одамнинг қўпкари бериши, кўк бўри руҳига аatab ўтказилган ма-росим ҳисобланган.

Айнан шу вариант қозоқларнинг бу ўйинни «Кўк пари» деб номлашига ҳам мос келади. Чунки қозоқ халқи исломни қабул қилгач, ягона Аллоҳга эътиқод қиласидиган бўлди ва энди бўрига аatab жонлиқ сўйиш жоиз бўлмай қолди. Аммо қозоқлар эътиқодида мавжуд бўлган алвасти ва парилар ислом эътиқодидаги жинлар ва фариштлар билан мос келарди. Шу сабабли бўлса керак, икки бир-бирига ўхшаш элементлар қўшилиши натижасида синкретизм аломатлари юзага келди. Муроса йўли танланниб, «кўк бўри» ўйини номи «кўк пари» ўйинига алмаштирилди. Шундай қилиб, қўпкари ўйини исломлашган қипчоқ халқларининг барчасида сақланиб қолди. Энди сўйиладиган улоқ бўри руҳига эмас, шу жойнинг парисига, аниқроғи эса, жинларга аatab сўйила бошланди.

«Кок бору» ўзбек тилида, Мовароуннахрда муқим яшайдиган ўзбеклар таъсирида яна бир бор ўзгартирилди. Чунки нисбатан дин кўпроқ ривожланган ва исломий илм марказларидан бири бўлган бу жойларда «кўкпари» сўзи ҳам уламолар орасида қатъий эътиrozлар келтириб чиқарган. Шу сабабли бўлса керак, «кўкпари» сўзи салгина ўзгартирилиб «кўкпари» деб атала бошланган. Охир-оқибат шунга эришилганки, одамлар бу ўйиннинг ҳақиқий мазмунини унугашган.

Аммо олтойларда бундай ўзгаришлар деярли йўқ. Улар сўйиган жонлиқларини аниқ кўк бўрига аatab сўйишади. Кўк бўрининг шу қурбонликдан кейин уларга яхши муносабатда бўлиши ва омад келтиришига ишонишади. Улар уйларида бўрининг тиши, жу-

нини омад ва баҳт келтирадиган тумордай асрашади. Бўрининг терисини уйга осиб қўйиш эса уларга бутунлай хотиржамлик бағишлади.

Олтойларнинг ўзлари кўк бўри ўйинининг келиб чиқишини сал бошқача талқин қилишади. Яъники бу ўйин бўриларнинг ов усулидан олинган бўлиб, одамлар бўриларнинг жамоа бўлиб ов қилиш тактикасини ўзлаштиришган. Бўрилар табиатан камдан-кам ҳолатда ёлғиз ов қилишади. Улар нимани овламасин, она бўрилар ҳар бир бўрининг ҳаракатини белгилаб беришади ва улар аниқ тактик ҳаракатларни бажаришади.

Кўк бўри ўйини ҳам худди шундай тактик ов усули бўлиб, унда йигитлар жамоавий руҳда ҳаракат қилиш ва ов қилишга ўрганишган.

Яна бир эътиборга молик маълумот – олтойларда бу ўйинга иштирок этувчилар айнан 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган одамлар орасидан танлаб олинган. Қизиги шундаки, олтойлар айнан шу ёш оралиғидаги одамларнинг абжирлиги ва жисмоний бақувват ҳамда ақлан етуклик даври бўлганлиги учун бўрига ўхшатишган. Айнан шу ёшда одамларда оила ва овлар олдидағи бурч ҳисси юқори бўлар экан. Бу эса айнан бўриларга хос бўлган хислат ҳисобланади.

Бу ривоятларнинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини туркий халқларнинг бугунги кундаги дунёқарашидан ҳам билиб олиш мумкин. Бугун ҳам бўри образи салкам илоҳий саналади ва бўри руҳи одамларни балоқазолардан сақлашига ишонишади. Козоқ ва ўзбек чорвадорлари ҳамон бўри чорвани ҳар хил касалликлардан сақлашига ишонишса, деярли барча туркийлар унинг бош суюги ва тишини кўз тегишидан сақлайдиган тумордай тақиб юришади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, барча шимол халқларида бўри образига икки хил муносабат шаклланган. Биттаси – одамлар ва чорва ҳомийси сифатидаги муносабат бўлса, иккинчиси одамлар ва чорванинг душ-

мани, йиртқич сифатида шаклланган муносабат. Олтойларда, айниқса, оқ бўри илохий саналиб, “Олтой эгаси” даражасида ҳурмат қилинган. Улар кечалари увиллашганда Худодан чорвага ҳужум қилишга изн сўрашаяпти, агар худо изн берса улар бизнинг молларимизга ҳужум қиласди дейишган. Агар ўша кеча молларига бўри орала-са, буни Худонинг иши, демак, кеча Худо бўриларга рухсат берган, — деб хотиржам бўлишган.

Олтойча «кок бору» ўйини

Олтойларда кўпкари уч даврада ташкил этилади ҳар бир давра йигирма дақиқадан ўтказилади. Унда ўн икки кишидан иборат икки жамоа иштирок этади. Майдонга дастлаб икки жамоадан тўрт нафардан чавандозлар тушишади. Яна тўрт киши алмаштириш учун тайёр туришади. Ўйинчиларни алмаштириш буталар ва тошлардан тозаланган маҳсус жойларда амалга оширилади.



Новости Горного Алтая



Новости Горного Алтая

Кўпкари майдони 200x100 метрдан ошмаслиги керак. Майдоннинг охирларида ҳар икки жамоанинг тўйқозони жойлаштирилади. Тўйқозон байрамларда “байрамқозони” деб номланади. Бу қозонлар лой, чим бўлаклари ва тошлардан ярим конус шаклида тайёрланади. Бунда конус диаметри тахминан тўрт ярим метр,

баландлиги бир ярим метр атрофида бўлиб, чавандознинг улоқни келтириб ташлаши учун қулай қилиб ясалади. Кўпкари ўйинининг асосий тамойили – чавандознинг ўртага ташланган 30-40 кг оғирликдаги эчкининг танасини кўтариб, рақибнинг қозонига олиб бориб ташлаши билан боғлиқ. Бунда уч ёшдан ошган эчки сўйилиб қони тўлиқ оқизилади. Боши, ички аъзолари ва оёғининг тиззадан паст қисми олиб ташланиб, бир кеча сувга бўктириб қўйилади. Бу амалларнинг барчаси чавандозлар улоқни тортишганда титилиб ёки йиртилиб кетмаслиги учун бажарилади.

Ўйинни уч кишидан иборат ҳакамлар гурухи кузатиб боради. Улар йигитлардан ўйин қоидаларининг бажарилишини қатъий талаб қилишади. Масалан, кўпкарида чавандоз улоқни ердан кўтараётганда унга хужум қилиш ёки қамчи билан уриш мумкин эмас. Шунингдек, уни отдан йиқитиш, бир от бўйи тўдадан ажралгунча, этагидан ёки кийимидан тутиш ҳам мумкин эмас. Акс ҳолда, тартибни бузган ўйинчи ўйиндан четлатилади. Бу эса тартибни бузган жамоага жуда қимматга тушади.

Кўпкарида жамоалар аниқ мақсадли тактикага эга бўлиши керак. Тулпор ва чавандознинг бирлиги ва уйғун харакати эса ғалабани таъминловчи асосий омил ҳисобланади.

Кўпкарида отларга ва уларнинг зотларига алоҳида талаблар қўйилмайди. Энг асосийси, уларнинг салмоғи, чайирлиги ва қўнимасига боғлиқ бўлиб, жониворнинг ақли энг асосий омил ҳисобланади. Олтойлар отларни ақлли жонивор сифатида билишади. Уларга хурмат кўрсатишади. Ҳеч қачон хўрлашмайди. Отлар олтойликларнинг вафодор дўстидир!

«Куреш»



Олтойларда кураш мусобақаси ҳам ўзига ўзига хос миллий руҳда ўтказилади. Баъзан мусобақани қузатганингизда ўзбекча ёки қозоқча курашга умуман ўхшамайди, деган фикр хаёлингизга келади, аммо унинг турларини кузатсангиз, барча кураш турлари билан умумийлик борлиги сезилади.

Белбоғли (белибойи куреш) – баъзи элементлари ўзбек белбоғли курашига ўхшаб кетади, фақат олтойларнинг бу кураш турида кийим кийиш шарт эмас ва рақибнинг тиззаси ерга тегса енгилган ҳисобланади.

Силтовли кураш (ачый куреш) – оёқ ҳаракатларига ва гавда билан ошириб йиқитишига рухсат берилган, бухороча кураш турига яқин тур бўлиб, Олтойда энг кўп оммалашган ҳисобланади.

Кўл кураши (қолдомдош куреш) – бунда фақат кўл ёрдамида курашилади ва оёқ усуслари бутунлай ишлатилмайди.

Қоқма кураш (теге куреш) – бу кураш турида оёқ тагидан чалиб йиқитиши, қоқма ёки чил билан йиқитиши керак бўлади.

Кураш тартиби ва қоидалари овулдаги тўйларда ва расмий кураш федерацияси томонидан ўтказиладиган мусобақаларда бир-биридан фарқ қиласди.

Расмий мусобақаларда кураш федерацияси тартибига кўра беллашувларда 52, 58, 66, 82 килограмм ва мутлақ вазндан курашчилар иштирок этадилар. Курашчиларнинг беллашуви беш дақиқадан ошмаслиги керак. Рақиб танасининг хоҳлаган қисми ерга аниқ те-

гизилса ёки полвон ўз рақибини белидан баланд күтара олса ғалаба ёзилади. Мутлақ ғолиблик учун вазн танланмайди ва хоҳлаган киши иштирок этиши мумкин. Фақат 58 килограммдан юқори вазнга эга бўлса бўлди.


Анъанавий тўй ва байрамлар ҳамда норасмий учрашувларда эса қадимдан шаклланган “ёзилмаган тартиб”ларга амал қилинади. Унга кўра, полвон даврага чиқиб ўзига рақиб талаб қиласди. Рақиб, албатта, бошқа овулдан ёки шу овулдан бўлиб, Овулбегилардан бирининг чамасига кўра, вазни ва ёши ҳисобга олиниб майдонга қўйилади. Курашга чиқувчилар ёшига қаралмайди. Болалар ва ўсмирлар, катталар ва қариялар орасидан хоҳловчилар куч синашилари мумкин. Мутлақ ғолиблик учун эса тўй эгаси алоҳида соврин тайёрлайди. Уни олтойликлар «табақ» деб аташади. Тўй эгаси ташлаган «табақ»ни ўзини энг зўр санаган полвон келиб кўтаради ва ким бунга норози бўлса, даврага чиқиб у билан беллашади. Улаган, Тўрачоқ ва бошқа шимолий туманлардаги овулларда рақиб танасининг хоҳлаган жойини ерга текизиш билан ғалаба берилса, Кўшоғоч ва бир нечта жанубий туманларда рақиб елкаси ерга тегизилсагина ғалаба берилади.



Кураш мусобақалари

Олтойча шахмат — “шатра”

Шатра — олтойликларнинг миллий ўйини хисобланиб, унда иштирокчидан кучли фикрлаш ва мантикий ечимлар талаб қилинади.



Шатра ўзига хос таҳтада ўйналади ва ўйин тартибига кўра ҳам шахмат, ҳам шашка ўйининг элементларини кўриш мумкин бўлади. Айтишларича, бу ўйин Олтой халқларида қадимдан ўйнаб келинган. Кўпгина халқ афсона ва эртакларида ботирлар нафақат жангларда, балки шатра орқали ҳам беллашган. Кейинчалик бу ўйин аста-секин муомаладан чиқиб борган ва фақат ўтган асрнинг 70-йилларида Тоғли Олтой шаҳридаги Тарих, тил ва адабиёт илмий текшириш институти мутахассислари томонидан қайта ишлаб чиқилиб, оммалаштирилди.

Шатра доскаси олтмиш иккита оқ ва қора катаклардан иборат бўлиб, уч бўлакка бўлинади. Марказий қисмида 1—52 рақамлари бўлиб бу жой катта майдон деб аталади. 1—9 ва 54—62-катаклар эса оқ ва қора қалъалар деб аталади. 10- ва 53-катаклар қалъаларнинг дарвозалари хисобланади. Бунда 25—31 ва 32—38-катаклар горизонтал ўралар, 2—61 катта йўл, 1—3- ва 60—62-катаклар шатранинг фигуralар алмашинув жойи хисобланади. Шатрада фигуralар ўзига хос номаланди: **бий, ботир, тўра, ёлқин, шатра**. Ўйин бошида ҳар икки рақибда биттадан бий ва ботир,

иккитадан тўра, иккитадан ёлқин ва ўн биттадан шатра бўлади. Шатра диаграммасида оқ ва қора рангли айланалар бўлиб бийларнинг ўрнини белгилаш учун фойдаланилади. БОТИР айлана ичига чизилган учбурчакка жойлашади. ТЎРА квадратга, ЁЛҚИН тўғри чизиқса қараб ҳаракатланади. Шатра ўйини учун шахмат фигуналаридан фойдаланилади, бунда **бий—шоҳ, ботир—фарзин, ладъя—тўра, ёлқин—фил, шатра—пиёда** сифатида қўлланилади. Аммо спорт ўйинларида алоҳида белги билан ажратилган думалоқ шашкалардан фойдаланилади.



Шатра — мантиқий ўйин бўлиб, ақлни чархлаш ва одамларнинг интеллектуал даражасини ошириш учун жуда фойдалидир. Олтойликлар ёш авлоднинг жисмоний ривожланиши учун кўпкари, кураш, тош кўтариш, дараҳтларга чиқиш каби машқлардан фойдаланган бўлсалар, шатра орқали фарзандларининг ақлий ривожланишига эришишган. Қадимги олтой афсона ва эртакларида ҳам олтойлик баҳодирлар бошқа юрт полвонлари билан нафақат курашда, балки шатра орқали ҳам беллашганлари қайд этилган. Олтойда шатрани яхши ўйнайдиган кишиларни ўзгача хурмат қиласидилар, уларга ёшлар худди полвонлар ва чавандозларга ҳавас қилгандек ҳавас билан қарашади.

ОЛТОЙ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИЁТИ ВА АФОРИСТИК ПОЭЗИЯСИ⁷

Олтой халқ оғзаки ижодиётининг энг қадимий ва ўлмас жанрларидан бири бу – шубҳасиз Олтой афсоналари, эртаклари, мақоллари, маталлари ва топишмоқларини ўз ичига олувчи афористик поэзиясидир. Бошқа барча туркӣ халқлар сингари олтойларда ҳам афористик поэзия, уларнинг тил бойлигининг ўсиши, миллий шаклланиши ва маънавий ҳаётида кенг ўрин тутади. Мақоллар ва маталлар ўз хусусияти ва мазмунига кўра, халқнинг ахлоқий сифат ва меъёрлари шаклланиши, эзгулик ва ёвузлик ғояларини фарқлаш, Ҳақ ва ботилни англашда кўмак берувчи ўзига хос таълимотдир. Унда бу халқнинг тарихи, тили, маданияти, санъати ва барча қадриятлари ўз аксини топган. Айнан афористик адабиёт туфайли олтойларда дунёқарааш, ўзликни англаш, тарихий хотира ва ахлоқий-руҳий қарашлар шаклланган.

Олтойлар ўз тарихларини ёзмаганлар, балки оғзаки ижодиётда сақлаб келганлар. Улар мақолни – *Ken soc*, матални эса – *укаа сос* деб талафғуз килишади. Айнан афоризмларда олтойларнинг ижтимоий, маданий, майший шаклланиши ва қадриятлари тарихини тиклаш ва этник тарихи тўғрисида маълум тасаввурлар ҳосил қилиш мумкин. Шу сабабли бўлса керак, қадим даврларда шаклланган афоризмлар бугун ҳам долзарблигини йўқотмаган. Инчинун, олтойлар фарзанд тарбиясида энг кўп фойдаланадиган манба мақоллар, уларнинг билимлари ва зукколигини оширишда эса топишмоқлар ва маталлар фойдали ҳисобланган.

Олтойларда адабиётнинг бу тури қачондан шакллана бошлаганини аниқлаш жуда мушкул. Чунки халқ оғзаки ижодиётида аниқ саналарни сақлаб қолиш қийин, зеро алоҳида тарихий даврлар ва тарихий воқеалар бу асарларда ўз аксини топмаган. Фақат бит-

⁷ С.С.Каташнинг “Этнопедагогика ва алтайский афористической поэзии” мавзусидаги илмий мақоласи асосида ёзилди.

та нарса аниқи, афоризмлар олтой халқларининг миллий шаклланиши давридан бирга шаклланган. Бу эса жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Афоризмларнинг баъзи формалари нисбатан каттароқ саналган эртаклар, афсоналар ва достонлар таркибидан олинган. Ва ўша асарлардан иқтибос сифатида келтирилиб, афоризмларга айланган. Бу афоризмлар вақт ўтиши билан бойитилган, шаклан ва мазмунан ўзгарган бўлиши мумкин.

Баъзан олтой мақоллари орасида уларнинг қабилавий бирлигини таъминловчи ғоявий мақоллар учрайди. Мисол учун :

«Дъан’ыс суйокту — карындаштар.

Бир уруғдан тарқаганлар — қариндошлилар.

Афоризмларнинг яна бир ижобий жиҳати шундаки – улар орқали халқ донишманчилиги, аждодларнинг тажриба ва билимлари жамланиб, авлоддан авлодга ўтиб борган.

Олтой мақол ва маталларини илк бор Ўрхун-Энасой ёзувлари пайдо бўлган даврларда қоғозга туширишган. Ва, албатта, уларни ўзида энг кўп тўплаган асар бу – Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» асари. Шунингдек, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони лугатит турк» асарида ҳам олтой тилларининг барча шеваларидаги сўзлар жам қилингандир.

Олтойлар мақол ҳамда маталларни деярли бир хил услугда қўллашади ва уларни узвий боғлиқ деб билишади. Ҳатто улarda «мақоллар гул бўлса, маталлар мевадир» деган мақол ҳам мавжуддир.

Улар инсонлар орасидаги бирликни таъминлаш учун хизмат қиласиган ижтимоий маталлар ҳам кенг тарқалган масалан:

Кижи кижиле бай.

Одам одам билан бой.

Ёки ахлоқий мавзудаги салбий ахлоқий сифатларни қораловчи маталлар ҳам мавжуд:

*Мақтансақтын' таманы дўукачақ,
Мақтансоқнинг товони юпқа.*

Баъзан эса мақолларни тушуниш учун алоҳида воқелик ва ахлоқий муҳит зарур бўладики, бошқа миллатлар учун мақолларни шарҳлаш зарурати туғилади. Мисол учун:

*Ийтке тепши саларда, ыркыранды.
Итга овқат берсанг, ижирғанди.*

Бу мақол бирор зарурати бўлган кишига ёрдам берилса-ю, у бундан миннатдор бўлмаса, унга нисбатан қўлланилган. Бу ўзбеклардаги «итнинг қорни тўйса», эгасини қопади», «бой берди-ю, гадой ноз қилди», «эшак семирса, эгасини тепади» шаклида учрайдиган мақолларнинг мазмундоши ҳисобланади.

Олтойларда мақолларнинг тарбиявий аҳамияти шунчалик ошкор намоён бўладики, бундай мақолларни туркий халқлардан бошқа халқларда учратиш жуда мушкул. Жумладан, бу мақолларда йигитларни жўмардлик, бир сўзлилик ва жасурликка чорловчи ҳамда қўрқоқлик ва бошқа салбий сифатларни қоралавчи очик мақоллар учрайди.

Мисол учун:

*Жигит соси –арстан изиннен қайтпас.
Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас.*

*Айткан сос – атқан оқ.
Айтилган сўз –отилган ўқ,*

Ёки салбий кўринишидаги:

*Атпастын' оғы алты кулаш.
Отмаснинг ўқи олти қулоч.*

Кўриниб турибдики, олтой мақоллари ўзига хос бўлиб, тўғри ва кўчма маънога эга. Баъзи мақоллар тўғридан-тўғри тушунилса, баъзиларининг мағзини чақиб кўриш керак бўлади.

Олтой афористик поэзиясининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, унда шахс билан бир қаторда жамиятга таъсир этувчи мақол ва маталлар ҳам учрайди. Унда ижтимоий масалаларни маслаҳат билан ечиш, бағрикенглик билан иш тутиш каби гоялар олдинга сурлади. Мисол учун:

*Кен' тон дъыртылбас,
Кен сос бузулбас.*

*Кенг тўн йиртилмас,
Маъноли сўз бузилмас.*

Кўплаб олтой мақоллари бошқа туркий тилларда-ги мақоллар билан деярли ёки айнан бир хил. Бундай параллел мазмундаги мақоллар кўпроқ ўзбек, қозоқ ва қирғиз халқларида учрайди. Мисол учун:

Олтой тилидаги «**Құскун құскұнның' козин чокубас'** мақоли қирғиз тилида «**Қарға қарғанын' козун чокубайт**» тарзida келса, ўзбек тилида «**Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди**» шаклида келади. Ёки ўзбек тилидаги «**Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади**» деган мақол қирғиз тилида «**Эки тоо кошубайт, эки киши корунит**», олтой тилида «**Қыр қырла дъуукташпас, кижи кижиле дъууктажар**» мазмунида келади. Бу эса ҳар учала халқнинг ижтимоий-маънавий, тарихий этник бирлигидан далолат беради.

Олтой афористик поэзияси ҳақида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бу халқнинг мақол, матал, топишмоқ ва достонлари аслида шу халқнинг бутун тарихи давомида яратган миллий бойлигидир. Чунки бу халқ бутун тарихини оғзаки ижодда сақлаб келган. Ҳар бир мақолда донишмандлик, ахлоқий тамойиллар яширинган.

Олтой мақолларидан намуналар

Бир гул баҳор бўлмас...

* * *

Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди.

* * *

Тоғ тоғ билан учрашмайди,
Одам одам билан учрашади.

* * *

Йўртсанг йўл оласан,
Учратсанг сўз оласан.

* * *

Қимиirlаган қир ошар
Ўтирган ўрасида яшар.

* * *

Куруқ сўзда маъни йўқ,
Мақолларда ёлғон йўқ.

* * *

Серка йўқ жойда қўтири эчки йўл бошлар.

* * *

Маталларда маъно бор,
Мақолларда мазмун бор.

* * *

Боғланган ўтин ёнса тафт кўп,
Бириккан элда куч кўп.

* * *

Меҳнатнинг айби йўқ.

* * *

Яхши отнинг нархи баланд,
Яхши инсоннинг қадри.

* * *

Эчкининг шохи осмонга етмас.

Туянинг думи ерга тегмас.

* * *

Тўн кийган одамнинг ичини ким билсин.
Тўйган отнинг кучини ким билсин.

* * *

Чорва кўп ўлса, итларнинг ризқи,
Одам кўп ўлса, шомоннинг ризқи кўпаяр.

* * *

Бўри боласи бўри бўлади...

* * *

Агар йиқилсанг, буни биринчи ўлаксахўрлар кўради.

* * *

Ҳакканинг кўзи довонда
Шомоннинг кўзи қозонда.

* * *

Обод ернинг қадри баланд.

* * *

Мол боқсанг тўқ бўласан.

* * *

Яхши одам ёмонликни эслайди,
Ёмон одам яхшиликни эсламас.

* * *

Олтинни қора десанг, қора бўлмайди
Бўри ҳеч қачон эчки бўлмайди.

* * *

Йўқдан ёнғин чиқмайди.

* * *

Олғир овчига ўлжак ўзи келади.

* * *

Отлар кишнаб сўрашар,
Одамлар сўзлаб.

* * *

Қандай от минсанг ҳам фикр қил,
Пиёда эмаслигингга шукур қил.

* * *

Оting қочса қайтади,
Айтган сўзинг қайтмайди.

* * *

Кўп олишган йиқилар,
Кўп суришган йўқ бўлар.

* * *

Кўп отган мерган эмас,
Ўқи теккан мерган.

* * *

Ёмон одам палагидан маълум.

* * *

Дангасанинг минг куни,
Меҳнаткашнинг бир куни.

* * *

Бир суяқдан тарқаганлар биродар.

* * *

Отангнинг уйи тилло қошонадан афзал.

* * *

Ёш ниҳолга намлиқ, ёш болага меҳр керак.

* * *

Аҳмоқ хотиннинг қизига уйланма.

* * *

Бўлинган отни бўри ер...

* * *

Ёмон отга минг қамчи,
Яхши отга бир қамчи.

* * *

Тўғри сўз олтиндан қиммат.

* * *

Бахт осонликча келмайди,
Фалокат оёқ остидан кетмайди.

* * *

Таёқдан келган дард кетади,
Тилнинг захри кетмайди.

* * *

Мақолларни мароқланиб тинглайсан....

* * *

Қуёшда кўп турсанг, қулоғинг куяди.

Чорва тутсанг, қорнинг тўяди.

* * *

Филнинг кучини тишига қараб ҳам билсанг бўлади.

* * *

Машоқлаб йиғсанг, тўқ бўласан
Бошоқлаб йиғсанг, бой бўласан.

* * *

Бўри еса ҳам, емаса ҳам, оғзи қон.

* * *

Қўзичноқ маъраб, бола йиғлаб каттарар.

ОЛТОЙ ДОСТОНЧИЛИГИ ВА ЭРТАКЛАРИ

Дунёдаги барча халқлар сингари олтой халқининг миллий шаклланишида ҳам афсоналар ва эртакларнинг аҳамияти жуда катта. Баъзан олтой достонларини тинглар экансиз, унда шу миллат тақдири яши-ринганлигини илғаб қоласиз. Чунки бу достонларда шу халқнинг тарихи, бугуни ва келажаги оддий халқтилида куйланиб келинади. Дарҳақиқат, Олтой достонлари халқчиллиги ва оддийлиги билан ажралиб туради.

Достонлар

Олтой афсоналарининг асосий хусусиятларидан бири, шубҳасиз, уларнинг борлиққа ва инсоннинг яралишига муносабати билан боғлиқдир. Яъни оламнинг яралиши, одамнинг яралиши, хайвонларнинг ва ўсимликларнинг яралиши, табиат ҳодисалари ҳақида турли хил афсоналар, эртаклар жуда-жуда кўп учрайди. Яна бир томондан бу афсоналарда афсонавий қаҳрамонлар, ёвуз руҳлар, золим ва одил хонлар образлари ёрқин кўринади. Олтой достонларининг яна бир ўзига хос хусусияти уларнинг топонимлар билан боғлиқлигидир. Бу ўлкада бирон жой йўқки, унинг номи билан боғлиқ афсона бўлмаса. Ҳар бир қишлоқ, кўча, тоғ, кир, кўл ёки дарёнинг ўз афсонаси бор. Баъзан олтой топонимларини афсоналарсиз тасаввур қилиб бўлмай қолади. Олтойликлардан мана бу тоғ нега «Қоратоғ» деб, анави кўл нега «Олтинкўл» деб аталади, деб сўрасангиз, бас, улар мароқ билан сизга бир афсонани сўзлаб беради. Яна шуни таъкидлаш керакки, уларда осмондаги ҳар битта юлдузлар учун ҳам алоҳида-алоҳида афсоналар мавжуд. Чўлпон, Ҳулкар, Еттиоғайни юлдузлари тарихини билмоқчи бўлсангиз, бемалол олтой афсоналарига мурожаат қиласверинг, албатта, топасиз.

Олтой достонларининг мавзулари ўзига хос бўлиб маънавий, маърифий, дидактик-ахлоқий мавзудаги достонлар алоҳида ажралиб туради. Достон ва эртакларда олтой халқининг асрий орзу ва интилишлари мужассам бўлиб, унда озодлик, адолатли жамият қуриш, ўзаро тенглик ва тинчлик ғоялари олдинга сурилади. Шунингдек, достонларда гўзал бадиий сўз шакллари, афоризм ва ўланлар кенг ўрин олганки, бу олтой халқининг тил бойлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Олтойларда достонларни куйловчилар кайчи(куйчи) лар деб номланади. Олтой дўмбиралари, кўмус, чанг ва топшурлари уларнинг қўлида бўлса тўй тантаналарга жон киради. Одамлар йиғилиб келиб уларни тинглашади, достонлар барчага бирдай завқ бағишлади.

Олтойликларнинг энг севимли достони шубҳасиз, шоҳ асар Алп-Манаш» достонидир. «Алп-Манаш» достонида Байбароқ ботир ва



Эрмон Чечаннинг соф муҳаббати, уларнинг фарзанди Алп-Манашнинг озодлик ва юрт номуси учун кураши, қаҳрамонликлари акс этади. Достонда Манашининг синглиси Эрка Кў, севимли ёри Кумужек АРУ каби ижобий, унинг хиёнаткор дўсти Оқ Қобон, Золим Оқхон, Дилбаган одамхўр каби салбий образлар иштироқи бадиийликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

«Алп-Манаш» достони Қирғизларнинг «Манас» достони билан шаклан деярли бир тилда бўлса-да, мазмун жиҳатидан бутунлай бошқача. Қирғизларнинг «Манас» достонида қаҳрамонлик қиссалари турли даврларни қамраб олади. Бироқ Манас Олтойда туғилса-да, воқелар гоҳ Олатовда, гоҳ Хитойда рўй беради. Бундан ташқари «Манас» ҳажм жиҳатидан ҳам анча катта ва кўп қиррали бўлиб, халқ достонлари орасида энг катта достон ҳисобланади.

Агар «Алп-Манаш» достонини «Алпомиш» достони билан солиштирсангиз ҳайратга тушишингиз табий. Чунки «Алп-Манаш» «Алпомиш» достонининг илк варианatlаридан биридир. Айниқса, Олтой халқ баҳиси Н.Улагашевдан ёзиг олинган вариантда икки достон ўртасидаги ўхшашликлар жуда кўп учрайди. Фақат «Алп-Манаш» шомонийлик ғоялари билан суғорилган бўлса, ўзбек тилидаги «Алпомиш» вариантида исломий қадриятлар устунлик қиласди. Худди шунингдек, Бошқирд халқининг «Алпомиш» достони ҳам мазмунан «Алп-Манаш» достонига жуда ўхшаш бўлиб учала вариантдаги образлар бир-бирини тақрорлайди. Буни ҳис қилиш учун эса, албатта, уларни таққосан мутолаа қилишга тўғри келади.

Эртаклар

Олтой эртаклари ҳам жуда кенг қамровли бўлиб, тарбиявий, маърифий ва дидактик характерга эга. Эртаклар худди достонлар каби бошқа туркий ва шимол халқлари эртакларига жуда ўхшаш. Шунингдек, олтой эртаклари қаҳрамонлари жуда соддалиги ва самимиyllиги билан ажралиб туради.

Олтой эртакларида ҳам достонларидағи каби қаҳрамонлик, ботирлик, жўмардлик каби хислатлар, шунингдек, меҳнатсеварлик, ахиллик, ҳалоллик каби ахлоқий сифатлар ҳам жуда мақталиб тасвиранади. Кўрқоқлик, ялқовлик, ёлғончилик каби иллатлар эса аксинча, ўқувчидаги уларга нисбатан нафрат уйғотади.

Қарангки, деярли барча туркий халқлар ва бир нечта шимол халқларида учрайдиган какку қуш ҳақидаги эртак Олтойларда ҳам мавжуд экан. Маълумки, бу эртакда муштипар ёлғиз она ва унинг шумтака болалари ҳақида ҳикоя қилинади. Онаизор болаларнинг дастидан касалга чалиниб, туролмайдиган бўлиб қолади ва болаларини ёрдамга чакиради. Болалари эса унга қарамайди, онасининг томоқлари қақраб кетса-да, бир қултум сув келтириб беришмайди ва кўчада ўйнаб

юришаверади. Бундан кўнгли қолган она эса какку қушга айланиб учиб кетади.

«Етти оғайни» эртагида эса аҳил ака-укалар, уларнинг кенжা укасига қайлиқ ахтариб осмонга чиқишилари, Ҳулкархоннинг қизи – Тилло Камалакка совчи бўлишлари ҳақида воқеалар ўрин олган. Бу эртакда Ҳулкар (олтой вариантида Улькар) осмон ҳукмдорларидан бири бўлиб, қизини Тангрихоннинг қизи Темир–Музага бермоқчи бўлади. Аммо етти оғайни талаб қиласкергач, мусобақа уюштиради. Мусобақада еттовлон ғолиб бўлиб Тилло Камалакни кенжা укаларига олиб беришади. Бироқ бунга чидай олмаган Тангрихон ва Ҳулкархонлар уларнинг тўйларини бузиб, осмондан оловли ёмғир ёғдира бошлайдилар. Ерда бекинишга жой тополмаган оға-инилар ноилож яна осмонга чиқиб юлдузларга айланадилар. Бу албатта Катта айиқ туркуми тўғрисидаги олтойлар тўқиган афсона, бироқ худди шунга ўхшаш афсоналар қозоқ, қирғиз ва ўзбек адабиётида ҳам учраса нима дейсиз? Қозоқларда Уркер, қирғизларда Улкор, олтойларда Улькер образлари нега айнан ўхшаш афсонларда такрорланади. Мактаб адабиёт дарсликларидан жой олган Хайриддин Салоҳ қаламига мансуб «Юлдузлар афсонаси» шеърида Етти оғайни – Етти қароқчи сифатида тасвирланади. Шеърда Ҳулкар ҳам аёл бўлиб, Етти қароқчи унинг қизини бешикдан ўғирлайди. Худди шундай қозоқ ва қирғиз эртакларида ҳам еттовлон – «Жеті қарақшы» сифатида Уркер эса аёл образида гавдаланади. Бу маълумотларнинг барчаси «Етти оғайни» достонининг халқчиллиги ва олтой тиллари оиласига кирувчи халқлар оғзаки ижодиётининг бирлигини кўрсатади. Яъники тарихий жараёнларда шаклан ва мазмунан ўзгарган бу асар қачонлардир яхлит бир этноста тааллуқли бўлганлигини исботлайди.

«АЛП-МАНАШ» ДОСТОНИ

Олтой халқ бахииси Н.Улагашев тилидан ёзиг олингандан олтой ва русча вариантлар асосида

Осмон ва Ер құдрати билан ола қоплондек от сурувчи Бойбароқ ботир туғилди. У қоплондай абжир бўлиб ўсида. Эл ичидан донг таратди. Курашларда елкаси ер кўрмади.

Эрмон-Чечан туғилганда эса ой ва юлдузлар нур таратиб, дунё нурафшон бўлди. У қамишдай тез ўсиб улгайди. Болалигиданоқ чопқирликда отларни ортда қолдириди.

Кунлардан бир кун Бойбароқ Эрмон-Чечаннинг олдига бориб, ўнг тиззада чўккалади, сулув қизнинг қўлларини қаттиқ сиқиб, тишлари орасидан қатъий овоз чиқариб деди:

– Энди биз абадий ажралмаймиз!

– Албатта, бирга бўламиз! — жавоб қилди Эрмон-Чечан отга минганиш. Шу он Бойбароқ метиндай бўз отига қамчи босди. Улар довул бўлиб кетдилар. Эрмон-Чечаннинг оқсаб қолган отаси уларни қувиб етолмади, дардини айта олмади, ортга қайтаролмади.

Йил ўтиб Бойбароқ ботир эски юртига келди, Эрмон-Чечаннинг отасиникига бориб елкасидан янги овланган қоплонни ерга, чолнинг оёқлари остига ташлаб деди:

– Эй чол, агар хоҳласанг, мени мана шу қоплондайин ўлдир. Сенинг Эрмон қизингни мен ўғирладим. Қизинг менга ўғил туғиб берди, отини Алп-Манаш қўйдим.

Ота дийдаси қотиб йиғлади... Ёмон тилак тилади... «Боланг катта бўлиб кучга тўлгач, бир йил тўлиқ ухлаб қолсин», деб қарғанди. Бу унинг бир йил фарзандидан ажралиб, хат-хабарсиз қолганига аччиғи бўлди.

Орадан йиллар ўтиб Алп-Манаш улғайди. У босини кўрмай ўсида. Бобосининг дуосидан бехабар

бўлди. Бойбароқ ва Эрмон унга қайлиқ топишиди. Улар ўғилларига Кумужек-Ару исмли маржондай қизни келин қилишди.

Бу орада дарё ортида ҳукмронлик қилувчи золим Оқ хон, унинг Эрка Қорачқи исмли қизи борлиги ҳақида хабарлар келди.

Айтишларича, унинг қизига кўп ботирлар совчи қўйиб қўлини сўраган, аммо у ерга борган ҳеч қайси алп тирик қайтмаган, барини хон ўлдирган эмиш.

Алп-Манаш буни эшитиб ғазабланди, бир чўпчида отга минди, алпларнинг ўчини олайин деб катта дарё тарафга йўл солди. Манаш тунлари ухламади, кундузлари тинмади, йўл юрди, йўл юрса-да мўл юрди. Қанча тоғ ошди, қанча дарёлардан ўтди. Манашибийнинг оқ оти қайишдай чайир бўлди. Ой юрса-да чидади, оч юрса-да чидади, охири манзилга етди. Уларнинг олдидан катта дарё чиқди. Дарёда сувлар пишқириб, ўркак-ўркак бўлиб оқди. Қирғоқларга урилиб, тўлиб-тошиб оқди. Манашибий кечув қидирди. Топмади. Қирғоқ бўйлаб югурди. Бир жойда тўнкарилиб ётган икки саржин энли, тўқсон саржин узунликдаги қайиқни кўриб қолди. Манашибий севиниб қайиқни кўтариб кўрди. Қайиқ тагида худди оққушдай тўлғониб ётган оппоқ соқолли чолга кўзи тушди.

— Э, ей болам! Алп-Манашим! — деб сўз бошлади чол, — нега бу ерларга келдинг? Сенга нима камлик қилди? Каерга бормоқчисан?

Манашибий чолни эшитгиси келмади. Силтаб ҳам ташламади. Чолнинг қадоқ қўлларини сиқиб ўпди-да:

— Бобо, мени дарёдан ўтказиб қўйинг! — деди.

Чол унга сўз таъсир қилмаслигини билиб, бошқа сўз демади. Жимгина қайиқни сувга туширди-да, кема тумшуғига ўтирди.

Манашибий ҳам фурсатни бой бермай қуйруқ қисмига чиқди. Севимли отини югани билан сувга судради. От сузгиси келмади, аммо Манашибий ҳам бўш келмади. Улар дарё ўртасигача сузиб бордилар. Шунда чол йиғлай бошлади.

— Нега йиғлайсиз? — сўради Манаш.

— Сени деб, болам, — деди чол, — ахир мен нариги қирғоққа қанча-қанча ботирларни ташидим, улардан ҳеч орқага қайтгани бўлмади. Дардини айтгани бўлмади!

Манашибий оппоқ ойдай хуржунидан тўққиз қиррали ўқ олди ва чолга тутди:

— Эй бобо, — деди Манаш, — менинг ўлиқ ёки тириклигимни шу ўққа қараб биласиз.

Манашибий қирғоққа тушиб уст-бошини қоқди. Бўз оти ҳам қирғоққа чиқиб, силкиниб-силкиниб баданини қуритди.

Алп-Манаш отни эгарлаб, сакраб эгарга минди-ю, чунонам бақирди-ки, гўёки юз баҳодир бақиргандай. У отга қамчи босди, от дупури чунонам дунёни тутдик, гўё юзта момоқалдироқ гумбурлагандай. Йигидан ўзини тутолмаган чол орқасига йиқилиб тушди. Кўз очиб қараса, алпдан фақат чанг қолган.

От водийда чангитиб чопди, ботқоқ намчил ерлар унинг изи билан тўлди. Тепаликларни товони билан тепиб, катта тоғларга кўкрак кериб ўтди. Охири бир манзилга етди.

Қуёш чиқар вақтда Манашибийнинг оти бир қоя устида тўхтади. Бу ердан Оқ хоннинг қўтони бўй бериб кўринди.

Манашибийнинг оти бўёғига бир қадам ҳам жилмади. Тўрт оёғини тираб туриб олди.

— Эй-эй! — деди Алп-Манаш, — нега турасан, оёғингга тош бойладингми ?

— Алп-Манаш, орқага қайт, — сўз қотди бўз от, — қара, бу ерлардан Оқхоннинг қўтонига қараб қанча излар кетган, аммо биронтаям қайтмаган.

— Сенинг сиртинг бир тўшамчи, ичинг ичак-човоқ, бошинг калла-поча бўлса, ниманнинг маслаҳат берасан, эй от, олға юр, — деди қамчи босиб Алп-Манаш, — мен ўламанми, тирик қоламанми, сендан сўрамайман.

Манашибий ғазабда қаҳри қаттиқ ва аёвсиз бўларди, аччиқ-аччиқ отнинг белига тепди. Бўз от бир тўлғониб

қушдай учди, тоғ сувидай пастга энди. У йиғлаб югурди, кўз ёшлари кўз пардасини ёпиб йўлларни кўрмай қолди.

Бир жойга етишганда, Манашибий от юганини тортиди. Тушиб от айилини бўшатди. Сўнг бошига эгарни қўйди-да, уйқуга кетди. Оқ бўз от оппоқ юлдузга айланди-да осмонга учиб кетди.

Эртаси Оқхоннинг тўртта сирри чўпонлари қўйларини ўтлатиб шу ерга келишди, узоқдан водийга қараб бегона тепалик пайдо бўлганини кўришди. Тепаликдан қуюн кўтарилиб турибди. Унинг бўронига юз йиллик дараҳтлар қулаб тушган. Тоғ дарёсининг суви ортга қайтиб ўзанида турмайди.

Чўпонлар қўрқувда қочиб, хон ёнига боришди. Улардан бири воқеани баён қилди:

— Хов анави водийда янги тепалик кўрдик. Тепаликдан буғ аралаш қуюн чиқмоқда. Қуюн бўрон бўлиб дараҳтларни қулатмоқда.

— Алдаяпсиз, дангасалар, ишёқмаслар! — бақирди Оқхон. У жаҳл билан қиличини кўтариб, бир зарбда уч чўпоннинг бошини кесиб ташлади.

Унинг ёнида турган Дилбаган одамхўр номли ёрдамчисининг тирик қолган тўртинчи чўпонга раҳми келди.

— Рухсат беринг! — деди у хонга, — ўзим бориб кўриб келаман нима гаплигини.

Аммо Оқхон кўтариб турган қиличи билан тўртинчи чўпоннинг ҳам бошини кесди.

Қорабет Дилбаган ўзи минадиган кўк буқасини эгарлади. Бўладиган ишларни олдиндан сезган буқа бир ҳезланиб, тисланди. Жунлари тип-тикка бўлди.

Улар энди водийга яқинлашган эдилар, шу пайт бир довул уларни ўз комига торта бошлиди. Дилбаганнинг етти бошидаги ўн тўрт кўзи чиққудек бўлиб ерга ёпишди, буқаси қўрққанидан тилини чиқариб водийдан жон-жаҳди билан қочиб чиқиб, осмонга учди. Үнга осилиб Дилбаган ҳам кўкка кўтарилди. Факат осмоннинг совуқ ерига етгач, улар ўзларига келишди ва Дилбаган орқага қараб ерда ухлаб ётган Манашибийни

күрди. Унинг боши икки тепалик ўртасидаги қоядай ястанган, нафас олганда дараҳтлар-у ўт-ўланни домига тортар, нафас чиқарғанда шамолига дараҳт ва буталар синиб кетарди. Ҳар нафасига дарё суви бир қайтар ва зўрга ўз ўзанига тушиб оларди.

Дилбаган ўлар жонда Оқхоннинг ўтовига келди:

– У ерда ётган маҳлук, – деди у – одам десанг одам, қоя десанг қоя эмас. Бир каттакон маҳлук водийда ухлаб ётибди.

Оқхон аламдан чинқириб бақирди. Узоқ-яқин ботирларини чақирди. Бутун қўшинини йифиб йўлга бошлади, ўртада ўзи қадам ташлади.

Қора тоғнинг бошидан Манашибий аниқ кўринди. Манашибий худди бегуноҳ боладай ором олиб қўлларини чўзиб ухларди. Тўрт томонга кўкрагини очиб, олдига ўқ ёйини сочиб ором олиб ухлаб ётибди. Мерган жангчилар унинг чап кўкрагини мўлжаллаб ўқ отишди. Аммо тош қояга теккандек, ўқлар учлари қайрилиб ерга қайтиб тушаверди. Жангчилар яна яқин боришди, яна отиб кўришди, аммо самара бўлмади. Манашибийнинг устига чиқиб отишди, қилич уришди. Қанча қилич ва ёй ўқлари дарз кетиб ишдан чиқди, аммо Манашибийнинг баданида тирналгандай жароҳат ҳам пайдо бўлмади.

Оқхон жангчиларни тўхтатди. Улар ўқ-ёй ўрнига энди бел ва кетмонлар олишди. Оқхоннинг амири билан тўқсон саржинли ўра қазиб унга алпни йиқитишиди. Атрофидан тош қалаб, оёқ қўлларини ерга маҳкамлаб, занжирбанд қилиб қоқишиди. Манашибий зинданда қолди. Оқхон алпнинг қуролларини олишга буюрди, аммо унинг яроғини ҳеч ким бир зарбда кўтара олмади.

Манашибий тўққиз ой ухлаб ётди. Тўққиз ойдан сўнг кўзини очиб осмонни кўрмади. Оёги тўққиз, қўли тўққиз жойидан занжирланган. Тўпиқдан тиззагача занжирлар осилган. Бир силтанди туролмади.

Занжирларнинг оғири юракка тушди. Манашибийнинг ҳуши бошидан учди. Манашибий ҳеч қўшиқ айтмаган эди. Айтмаса ўладигандай бўлди.

Қўшиқ айтди, қўшиғига Бойбароқ отасини-да, Эрмон-Чечан энасини-да қўшиб айтди. Эрка Қў синглисини эслаб айтди, Кумушжук Ару ёрини эслаб айтди. Бўз отим деб бўзлаб айтди. Бирор эшитсин, деб кўзлаб айтди.

Ёз ўтиб, куз келди, қиши ўтиб баҳор келди, Олтойда бир қуш қолмади, бари Манашибийнинг бошига йифилди, аламли қўшигини тинглар бўлди. Аммо ҳеч ким ёрдамга келмади. Манашибийнинг ҳолини билмади.

Баланд учар ғозлар дунё бўйлаб Манашибийнинг ҳолини одамларга етказиши. Бир куни бир ғоз йифлагб келиб Манашибийнинг кўкрагига қўнди. Хурсандчиликдан Манашибий чуқур нафас олди. Тўққиз занжир узилди.

Алп-Манаш ғознинг қанотларини силаб айтар бўлди:

Осмон учар дўстим Ғоз!
Ерда юрар дўстим Ғоз!
Сувда сузар дўстим Ғоз!
Менинг содик дўстим бўл!
Сен сувларда чўкмагин,
Осмонларда учиб бор,
Қанотингга хат ёзай,
Овулимга олиб бор!

Манашибий ғознинг қанотларига хат ёзди. Ғозни ўпид унга ёлворди:

– Хатимни отам Бойбароққа олиб бор. Мехрибоним онам Эрмон-Чечангга ғамларимдан хабар бер. Синглим Эрка Қўга салом айт. Қайлиғим Кумушек Аруга офтобдай иссиқ саломимни етказ. Бориб дўстларимга айт:

Манаш қора зиндонда ётибди,
Бошига қоя тошлар ботибди,
Бутунлай ғамга чўмилибди,
Тириклай гўрга кўмилибди!

Бор шундай де, учар отим,
Дардим етказ, зўр қанотим,
Сувда чўкмас, ерда юрар,
Бор умидим — хаёл отим.

Қанотингни кенг ёзиб бор,
Осмонларда учиб боргин.
Хатимни то еказгунча,
Дардларимни қучиб боргин!

Оқ ғоз зиндоңдан учиб чиқди. Қанотларини қоқиб-қоқиб буулутларга күтарилди. Учиб-учиб оқшом чоги овуулга етди. Пастлаб-пастлаб Бойбароқнинг сувлогига кўнар бўлди. Тун кундайин бўлиб, ой ёруғ бўлди. Хипчабел Эрка Кўбу тун сувлоқда ўйнаб юрарди. У сувлоқларда кафтлари билан сувдаги ой аксини тутмоқчи бўлар шодон-шодон кулиб ўйнарди. Бирдан ой нури ўчди. Эрка Кў тепага қаради, тепада оппоқ қанотларини қоқиб, ғоз осилиб турарди. Эрка Кў қанотига хат ёзилган ғозни ушлади-ю, бағрига босиб уйга жўнади. Байбароқ ва Эрмон-Чечан ғознинг қанотларига ёзилган дардномани шам ёруғида йиғлаб-йиғлаб ўқишиди. Аммо нима қилишни билишмади.

Шунда соф дурдай покиза Кумушек Ару эслаб қолди. Болаликда Манашибийнинг Оқ Қобон деган дўсти бўларди. Улар бирга айиқ овлардилар.

— Ундан ёрдам сўрайлик, — дея укаси Хон Чурекайни Оқ Қобоннинг ҳузурига юборди.

Хон Чурекайнинг айтганига чидамай, Оқ Қобон зудлик билан Бойбароқнинг овулига келди. Ғозни ушлаб хатни ўзи ўқиди. Фурсатни ўтказмай йўлга отланди.

Эрмон-Чечан Оқ Қобонга сара овқатлардан едирди. Сўнг Манашибий учун нон қиласай деб хамир қорди. Хамир қориётиб бармоқларини тишлаб қонатди-да:

— Менинг қоним сени қутқарсин, болам, — деди. Нонни ёпиб Оқ Қобонни йўлга кузатди.

Оқ Қобон Манашибий йўлидан борди. Дўстимни қутқарайин, деб катта дарё тарафга йўл солди. Оқ Қобон тунлари ухламади, кундузлари тинмади, йўл юрди, йўл юрса-да мўл юрди. Қанча тоғ ошди, қанча дарёлардан ўтди. Олдидан катта дарё чиқди. Дарёда сувлар пишқириб, ўркач-ўркач бўлиб оқди. Қирғоқларга урилиб, тўлиб-тошиб оқди.

Оқ Қобон Оқ чолга дуч келди. Чол уни дарёдан ўтказиб қўйди. Излаб-излаб Манашбий ётган жойни топди.

Зиндон ёнига отини бойлади. Бутун аламини қалбига жойлади. Сўнг Манашбийга қараб бақирди:

— Сен! — деди Оқ Қобон, — ёзган хатингда отангни, онангни, синглингни эслабсан, хотинингга салом йўллабсан. Барини унутмабсан, менга эса бир оғиз салом демабсан. Қани, ким сени қутқаради энди. Ҳеч ким! Ҳеч ким!!!

У шундай деб бақирибди-да, сўнг баланд бир қояни қўпориб Манашбийнинг устига ташлабди. Ўзи эса дарахтзор орасида ўтириб, Манашбийга аталган нонларни еб олибди. Нонни еб, олдингидан ўн чандон кучли бўлиб ортига қайтибди.

Қирғоқда уни Оқ чол кутиб турган экан. Оқ Қобон унинг қайифига ўтиргач, ўкириб йиғлаб юборибди.

—Дўстгинам Манаш — бўзлабди у. — Нега сени тирик топмадим? Қўлларини бошига қўйиб, ҳали тўймаган дунёга тўйиб, абадий уйқуга кетган дўстима-а-а...

Оқ соч чол ҳам ўзини тутиб туролмабди. Йиғлаб юборибди. Аммо шу пайт Манашбий бериб кетган ўқ ёдига тушиб, хуржунидан тўққиз қиррали ўқни қўлига олибди.

—Эҳ, —дебди у ичида, — Ўқни занг босибди, Манашни фам босибди. Ўқ сал-пал кўкарибди, Манашбий дард кўтарибди. Манашнинг ҳоли ёмон, аммо ҳали у омон.

Шу пайт кўз ёшларни артаётган Оқ Қобон чолнинг қўлидан ўқни олибди ва ҳаяжонда уни дарёга тушибиб юборибди. Улар қирғоққа етгач, Оқ Қобон отига минибди-да, Бойбароқнинг овулига жўнабди. Овулга ета-ета гоҳ эгарнинг ўнги, гоҳ сўлига оғишиб, юк ташлаб ўкира бошлабди.

— Ой дўстимдан айрилдим, бий дўстимдан айрилдим, жон дўстимдан айрилдим, хон дўстимдан айрилдим, уни қутқаролмадим, уни қутқариш учун эртароқ боролмадим, бир кунгина кечикдим. Эрта кетган дўстим-а, кўкка кетган дўстим-а!

Унинг йигиси бутун овулни тутиб кетибди. Байбароқ хон йиглабди. Она Эрмон йиглабди. Ҳовучлаб кўз ёш тўкиб эрка Кў жон йиглабди. Кумужек қон йиглабди. Бор оломон йиглабди. Бутун осмон йиглабди...

Шунда осмондан юлдуз учибди. Бир учеб ерга тушибди. Юлдуз ерга тушиб от бўлибди. Гёё оқ қанот бўлибди. Ер тепиниб кишнабди, ҳовуридан тушмабди. Ёлғонга чидолмабди, ҳеч тоқати қолмабди. Кишнабдида кишнабди, газабидан тушмабди. Кишнашидан ер титраб тоғлар ёрилай дебди, касаллар дарддан ариб, ўлик тирилай дебди. Манашибийнинг оти эгасига қайтибди.

Манашибий зиндан тубидан туриб осмон тубини кўрибди. Бўз отини танибди. Унинг учганин кўрибди, ерга тушганини кўрибди. Юракка илинж бўлибди, қалбига севинч бўлибди.

От чоҳга орқа туриб, думини Манашибийга тушибиди. Унинг думи сомон йўлидай оппоқ экан. Бироқ у Алпни тортолмабди. Манашибий бир кўзғолиб от думини юлиб олибди. От сапчиб қочиб қолибди, думи Манаща қолибди.

Отоғриққачидолмай, айиқдайин ўкирибди, буқадайин бўкирибди, ўзин ҳар ёнга урибди, кийиклардай югурибди. Тоғ тошларни топтабди, аммо тиним топмабди, охир бориб бошини катта теракка урибди, ётибди-да хўп инганибди, жудаям кўп инганибди.

Шу пайт терак қулабди, тоғу тош зириллабди. Бўз от жойидан туриб теракни чоҳга туширибди. Манашибий ўрнидан қалқибди. Терак уни турғизибди, тўқсон занжирни узибди. Манашибий теракка осилиб ер юзига чиқиб, бўз отини қучоқлаб аччик-аччиқ йиглабди.

— Раҳмат, сенга, содик дўстим, мени кечир, — деб йиглабди.

Йигидан Алп-Манашибий билакларига куч тўлиб, ёшлари отнинг ёлларини ювибди. Отнинг ёллари ял-ял ёниб, тонгдаги шудрингдек товланиб, шудрингдаги майсадек иккиси покланибди.

Буни кўрган Оқ Хоннинг малайлари тезда бу хабарни унга етказибдилар.

Оқхон кўшин тўплабди. Ўзи холдор кўкиш бурул отини минибди. Унинг ёнида оловранг қизғиши отини миниб қизи Эрка Қорачқи турибди. Улар қўшини билан Манашибийга қараб босиб келибдилар. Шамширлар овози дунёни тутиб, ёйлардан отилган ўқлар илондай вишиллаб учиди. Тифларнинг товушидан юракларга ҳадик тушибди.

Алп-Манашиб ҳеч нарсани эшитмабди. Алп-Манашиб ҳеч кимни кўрмабди. Алп-Манашиб фақат Оқ Хонни кўрибди. Алп-Манашиб фақат Эрка Қорачқини эшитибди. Уларга қараб тикка борибди. Ёвнинг отган ўқлари унга таъсир қилмади.

Манашибий секин шамширини қинидан чиқарибди-да, уни боши узра баланд кўтариб, шу ерда ўсган бойтеракка чунонам урибдики, терак қоқ иккига бўлинниб кетибди. Фурсатни бой бермай шартта Оқхонни тутибди-да, холдор оти билан қўшиб теракнинг орасига тикиб қистириб қўйибди. Бармоқлари билан теракнинг икки бўлагини биритириб чунонам қисиби-ки, Оқ Хон эзғиланиб, йўқ бўлибди.

Манашибий энди қўлига тўқмоғини олиб, саккиз қиррали тўқмоғи билан Эрка Қорачқининг икки кўзи орасига чунонам урибдики, бечора тилка-тилка бўлиб кетибди.

Оқ Хоннинг қўшини буни кўриб тош қотибди. Нима қиласини билмай бошлари қотибди. Кўркувдан ранглари оқариб кетибди...

Манашибий уларга юзланибди:

— Мен сиз билан уришмайман, — дебди у, — сиз Оқхоннинг зулмида эдингиз. У нима буюрса бажардингиз. Энди озодсиз. Ўзингизга бошлиқ танлаб, тинч яшайверинг. Манашибий халқ билан уришмайди. У золим хонларни уради. У халқни таловчи бийларни уради. Мендан қўрманг, асло сизларга тегмайман.

Манашибий сўзини тугаллабди-ю, ўз юрти сари от бурибди. Киндик қони тўкилган юрти, Ватани сари от сурибди. Бўз оти бўзлаб кишинабди, Манашибий ял-ял яшнабди. Она соғинчи бир тортса, ота соғинчи бир тортибди. Ёр соғинчи бир тортибди. Эл соғинчи минг тортибди. Манашибий елдек елибди. Дарёга етиб келибди.

Дарёга келгач эса, бўз от қирчанғи ҳариш бир отга айланиб қолибди. Манашибийнинг ўзи эса митти пашмалоқ бир одамга айланибди. Бундайларни олтойликлар Тош тарақай дейди. Унинг башараси хунук, томоғида ғўрраси иягидан олдинга чиқиб турадиган қўштомоқ бир одамга айланибди, кўрган одам юз бурадиган бўлибди. Сочлари патак-патақ бўлиб қўзини ёпиб тушганлигидан жудаям хунук кўринаркан.

Дарё ёқасида уларни кемасида кутиб олган Оқ соч чол барибир Манашибийни танибди. Пахмоқ соchlар орасидан унинг кўзларидаги оловни кўрибди, аммо билдирамбди.

— Кел, Тош тарақай, — гап бошлабди у, — кемамга мин, сени нариги қирғоққа олиб ўтаман. Сўраганнинг айби йўқ, мабодо сенинг Алп-Манаш деган ботир ўғлинг йўқми? — тусмолланибди чол.

Тош тарақай ишшайиб:

— Мен дунёда кўп ботирларни кўрдим, эшиздим. Алп-Манаш деганини эшиздадим. Мен кўп аллар тўғрисида қўшиқлар айтдим. Аммо Алп-Манаш ҳақида қўшиқ йўқ, — дебди.

Чол қошларини чимириб жиддийлашиб олибди-да:

— Ҳали айтишмади, энди айтишади, — дебди.

У хуржунидан тўққиз қиррали ўқни олиб давом этибди:

— Бу ўқни менга Манашибий совға қилган. Бу ўқни унга хиёнат қилган дўсти Оқ Қобон сувга чўқтирди. Мен уч йил сув тубидан бу ўқни ахтардим. Кеча топдим. Ўқ янги бўлиб турибди. Шундан Алп-Манаш ўлмаганини билдим.

Кема қирғоққа етгач, Манашбий сакраб тошлоққа тушибди ва бирдан Манашбийга айланибди. Унинг ёнида эса гўзал бўз оти пайдо бўлибди.

Чол буни кўриб кеманинг тубига юзларини босиб сажда қилибди-да, гапира кетибди:

— Эй кўзимнинг нури, қалбим чироғи Манашбий! Сени кўриб мен қувончдан нима қилишимни билмаяпман. Бироқ жуда совуқ хабар бор, бугун дўстинг Оқ Қобон тўй қилмоқда. Соф дурдай покиза Кумушек Аруни хотинликка олмоқда.

Буни эшитган Манашибийнинг қовоқлари уюлибди. Кўзига қон тўлибди. У яна Тош тарақайга айланиб, дардли юриш билан қирчанғи отида Бойбароқхон овулуга йўл олибди.

Йўлда унга биринчи бўлиб қайниси Хон Чурекей дуч келибди.

— Эй Тош, йўл бўлсин, — дебди у.

— Баҳодир алп — Оқ Қобоннинг улуғ тўйига, — жавоб қилибди Тош йиғлаб.

— Эйй, тўхта, — дебди қайниси, — Алп-Манаш ўлгандан сўнг биз учун бошқа алп қолмади. Сен нега йиғляйсан, ахир?

— Ўзим шунчаки йиғляпман. Мен ҳам одамлардай одам бўлсайдим, Тош тарақай бўлмасайдим, сенинг опанг Кумужек Аруга уйланардим, ҳеч кимга хафа қилдирмасдим.

— Эээ... сен қизиқ экансан, кўп нарсани орзу қилма, ундан кўра менга эргаш, Тош тарақай, тўйда бирга ўтирамиз, — шундай дея Хон Чурекей от чоптирибди. Унинг тўққиз яшар оти йўртиб-йўртиб чопибди. Тош Тарақайнинг қирчанғиси эса ҳамчин билан саваласа-да, зўрға юрармиш. Тош Тарақай унинг қовурғасига аччиғланиб тепар, Хон Чурекай устидан кулиб масхара қилар экан. Бироқ юра-юра кўзини узиб олдинга қараса, Тош Тарақай олдинда кетяпти. У қизиқиб Тошни қувиб ўтибди. Яна олдинга қараса, яна Тош Тарақай олдинда. Улар шундай қувлашиб Бойбароқхоннинг ўтовига етишди.

Одамлар зиёфат устида ўтиришибди. Қимиз, қази-карта, гүштлар тортилган — дастурхон тўкин-сочин. Ароқнинг эса адади йўқ. Одамлар ўрмондаги дараҳтларча, водийдаги майсаларча. Ит эгасини танимайди.

Манашибий қайлигини ахтарибди. Излаб-излаб топиди. Қараса, Кумушек Ару олти ёнли оппоқ ўтовда ўтирибди. Шаршарадай соchlарини олти аёл тараф турибди. Тош Тарақай секин эшикни очибди, мунгли овозда куйлай бошлабди:

Сочларингни икки қилиб ўрибсан,
Севганингни бунча тез унутибсан.
Севгинг китобини энди ёпдингми?
Ўзингга яхшироқ қайлиқ топдингми?

Бунга жавобан Кумушек Ару йиғлаб жавоб бериди:
Сочларимни ахир ўзим ўрмадим,
Севганимни ҳам унутмадим.
Алпим ўлганига ҳеч ишонмайман,
Бошқа одамга мен асло кўнмайман!..
Шу пайт ўтовга Оқ Қобон келиб қолибди ва Тош Тарақайнини кувиб юборибди.

— Йўқол! Қўтир Тарақай, – дея Тош Тарақайнини ҳақоратлабди у ва ўтовдан илиб отибди.

Бироқ Тош тарақай яна қайтиб келиб, яна куйлай бошлабди:

Бу қозонларда энди Оқ Қобон овқат ейди,
Бу тўшакда тунлари Оқ Қобон ухлар энди.
Бу қозонлардан энди Алп-Манашиб овқат емас,
Бу тўшакда тунлари Алп-Манашиб ухлай олмас.

Кумушек Ару жавоб қилибди:
Қозондан ким нима еса, еяверади,
Одамлар не десалар, деяверади.
Аммо бу тўшакка Қобон келолмас,
Манашибдан бошқаси яқин йўлолмас.

Кумушек Ару шу пайт ўрнидан туриб кетди. Унинг соchlари шаршаранинг биллур сувларидек жилоланибди. У Тош Тарақайга интилибди.

Буни сезиб қолган Оқ Қобон Тош Тарақайни қува кетибди. Тош водийдан ўтиб баланд тоғларга қочибди. Унинг орқасидан Оқ Қобон ўқ отмоқчи бўлиб камонини мўлжалга олибди. Ўқ ёйнинг торидан ажралмай Тош Тарақай яна қўшиқ бошлабди:

Агар Бўз от тирик бўлса не қиласан Кумушек?

Кумушек-Ару жавоб беради:

Бўз отни кўрсам агар, олтин ёлин силайман,
Манашибийнинг тириклигин тилайман.

Агар Бийим тирик бўлса уни ўпиб-қучгайман,
Бошқа ҳеч кимни демасман —дэя қасам ичгайман!
Манашибийга ёрининг садоқати куч берибди.

Ва ниҳоят, соф дурдай покиза Кумушек Арунинг ёнида Алп-Манашиб қад кўтарибди. У Оқ Қобонни ортга қувиб кирибди. Оқ Қобон қочарга жой топмай, бир думалаб турнага айланибди-да, ўтов чангороғидан осмонга учибди. Алп-Манашиб унинг ортидан оқ ўқини отибди, ўқ бориб турнага етибди, турнани ялаб ўтибди, патини талаб ўтибди. Аммо Оқ Қобон қутулиб кетибди. Унинг насли турналар бўлиб, шундан бўён турна одамларга яқин учмайдиган, баландлаб учадиган бўлибди. Унинг баданида оқ ўқнинг излари қолибди.

Шундан бўён олтойликлар турна гўштини емайдилар.

— Эҳ, аҳмоқ қуш, — дейишади улар, — қанчалик ифлос бўлма, қонинг одамники, йўқса, сени бутунлай қириб юборардик!

Оқ Қобон кетгач, юрт Манашибийнинг тириклигини нишонлабди. Манашибий қирқ кеча-кундуз тўй қилибди. Юртдан зулм ариб, Манашибий хон бўлибди. Тилларда достон бўлибди. Бу достон тиллардан тилларга, авлоддан-авлодга ўтибди. Бизларгаям етибди..

Олтойнинг ҳар бир боласи Манашибга, ҳар бир қизи Кумушек Аруга ўхшасам дейди.

МАНАШБИЙ ТИЛЛАРДА АБАДИЙ ЯШАЙДИ!

МАНАШБИЙ ДИЛЛАРДА АБАДИЙ ЯШАЙДИ!

ЕТТИ ОФАЙНИ

Эртак

Бир замонлар бағридан жимирилаган етти жилға чиқиб, бир дарёга бирикиб оқадиган, етти улкан тоғлар этагида, етти ака-ука яшашар экан.

Биродарлар чорва боқмас, отлари ҳам йўқ экан. От-уловнинг ўрнига уларда биттадан қучоққа сиғмайдиган сирли мис ҳассалари бор экан.

Уларнинг боққан отаси ким, туққан онаси ким ҳеч ким билмас экан.

Ака-укаларнинг исми ҳам йўқ экан. Улар бир-бирларини :

— Биринчи, Иккинчи, Учинчи, Тўртинчи, Бешинчи, Олтинчи, Еттинчи, — деб аташар экан.

Улардан олтитаси уйланган, фақат кенжаси бўйдоқ экан. Бир куни тунда Биринчи укаларига дебди:

— Кенжамизга қайлик керак. Бу етти тоғ, етти дарё, етти ўрмон узра эса одам нишонаси йўқ. Осмонда эса юлдуз қўп. Улар бутун осмон бўйлаб катта ва кичик буржлар ҳосил қилган. Еттинчимиз учун юлдузларга совчиликка борсакмикан-а? Хулкархон буржида укамизга мос қайлиқ бор. Исми — Тилло Камалак.

Биринчи бу сўзларни айтар-айтмас, кўз очиб юмгунча укалар тайёр бўлишиб, мис асоларини кўлларига олганча, осмон хони Хулкархон ҳузурига қараб йўл олишибди.

Улар тоғ бўйлаб аввал мармар тоққа, ундан мовий тоққа чиқишибди. Мовий тоғдан тим қора тошли чўққига кўтарилиб қарашса, осмон елкасидан келибди. Юлдузлар ёнларида сузишар экан. Кичик юлдузларнинг кўзлари тиллодан, катталарининг кўзлари сап-сариқ бўлиб, оловдек ёлқинланар экан. Ёши улуғ юлдузлар эса узун тилло пўстин кийишган. Ёшлар биринж камзулда, мис қалпоқларидан ипак толалар жилоланиб турар экан. Кумуш қалпоқларнинг шокиласи эса инжудан экан.

Ақа-укалар бу манзарани кўриб лол қолишибди.
Нима қилишни билишмабди.

— Акалар, — дебди шу пайт Еттинчи, — юлдузлар жуда гўзал, бироқ мендай бетайин — номсиз одамга Ҳулкархон қизини берармиди?!

— Ҳа, албатта! — жавоб қилибди Биринчи. — Отонамиз бизга ном қолдиришмади. Бундан чиқди ўзимиз ўзимизни номлаб оламиз. — У шундай деб ерга тиз чўкибди. Қўлига дуторини олиб чала бошлабди. Йўталиб-йўталиб овозини очиб олибди-да, достон айта бошлабди. Осмон тубидан озроқ қора булут чиқиб, иссиқ ёмғир ёғибди. Илик шабада эсибди. Оқиннинг овозидан уч рангли камалак турибди.

Буни кўрган ақа-укалар оҳ чекиб, бир овоздан қичқиришибди:

— Сенинг исминг — Бахши—Мерган.

Кейин навбат Иккинчига ўтибди. Иккинчи кафтлари билан шу ерда ўт-ўланлар орасини очиб диққат билан қарабди-да:

— Бу ердан, — дебди у, — етти йил аввал сувсар ўтган. Мен уни ҳозир қувиб етаман.

Камон ёйдан ажралгунча вақт ўтмабди, Иккинчи сувсарни тутиб келтирибди.

— Сен — Чаққонсан. Сени шундай номлаймиз, — дейишибди биродарлар.

Энди Учинчи ўрнидан турибди. Қўзларини қисиб, кафти билан қуёшдан тўсибди-да атрофга аланглабди, мовий осмон тубида еттита бўзранг ғозни кўрибди. Елкасидан қарагайдан ясалган ёйини олиб, камонни тортиб қўйворибди. Тобулғадан ясалган камон етти ғозни ўлдирибди. Бир камонга етти ғоз тизилиб ерга тушибди.

— Ўқотар-Мерган, — сенинг исминг ҳам аниқланди, — дейишибди!

Тўртингчи эса ёнбош турган экан, шундай туриб бoshини бурибди, лабларини чўзиб шарқдаги кўлнинг сувини сипқорибди-да, ўнг томонга бурилиб ғарб томонга қаратиб пуркабди. Шарқдаги кўл ғарбга ўтиб қолибди.

— Сенинг исминг — Сувичар-Мерган, — дейишибди.

Бешинчи кулимсираб чап қўли билан бир қояни кўтарибида сойликка тўнкариб қўйибди.

— Сен биз учун Тоғчи-Мергансан, — дейишибди.

— Эй! — қичқирибди Олтинчи, — биродарларим! Биз бу ерда ўзимизга ном топгунча бизнинг келинимиз Тилло камалакни Тангрихоннинг ўғли навқирон Темир-Муза полвонга унаштирмоқдалар. Ҳулкархон базм қилмоқда. У ерда отлар қозиқларини узгудай пишқириб, кўкни топтамоқдалар.

— Сени — Сезгир-мерган, — деб атаймиз,— дейишибди биродарлар.

Еттинчи ўз навбатида шу ердаги бир тошқояни қўлларига олиб икки бўлиб ташлабди. Қоя пичноқ билан кесилгандаи икки бўлинуб тушибди. Тош бўлакларини йигиб, кафтлари орасида сикиб кичрайтирибида, тоғнинг ёриқ бир жойига тиқиб қўйибди.

— Сен Тошйўнарсан, — дейишибди акалар ва маросимни якунлаб асоларини дўққиллатганча Ҳулкархон буржига йўл олишибди.

Ака-укаларнинг келаётганини кўриб қозиқда турган отлар пишқирибди. Юганларни узид ҳар томонга қочишибди. Фақат етти қиррали қозиқнинг ўзи қолибди. Бу Олтин қозиқ юлдузи экан. Ака-укалар шу қозиқнинг етти олтин буржига ўз асоларини суяб қўйишибди.

Уларнинг келганини сезиб Олтин саройда олтин занжирга боғланган қўриқчи итлар думи билан ўтириб, худди кўз очмаган кучуклардай ғингший бошлишибди.

Ака-укалар олтин саройга киришибди.

Сарой одам билан лиқ тўла экан. Бу ерда турган Дилбаган – одамхўр уларни кўриб қувониб кетибди:

— Ҳа-а-а, менинг кечки овқатим ўз оёғи билан келмоқда!

Кўкиш бўз отли Қобон-Очун полвон оғзидан темир чилимини олибида-да, ўнг томонига туфлаб, яна чилимини оғзига солибди.

Темиртан кўк от минувчи осмон ҳукмдори Тангрихоннинг ўғли Темир-Муза баҳодир эса қайрилиб ҳам қарамабди. Қалпоғи тагидаги попуклари қимир ҳам этмабди. Узун кокиллари қулоғи ёнида қандай турган бўлса шундай туравериби.

Хулкархоннинг ўзи эса олд томонда уч поғонали олтин таҳтда ўтирас экан. Унинг кўзлари худди уммондек тинч экан. Бурни худди текис тоғдек. Қошлари букри ғордек. Муйловлари елкасидан ўтган, соқоллари кўкракларини ёпган.

— Ҳей оти йўқ дайдилар, бошпанасиз оға-инилар! Менинг овулимга кира кўрманглар! Номус қиласман, — дебди Хулкархон.

Еттовлон етти кун Хулкархоннинг саройи остонасида туришибди. Аммо Хулкархон уларнинг арзини тингламабди. Улар келтирган неъматлардан татиб ҳам кўрмабди. Биродарлар мускулларини қалпоқлари билан бекитиб, яна тиз чўкиб одоб билан келтирган совғаларини қабул қилишларини сўрашибди. Хулкархон эса нуқул уларни масхара қиласмиш:

— Икки дарахтнинг олови иссиқ бўлади. Икки осмон хонининг болалари ҳам бир-бирига мос бўлиб яхши яшашади. Сиз еттовлон эса менинг саройимни ифлос қилманг, азиз меҳмонларимнинг кулгисини қистатманг.

Аммо еттовлон етти қизил буқадек туришар, уларнинг етти асоси эса етти қизил отдек экан. Уларнинг туришига дош бера олмаган Хулкархон безовталана бошлабди.

—Хўп, майли, — дебди тин олиб Хулкархон, — агар сиз бир вақтнинг ўзида Етти бошли Дилбаган — одамхўр, Темир-Муза баҳодир, Қобон-Очунлар билан осмон бўйлаб югуриш мусобқасида беллаша олсангиз, шохлари олтмиш тўрт бандли қора бугуни топиб келтирсангиз, уйимга совчи бўласиз. Қора буғу эса олтмиш тизмали олти тоғ ортида, олти денгиз бўйида, олтмиш олтинчи ғорда яшайди, — дебди.

Шу пайт биринчи бўлиб ўзи ўтирган оқ кигиздан етти бошли Дилбаган турибди. Яшил майдонга чиқиб

күк буқасини тутиб, шохларидан маҳкам ушлаганча, кумуш ва биринж билан сайқал берилган эгарига ми-нибди. Дилбаган – одамхўр ҳаммадан олдин югурибди, унинг күк буқаси ҳамма отлардан етти кунлик йўлга ўзибди. Буқа ортидан темиртан бўз отида Темир-Муза, кўк бўз отда Қобон-Очун югурибди.

Еттовлон пиёдалар эса етти асосига таяниб, ҳаммадан етти ойлик йўлга ортда қолибди.

Аммо бир маҳал қарашсаки, ҳаммадан етти кунлик масофа олдинда еттовлон бораётган эмиш. Дилбаган одамхўр аламдан кўкариб кетибди. Кўк буқа оёққа урилган кундадай шохлари билан юурагар еттовлонни етай-етай дер экан. Буни Сезгир сезиб одамхўрнинг нафас олишларини эшиштгач эса Сувичарга етказар, Сувичар Мерган:

— Кўрқманглар, биродарларим, — дея бақиран, йўлга туфлар экан ва шу заҳоти қоп-қора кўл пайдо бўларкан.

Яна Сезгир қулоқ солар, темиртан бўз отнинг дупури ва Темир-Музанинг саккиз ёнли қамчисининг товушини эшитиб, Тоғчига хабар берар экан. Энди эса:

— Кўрқманглар биродарларим, — дея бақиранкан Тоғчи ва йўлга ўрмонли тоғни қўйиб қўяр экан.

Яна Сезгир қулоқ солар, кўк бўз отнинг кумуш абзаллари чиқараётган товуши ва Қобон-Очуннинг темир чилими ҳовурини сезиб хабар берар экан. Энди эса Тошотар бир қояни олиб йўлган тўнкириб қўяр экан.

Бу орада Чаққон эса олтмиш тизмали олти тоғ ортида, олти денгиз бўйида олтмиш олтинчи горда яшайдиган Кора буғуни излаб топибди. Чаққоннинг бақирган бақириши, Чаққоннинг оёғидан чиққан дупурлашидан чўчиб, Кора буғу олтмиш тизмали олти тоғ ортида, олти денгиз бўйидаги олтмиш олтинчи горда яшайдиган жойидан қочибди. Аммо буни кўрган Отувчи мерган тоғлар ортида олтмиш бандли яшил шохни кўриб қолибди. Елкасидан темир ёйини олиб икки тиззасига қўйибди. Ўнг қўлининг катта бармоғи билан ёйнинг ипини таранг тортибди. Кураклари елкасига

тeng бўлибди. Яноқлари қизарибди. Киприк қоқмай ўқ узибди. Катта бармоғидан тутун чиқиб, ўқни аланга қоллабди, Қора буғуни тешиб ўтиб илиб олибди-да Ҳулкархон овулига тушибди. Яхшиямки, Чаққон улгурниб бу орада ўқни илиб олиб қолибди, йўқса бутун бурж ёниб кетар экан.

Қора буғу ерга олд оёқлари билан чўккалаб тушибди. Унинг кўзларида ортда тўнтарилиб қолган тоғлар акси бор экан. Оғзидан эса қизил кўпик келаркан.

Катта ака шу заҳоти белидан ойболтасини олиб буғунинг пешонасини шохи билан кесиб олибди. Еттовлон қинларидан еттида ханжар чиқариб тифларини тошқояда чархлашибди. Ўткир тифли пичоқ билан тўнғич ака тезда буғунинг кўксини ёриб, оёқларини кесиб олибди. Олтита укаси эса терисини шундай шилиб олибдиларки, ҳакка титса ҳам ундан бир чимдим гўшт топа олмас экан.

Улар бу теридан тезда қатиқ сақланадиган халта ясабдилар. Шохларини эса Ҳулкархон саройи рўпарасига ерга суқиб қўйишибди. Шохлар сарой ёнида худди темиртан терақдек қозиқ бўлиб тураг экан. Тикилган қатиқ халта эса олти дарали қоронғу водийдай Ҳулкархон оёғи остида ястанибди.

Бу совғалардан Ҳулкархон бош торта олмабди. Бир кўзи билан ойга, бир кўзи билан қуёшга қарабди. Еттовлон кўзига тик қарамабди.

— Бошқа баҳодирларни кутайлик, — балки буғуни сиз ўлдирмагандирсиз? – дебди у ижирғаниб.

Етти кунлик масофа олдинда кетган Дилбаган одамхўр етти йилда қайтибди. Ўн йилдан сўнг ўзининг темиртан бўз отини миниб Темир-Музга Баҳодир қайтибди. Унинг ёнида кўк бўз отида Қобон-Очун келибди. Уларнинг юзлари тупроқдай қорайган, тишлари орасига кўм тўлган.

— Мен сизни кўрганимдан хурсандман, — мулозамат қилибди уларга Ҳулкархон, — сиз овдан тирик қайтдингиз. Аммо қай бирингизга қизимни беришни билмай туриб-

ман, — чуқур хўрсиниб, бошини эгибди у. Дилбаган — одамхўр, Темир-Муза Баҳодир ва Қобон-Очунларнинг ҳолини кўриб, аламдан Ҳулкархоннинг кўзлари олдини туман қоплабди, яна нимадир шарт қўйгиси келибди. Нима бўлсаям қизини етти оғайнiga бергиси келмабди:

— Ким менга қуриган дараҳтларга жон бағишлиайдиган, қақшаган ерни гуллатадиган достон айта олади, — дебди у.

— Мен айтаман! — бўкирибди етти бўғизли, етти бошли Дилбаган.

Дилбаган айтган қўшиқдан қушлар инини, ҳайвонлар болаларини ташлаб ўрмондан тоғлар, дарёлар ошиб қочибди. Чорва тўзғиб, одамлар яшириниб олибдилар. Янги чиққан барглар сарғайиб, тилло ранг ўт-ўланларнинг ранги ўчибди.

— Сиз жуда хунук кўйлаяпсиз, — дебди чидай олмаган Ҳулкархон, — овозингизни ўчиринг, илтимос! Менинг зотли чорвамни ҳуркитманг! Одамларни қўркитманг! Ерларимни қуритманг.

Дилбаган уятдан кўк буқасидай кўкариб кетибди. Эгарга минибди-ю, буқасини ниқтаб қочиб қолибди.

Эндиgi навбатда Тангрихоннингтемиртан бўз отли ўғли Темир-Муза Баҳодир ва кўк бўз отли Қобон-Очун биргалиқда куйлабди. Уларнинг қўшиғидан қушлар шохларда мудраб, ҳайвонлар ётган жойида қотибди. Одамлар ўтирган жойида хуррак отишни бошлашибди. Буқалар, отлар бутун олтмиш олти тоғларда ҳамма уйкуга кетибди.

— Сизнинг айтган достонингиз бутунлай бўлмайди,
— Ҳулкархоннинг жаҳли чиқибди. — Бас қилинглар!

Қобон-Очун ва Темир-Муза бир-бирига маъноли қараб олишибди. Уйларига равона бўлишибди.

Энди Бахши-Мерган қўлига дуторини олибди. Дардли қўшиқни маром билан айтибди. Қўрқоқ қушлар тинглаш учун учеб келибди. Ҳайвонлар буржга йиғилибди. Олтойнинг етти юз тоги, олтмиш чўққисидан ўтиб йиғилиб келишибди. Ўрмонларнинг дараҳтлари куй-

ни тинглаб бошларини эгибди. Қуриган шохчалар новдаларидағи қуриган барглари билан достонга жўр бўлибди. Баргларга яшиллик югуриб, баҳшига қарабдилар. Кақшаган ерлардан гуллар унибди. Достон шунчалар мунгли эканки—гап йўқ! Осмондан ёмғир ёғиб, шабада эсибди ва уч рангда камалак туриб, ёйдек эгилиб, Баҳши – Мерганинг елкаларига тушибди.

Буни кўриб Хулкархоннинг тиззалари титрабди. Лаблари осилиб қолибди. Сўз дея олмабди. Кўзларидан тинмай ёш оқиб, тўрт кун қўшиқ эшитибди, ёстиқقا бошини кўймабди. Овқат емабди.

— Бу етти ўғлонни мен енга олмайман! — дебди охири.

Шу пайт ой нурлари безаган ҳарир пардалар ортидан Тилло Камалак кўринибди. Унинг соchlари тилло жамалак, кўзлари эса гилосдек экан. Оққайнадай оқбадан ва жамалаксоч гўзал ҳарир парда ёнида ёниб тураг экан.

Тошйўнар уни кўриб ўнг тиззасига чўкибди ва Тилло Камалакнинг ўнг қўлидан тутиб титроқ билан дебди:

— Энди мени сендан ҳеч ким ажратса олмайди!

— Биз энди абадий биргамиз, — жавоб қилибди Тилло Камалак. Тошйўнар уни даст кўтариб, бир силкиб кичрайтирибди ва жамодонига жойлабди. Еттовлон шу он мис асоларини қўлга олишибди-да ўз оувулларига жўнашибди.

Темир-Музга Баҳодир буни кўриб темиртан бўз отига жаҳл билан қамчи босибди. От кўкка ўрлабди.

— Куйинма болам, Темир-Музга, — дебди осмон ҳукмдори Тангрихон, — бу ака-укаларга биз энди омонлик бермаймиз! Улар ерда, биз осмондамиз. Уларни ўз жойида қириб ташлаймиз, — дебди.

Хулкархон эса Тангрихон олдида ўтирас, аламдан пастки лабларини тишлиб узиб олган эди. Чап оёғини сиқиб тўпигини чиқариб юборди. Кўзларидан ёш ёмғир бўлиб қуюлди.

Еттовлон эса тўй бошлаб юборишибди. Ўқотар – Мерган ов қилиб семиз-семиз жониворларни, паррандаларни тутиб келтирибди. Сувчи эса кўлларни бир симириб шаробга айлантирибди. Тоғчи эса маъданли

тошлардан гўзал қаср қурибди. Чаққон югуриб Олтойни етмиш етти марта айланибди. Олтойнинг етти юз қабиласини тўйга чорлабди.

Бахши-Мерган тунни кунга улаб достон айтибди. Достони дунёни тутибди. Осмонда юлдузлар ухлай олмабди. Бутун борлиқ тўйни томоша қилибди.

Бир маҳал Сезгир булутдай оқариб кетибди:

— Вой, фалокат! — дебди у — бизга қараб осмон қўшинлари келмоқда. Олдинда Ҳулкархон изидан Тангрихоннинг ўғли темиртан бўз от минган Темир-Муза келмоқда.

Еттовлон нима қилишни, қандай кутулишни билмабди.

Осмондан эса оловли ёмғир ёға бошлабди. Ёнларига ёнар юлдуз келиб тушибди.

Шунда тоғлар ҳукмдори Тоғчи музли қояни кўтарибдида, одамлар муз тагига киришибди. Аммо юлдуз ёмғири тинмабди, уч қават музлик уч бўлинниб кетибди. Тоғчи Олтойнинг етмишта музқоясини келтириб етмиш қатор қўйибди. Бироқ юлдузлар ёмғири ёғаверибди, ёғаверибди. Етмиш қоя емирилиб водийга дарё бўлиб оқибди. Шунда биродарлар ғазаб билан осмонга қараб:

— Бизни ерда яшашга қўймайсизми? Унда, майли! Биз энди осмонда яшаймиз, — дебди улар ва ҳаммаси кўкка ўрлаб юлдузларга айланишибди.

Шундан буён уларнинг қароргоҳи осмонга кўчиб еттовлон (Катта айик) юлдузига айланибди. Уларнинг қароргоҳи кутб юлдузи — олтин қозик ёнида экан. Ҳулкар (Сурайё) юлдузи эса улардан анча ортда жойлашган бўлдиб, ҳамон еттовлондан қизлари Тилло Камалакни қайтариб олиш ниятида пойлаб юраркан. Ҳулкархон очик жанг қилишга журъат қилолмас, шу сабабли доим орқадан пойлар экан. Бироқ ака-укалар ҳам доим огоҳ ва хушёр эканлар. Доим Ҳулкарга юзмаюз турарканлар.

Улар энди абадий шундай яшар эканлар...

КАКҚУ ҚУШИ ҲАҚИДА ЭРТАК

Бор экан-да йўқ экан...

Бир замонлар, Олтойда камбағалгина яшайдиган, муштипар бир аёл бўлган экан.

Унинг учта қулоқсиз, шумтака ўғли бор экан. Бу болалар жуда ўйинқароқ бўлиб, эрта-ю кеч кўчада ўйнаб юришар, ҳеч онасига қулоқ солишимас, уй ишларида ёрдам беришмас экан. Қорда ўйнаб-ўйнаб уст бошини ҳам ҳўл, ҳам кир қилишар, пийма этик кийган оёқлари билан лой ва қорни киритиб, уйни ҳам ифлос қилишар экан. Онаси эса уларнинг кийимларини қуритаман, уйни тозалайман, деб чарчаб кетар экан. Бечора қийналиб кетиб, охири касал бўлиб қолибди. Ўтовда ётиб болаларини чақира бошлабди:

— Болажонларим, томоғим қуриб кетяпти, менга сув келтиринглар, сув беринглар, илтимос! –дебди.

Бечора она қанча ёлворсаям, ўғилларидан ҳеч бири сувга бормабди.

Каттаси:

— Менинг этигим йўқ, – деса,

Иккинчиси:

— Менинг телпагим йўқ, – дермиш.

Учинчиси эса:

— Менинг кийимим йўқ, – дер экан.

Она эса ёлвориб:

— Ахир дарё яқин-ку, кийимсиз ҳам борса бўлаверади. Томоқларим қақраб кетди, сувсаб кетдим, ёлвораман сув беринглар! – дебди.

Болалар эса бепарволик билан ўтовдан чиқиб, ўйинга берилишибди. Онаизорга эса қайрилиб ҳам қарашмабди. Бир маҳал каттаси қорни очиқиб ўтога қайтиб келса, онаси ўзгариб қолибди. Қарасаки, онаси ўтовнинг ўртасида туриб, устига буғу терисидан тикил-

ган пўстин кияётган экан. Кийган сари пўстин патлар билан қопланар экан. Онаси секин қўлига тери ошлайдиган тахтани олса, дарровда күшнинг думига айланабди. Шу ерда ётган ангишвона эса тумшуқ бўлибди. Кўллари қанотга айланабди.

Онаизор какку қушга айланабди-да, ўтов мўрконидан кўкка парвоз қилибди.

Буни кўрган катта ака:

— Укажонлар, қаранглар, қаранглар, онамиз қуш бўлиб учиб кетди! — деб бақира бошлабди.

Болалар онасининг ортидан ҳаллослаб чопишибди:

— Онажон, онажон, биз сенга сув келтирдик! Илтимос, кетма, — дейишибди.

Онаизор эса:

— Ку-ку, ку-ку! Кечикдингиз, энди кеч, энди менга кўл ҳам бир қадам, энди мен тўлқинлар узра учаман! Сувни ўзим ичаман, — дебди.

Болалар онаси ортидан чўмичлаб сув кўтариб чопишибди. Сувни кўрсатиб, қайтинг, — дея ёлворишибди.

Кенжаси :

— Она, онажон! Қайтинг! Мана сувдан ичинг, — дея ёлворишибди.

Онаизорнинг овози кўклардан келибди:

— Ку-ку, ку-ку! Кечикдинг, болам! Энди қайтолмайман!

Болалар ўнқир-чўнқирлар, ботқоқлар, тошлоқлар бўйлаб туну кун чопишибди. Чунонам чопишибди, оёқлари қонаб, қаердан юришса қон изи қолаверибди.

Онаизор эса болаларини бутунлай ташлаб кетибди. Ортга қайтмабди.

Шундан буён какку қуши ўзига ин қурмас экан. Бола боқмас экан. Тухумини бошқа күшларнинг инига кўяр, боласига эса қарамас экан.

Олтой тоғларининг сўқмоқларида эса болаларнинг қонли излари бўлиб, ўшандан буён қизил пўпанаклар ўсар экан.

ОЛТОЙ ШЕЪРИЯТИДАН НАМУНАЛАР

Тамара САДАЛОВА

Рўмолнларим

*Оппоқ гулли шолрўмолим,
Оқ ойдинда ёпиндим.
Олма гулга буркандим,
Оқ орзуга чулғандим
Оқ қоялар орзусида хаёлим...*

*Қондек қизил шолрўмолим,
Қон қизитса ёпиндим,
Ўт-оловга айландим-да
Ёзғирмасни ёзғирдим,
Ҳақ сўзини айтольдим.*

*Кўум-кўк ипак шолрўмолим
Ҳирс чулғаса, ёпиндим,
Кўк булатга буркандим-да
Ҳирсларимни совутдим,
Қалбим сирин тўсолдим.*

Шеърларим – қисматим, мангулигим

*Юрган эдим, жимгина яшаб,
Ногоҳ қалбга бир ҳис жо бўлди,
Қўшиқ куйлагим келди.
Яшаётган эдим, жимгина.
Ногоҳ, Ватан тушимга кирди.
Юлдузларнинг ёлларин тараф,
Кабутарлар тунлари учди.
Ёллар чанги тўзди ҳар тараф,
Ёғдуларнинг қутқуси ўчди,
Тўкилдилар ёллар чинқираб.*

Сариқ тут довони⁸ узра түкилиб,
 Ёғдулардан унди чечаклар.
 Сариқ-қызил тусли товуқлар
 Сариқ күлнинг устида учар.
 Галма-галдан күлни айланиб,
 Хотиралар қўшиғин айтар.
 Яшаётган эдим, жимгина.
 Хотиралар қалбни титкилаб,
 Дилга солди чексиз аламлар,
 Она халқнинг қисматин ўйлаб,
 Юрагимни босади ғамлар.
 Ёлғизоёқ тоғ сўқмоғидан,
 Кўчманчилар сергак отларда,
 Тик қоялар орасин ёриб,
 Тирмашганча кўздан йўқолар.
 Топталган,
 ложувард тошлар бекинар.
 Шаршаралар овози тутиб,
 Узангилар жаранги тинар.
 Кувиб келаётган ёв йўлин тўсиб,
 Қоятошлар унар.
 Муқаддас тоғларин алқаб,
 Кўчманчилар кўкка йўл тутар,
 Ўтиб тифдай тошли йўллардан,
 Ўзларига янги йўл топар.
 Кўк осмонни тутарлар Ватан.
 Муқаддас отлари билан эш бўлиб,
 Абадият сари маташиб⁹ борар.
 Сақлаб борар азиз жонини,
 Сақлаш учун Халқнинг номини,
 Бардош билан асрлар оша
 Асрар ВАТАН ИСТИҚБОЛИНИ!

⁸ Олтойдаги довон

⁹ Маташиб – шева:

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Тошкент, 2002.
2. Аёзий Мирзо Мухаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Т.: O'zbekiston, 2011.
3. Религии мира. Энциклопедия. – М., 1996
4. Корявко Г.Е. Философия как форма общественно-го сознания. Очерки теории и истории. М., 1990.
5. Сборник. Традиционное мировоззрение тюроков Южной Сибири// АН СССР Сибирское отделение. – Новосибирск, 1988.
6. Бобур Захириддин. Бобурнома / Ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаева табдили. – Т.: O`qituvchi, 2008.
7. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадуғи билиг – Тошкент, Юлдузча, 1990.
8. Маҳмуд Қошғарий. Девону лугати турк. Уч томлик. – Тошкент, Фан, 1960.
9. Кўчқоров В.Х. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократлаштириш жаравёнида миллий ўзликни англаш муаммоси (сиёсий-фалсафий таҳлил). Фалсафа фанлари д-ри ... дис. автореф. – Т., 2009.
10. Радлов В.В. Из Сибири. Страницы дневника. – М.: Наука, 1989.
11. Габитов Т., Муталипов Ж., Кулсариева А. Культурология. /А., 2001.
12. Турысжанова Р.К., Бердалина А.С. Курс лекций по культурологии.
13. Орынбеков М.С. Предистория протоказахов / Алма-Ата, 1994.
14. Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. М.-Л., 1953.
15. Потапов Л.П. Алтайский шаманизм. – Л., 1991.
16. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М.—Л., 1951.
17. Гумилев Л.Н. Древние тюрки – М. – Л., 1984.

18. Гумилев Л. Н. Тысячелетие вокруг Каспия. М., 1993.
19. Гумилёв Л. Н. Древняя Русь и Великая Степь
20. Баскаков Н.А. Алтайский язык. – М., 1958.
21. Баскаков Н.А., Тощакова Т.М. Ойротско-русский словарь. – М., 1947.
22. Вербицкий В.И. Алтайские инородцы. – М., 1893.
23. Вербицкий В.И. Словарь алтайского и алдагского наречий тюркского языка. – Казань, 1884.
24. Грамматика алтайского языка, составленная членами Алтайской духовной миссии. – Казань, 1869.
25. Дыренкова Н.П. Грамматика ойротского языка. – М., Л., 1940.
26. Ябыштаев Т. С. Об этнической ситуации в республике Алтай // Археология и этнография азиатской части России (новые материалы, гипотезы, проблемы и методы) (матер. конф.). Кемерово: Кузбассвузиздат, 2009.
27. Тадина Н. А., Ябыштаев Т. С. О современной этничности алтайцев в свете их этнокультурных традиций // Мир Евразии, 2009. №2(5). – С. 61–64.
28. Кыдыева В. Я. Институт зайданства у алтайцев // Алтай – Россия: через века в будущее (матер. конф.) Горно-Алтайск: РИО ГАГУ, 2006.
29. Тадина Н.А. Тип «крещеных» алтайцев: прошлое и настоящее // Христианский мир: религия, культура, этнос (матер. конф.) СПб., 2000.
30. Тадина Н.А. Этническая консолидация и преемственность поколений в осмыслении бурханизма // Этнографическое обозрение. 2005.
31. Тадина Н.А. Русское влияние на нравственные и трудовые традиции крещеных алтайцев // Этнография Алтайского края. – Барнаул, 1994.
32. Тадина Н.А. Возрождение зайданата в Республике Алтай: взгляд сквозь собственную этническую идентичность // Гуманитарные науки в Сибири. 2009.
33. Потапов Л.П. Краткий очерк культуры и быта алтайцев. Горно-Алтайск, 1948. 64 с.

34. Анохин А.В. Материалы по шаманизму у алтайцев. Горно-Алтайск, 1994.
35. Левин М.Г. Роды «карындаш» у алтайцев // Советская этнография. 1947.
36. Октябрьская И.В. Тюрки Алтая: проблемы многонационального сообщества // Народы Сибири: права и возможности. Новосибирск, 1997.
37. Потапов Л.П. Черты первобытнообщинного строя в охоте у северных алтайцев // Сб. Музея антропологии и этнографии / Ин-т этнографии им. Н.Н. Миклухо-Маклая. 1949.
38. Потапов Л.П. Одежда алтайцев // Сб. Музея антропологии и этнографии / Ин-т этнографии им. Н.Н. Миклухо-Маклая. 1951. Т.
39. Потапов Л.П. Пища алтайцев // Сб. Музея антропологии и этнографии / Ин-т этнографии им. Н.Н. Миклухо-Маклая. 1951. Т.
40. Потапов Л.П. Этнический состав и происхождение алтайцев: Историко-этнографический очерк. Л., 1969.
41. Токарев С.А. Пережитки родового культа у алтайцев. Нов. сер. 1947.
42. Шатинова Н.И. Семья у алтайцев. Горно-Алтайск, 1982.
43. Сатлаев Ф.А. Кумандинцы: (Историко-этнографический очерк XIX – первой четверти XX в.). Горно-Алтайск, 1974. Функ Д.А. Бачатские телеуты в XVIII – первой четверти XX в.: историко-этнографическое исследование. М., 1993.
44. Уланов А.И. Древний фольклор бурят. – Улан-Удэ, 1974.
45. Безергинов Р.Н. Тенгрианство – религия тюрков и монголов. – Набережные Челны: Аяз., 2000.
46. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.–Л., 1950.
47. Малявкин А.Г. Уйгурские государства в IX–XII вв. – М., 1983.

48. Дыренкова Н.П. Род, классификационная система родства и брачные нормы у алтайцев и телеут // Материалы по свадьбе и семейно-родовому строю народов СССР. – Л., 1924.
49. Швецов С.П. Горный Алтай и его население. – Барнаул, 1900. Потапов Л.П. Этнический состав и происхождение алтайцев. – Л., 1969.
50. Тадина Н.А. «Мать»-Береза в семейной обрядности алтайцев // Природные условия, история и культура Западной Монголии и сопредельных регионов (тезисы IV межд. науч. конф.). – Томск, 1999.
51. Покровская Л.А. Термины родства в тюркских языках // Историческое развитие лексики тюркских языков. – М., 1961.
52. Тадина Н.А. Система терминов родства и этикетные нормы обращения у алтайцев // АР-4.
53. Бутинов Н.А. Экзогенное родство // АР-4.
54. Акишев К.А. Искусство и мифология саков М., 1969.
55. Есим Г.Е. Сознание и бытие (на казахском языке). Алматы, 1994
56. Кшибеков Д.К. Кочевое общество – Алма-Ата, 1984
57. Маргулан А.Х., Акишев К.А., Кадырбаев М.К., Оразбаев А.Н. Древняя культура Центрального Казахстана. – Алма-Ата, 1966.
58. Медоев А.Г. Гравюры на скалах. – Алма-Ата, 1979
59. Назарбаев Н.А. В потоке истории / Алматы, 1999
60. Анохин А.В. Бурханизм в Западном Алтае // Сибирские огни. 1927, № 5.
61. Анохин А.В. Лекции по алтаеведению. СПб: Изд-во Политехн. ун-та, 2012.
62. Арзютов Д.В. Социальная сеть религиозного движения (к проблеме понимания современного Ак-Янг на Алтае) // Культура как система в историческом контексте. Опыт западносибирских археолого-этнографических совещаний. Томск: Аграф-Пресс, 2010.

63. Данилин А.Г. Бурханизм. Горно-Алтайск: Изд-во Ак Чечек, 1993.
64. Екеев Н.В. Радость поиска истины (послесловие) // Шерстова Л.И. Тайна до-лины Теренг. Горно-Алтайск: Изд-во – Ак Чечек, 1997.
65. Косьмин В.К. Влияние монгольского буддизма на формирование и развитие бурханизма на Алтае // Этнографическое обозрение. 2005.
66. Кыдыева В.Я. Земельный вопрос в Горном Алтае и ак јан: история и современность // Бурханизм на Алтае: взгляд через столетие (матер. конф.). – Горно-Алтайск 2004.
67. Муйтуева В.А. Традиционная религиозно-мифологическая картина мира алтайцев. – Горно-Алтайск: Типография ЧП Высоцкой Г.Г., 2004.
68. Сагалаев А.М. Алтай в зеркале мифа. Новосибирск: Наука, 1992.
69. Тадина Н.А. Этническая консолидация и преемственность поколений в осмыслении бурханизма // Этнографическое обозрение. 2005, № 4. С. 38–44.
70. Тадина Н.А. Бурханизм и этикет у алтайцев // Этнографическое обозрение.
71. Н.Рахмонов. Күхна битиктошлар. – Т., 1990.
72. Н.Рахмонов. Турк хоқонлиги. – Т., 1993.
73. А.А.Сазанов. Историческое значение визита Н.К.Периха в Москву.
74. Григорьева Вера. Традиционные верования как форма религии. Якутск, 2007.
75. Кубарев В.Д., Черемисин Д.В. Образ птицы в искусстве ранних кочевников Алтая // Археология юга Сибири и Дальнего Востока. – Новосибирск: Наука, 1984.
76. Майзина А.Н. Семантическое поле цветообозначений в алтайском языке (в сопоставлении с монгольским языком). – Горно-Алтайск: НИИ Алтайистики им. С.С. Суразакова, 2008.

77. Ойношев В.П. Система мифологических символов в алтайском героическом эпосе. – Горно-Алтайск: АКИН, 2006.
78. Потапов Л.П. Конь в верованиях и эпосе народов Саяно-Алтая // Фольклор и этнография. Л.: Наука, 1977.
79. Потапов Л.П., Гоач А.Д. Волк в старинных народных поверьях и приметах узбеков // КСИЭ. М., 1958.
80. Радлов В.В. Из Сибири: Страницы дневника. – М.: Наука, 1989. 749 с.
81. Сагалаев А.М., Октябрьская И.В. Традиционное мировоззрение тюрков Южной Сибири: Знак и ритуал. Новосибирск: – Наука, 1990.
82. Симаков Г.Н. Общественный функции киргизских народных развлечений в конце XIX – начале XX в. – Л.: Наука, 1984.
83. Тадина Н.А. Алтайская свадебная обрядность (XIX-XX вв.). – Горно-Алтайск, 1995.
84. Тадина Н.А. О возрастных степенях и связанных с ними терминах родства и нормах апелляции у алтайцев // Алгебра родства. Родство. Системы родства. Системы терминов родства. СПб.: МАЭ РАН, 2001.
85. Тадина Н.А. Лошадь как сакральный дар с «теплым дыханием» в ритуальной практике алтайцев // Древние и средневековые кочевники Центральной Азии. – Барнаул: Азбука, 2008.
86. Тыдыкова Н.Н., Кудачина А. К вопросу об образе волка в тюркоязычных легендах и сказаниях, а также в алтайском фольклоре // Алтай и тюрко-монгольский мир. – Горно-Алтайск: Ин-т гуманитар. исследований, 1995. – С. 26-30.
87. Ямова Н.А. Табуированная лексика и эвфемизмы в алтайском языке. – Горно-Алтайск: НИИ истории, языка и литературы, 1990. 169 с.
88. Ямаева Е.Е. Миры о волчице-прародительнице //
89. Е.Е. Ямаева Алтайская духовная культура: Миф. Эпос. Ритуал. – Горно-Алтайск: Ин-т гуманит. исследований, 1998. – С. 106 –112.

90. Живая Этика. Община (Урга).
91. Беликов П.Ф. Рерих (опыт духовной биографии).
- Новосибирск: ИЧП «Лазарев В.В. и О», 1994.
92. Живая Этика. Агни Йога. – М.: МЦР, 2008.
93. Границы Агни Йоги. В 13 т. – Новосибирск: Алгим, 1993–1998.
94. Т. М. Садалова. Алтайская народная сказка: этнофольклорный контекст и связи с другими жанрами. Ин-т гуманитарных исследований Республики Алтай, 2003.
95. Т. М. Садалова. Загадки Шуню-батыра: (историко-фольклористическое исследование). Юч-Сюмер-Белуха, 2006
96. С.С.Карташ. Этнопедагогика в алтайской поэзии.
- Барнаул. 1996.
97. [www http://altai.one/](http://altai.one/)
98. <https://altai-altai.ru/>
99. <http://tiana-go.ru/strany/altaj>
100. <https://altay-travel.info/>
101. <http://welcometoaltai.ru/>
102. <http://respublika-altaj.ru>
103. <http://gornoaltaysk.bezformata.ru/>
104. <http://gorno-altaysk.infrus.ru/gorno-altaysk/altaydin-cholmoni.html>
105. <http://gorno-altaysk.bizly.ru/>
106. <http://www.elaltay.ru/>

МУНДАРИЖА

Усмон Азим. “Олтой”лар ва унинг муаллифи ҳақида	3
Муқаддима	7
Олтой халқи	14
Турмуш тарзи ва майший ҳаёт	17
Қизиқарли маълумот	24
Олтой тил оиласи ҳақида.....	26
Қизиқарли маълумот	31
Ўрхун-Энасой ёзувлари ва олтой тили	31
Олтой тили.....	36
Олтой тилида сўзлашиб кўринг	45
Қисқача олтойча-ўзбекча луғат	48
Олтой тарихидан лавҳалар	53
Олтой уруғчилигининг асослари ва этник ҳусусиятлари ..	59
Тўй маросимлари	64
Олтойларнинг диний эътиқодлари	72
Тангричиллик.....	73
Шомонийлик	78
Ибодат шакллари	84
Анъанавий эътиқод шакллари ва ҳомий илоҳалар....	89
Бурхонизм	100
Буддавийлик ва ламаизмга эътиқоди.....	107
Насронийлик	112
Ислом	114
Дафн маросимлари	115
Олтойликлар қабрлари	119
Марҳумни хотирлаш маросимлари	122
Марака ва марсиялар	122
Олтой халқининг миллий ўйинлари	127
«Кўк бўрў».....	128
Олтойча «кок бору» ўйини.....	132
Куреш	134
Олтойча шахмат — “шатра”	136
Олтой халқ оғзаки ижодиёти ва афористик поэзияси ..	138
Олтой мақолларидан намуналар	142
Олтой достончилиги ва эртаклари	145
Достонлар	145
Эртаклар	147
Алп-Манаш достони	149
Етти оғайни	163
Какку куши ҳақида эртак	172
Олтой шеъриятидан намуналар	174
Фойдаланилган адабиётлар	176

Илмий-оммабон нашр

Анвар БЎРОНОВ

ОЛТОЙЛАР

Мухаррир:
Сайд Мурод

Техник мухаррир:
Файзулло Азизов

Мусаххих:
Раъно Муллахўжаева

Дизайнер:
Василий Бурцев

“Muharrir nashriyoti”

Лицензия: АI № 309. 2017-йил 22-июнь.

Теришга 2017 йил 26 июнда берилди.
Босишига 2017 йил 19 сентябрда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32. «Virtec Times» гарнитурасида
оффсет босма усулида оффсет қофозида босилди.

5,75 шарт. б.т. 9,38 хисоб нашр. таб.
Адади 1000 нусха. 166-сон буюртма.

“Мухаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru.